



**М А Ш Р А Б**

# **ДЕВОН**

**Гафур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент—1980**

ББК 84Ўэ  
М 34

Нашрга тайёрловчилар

*Ваҳоб Раҳмонов ва Қомилжон Исроилов*

М  $\frac{70403-232}{М352(04)-80}$  1-79-4702057010

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.

## БУЮК ИСЕНҚОР

Урта Осиёдаги феодализм жамияти эволюцияси ва тараққиётига назар ташланса, XIV—XV асрларни бу ижтимоий формациянинг энг гуллаган даври эди, деб характерлашга тўғри келади. Ҳар қандай жамият ўзининг олий тараққиёт босқичига етганида унинг камолот белгиси илмда, фанда, санъатда, борингики, маънавий-ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳам зуҳур этади. Чунончи, XV асрнинг биринчи ярмида Самарқандда Улугбек бошчилигидаги улкан астрономия мактаби фаолият олиб борди; XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда адабиёт, санъат ва фаннинг мисли кўрилмаган тараққиёт палласи яққол сезилди; марказлашган давлатлар ушбу тараққиёт учун яхши замин яратган эдилар. Заҳриддин Муҳаммад Бобир Ҳусайн Бойқаро даврида илм-фан, санъат ва ҳунарнинг беқиёс ривож топганини уқтирар экан, ҳайрат билан ушбу замон тенденциясини қуйидагича характерлайди:

«Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замонга эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишининг бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолга тегургай»<sup>1</sup>.

Бироқ феодализм жамияти XVI асрнинг бошлариданоқ чиришга юз тутди. Чексиз ҳокимиятга эга бўлган монархия ва унинг мафкуравий дастуриламали — ислом дини ҳукмрон эди.

Ислом дини ҳар қадамда илғор фикр эгалари фаолиятини таъқиб этди. Улугбек диний реакция қурбони бўлди. Алишер Навоий феодализм-сарой фитначилари зулмини тортди.

<sup>1</sup> Бобир. Асарлар. Уч жилдлик, 2-жилд, Бобирнома, Тошкент, 1965, 258-бет.

XVI асрга келиб илгариги санъат ва адабиёт, илм-фан тараққиёти ҳақида сўз юритиб бўлмасди. Энди Улугбек ва Ҳусайн Бойқаролар даври худди ширин тушга ўхшарди. Бу даврда миллионлаб деҳқонлар ерсиз ва бошпанасиз қолди: Шайбонийхон ва унинг амир, амалдорлари деҳқонларнинг экин ерларини ўз чорвалари учун яйловга айлантирдилар.

Маънавий, руҳий ҳаётда илм, фан ва санъат деярли унутилган, ягона хўжайини — дин қолган эди. Инқирозга юз тутган феодализмнинг жон-жаҳди билан қайта тирилишига уриниши — диний реакциянинг зўрайишида зуҳур этди.

Мадрасалар ўқувчиси оз, улардан дунёвий билимлар сиқиб чиқарилиб, фақат диний илмлар маконига айлантирилган эди.

Бухоро амирлиги, Хоразм хонлиги ва Фарғона музофотларида маданий тушкунлик жуда кучли эди. Феодал жамиятининг инқирози феодал бошбошдоқлигининг кучайиши, синфий курашнинг авж олиши, меҳнаткашларнинг тобора моддий ва маънавий жиҳатдан даҳшатлироқ эзилиши таассуб ва фанатизм тантанаси билан характерланади.

Синфий курашлар жангида халқ ўз маънавий-маданий йўлбошчиларини еттиштиради. Халқнинг ана шундай маънавий устозларидан бири Машраб эди.

Бобораҳим мулла Вали ўғли Машраб Намангоний кўп асрдирки хилма-хил ғоявий позициядаги миллионлаб кишилар диққатини тортиб келаётган тарихий шахсдир. Халқ уни худди ўз Насриддин Афандиси каби ҳозиржавоб, зукко, фикран ва маънан диний уламолар ва шайх-зоҳидлар устидан ҳар бир тўқнашувда ғалаба қозонувчи доно киши сифатида билади ва севади. Шонр номини ислом хизматига қўймоқчи бўлган феодал-клерикал арбоблар Машрабга ёт бўлган — Шоҳ Машраб, Эшони шоҳ Машраб, Вали сингари номлар қўядилар; уни худонинг ошиғи ва эркатойи сифатида талқин қиладилар; худо йўлига умрини тиккан фанатик зоҳид сифатида гавдалантирадилар...

Аслида Бобораҳим исмли бола Намангандаги Андигон қишлоғида 1657 йилда Вали бобо ва Биби Салималар онласида дунёга келган. Отаси бўзчи косиб бўлишига қарамай, илм-маърифатдан хабардор бир киши эди. Шунинг учун ҳам гоҳо уни халқ мулла Вали, деб

атаган. Бўлгуси шоирнинг отаси ўғли истиқболга жуда катта аҳамият берган. Бобораҳим ўз қишлоғида бошланғич маълумот олгач, отаси уни Наманган мадрасаларининг бирига ўқишга берган. У мадрасада форс-тожик адабиёти, араб тили ва адабиётини мукаммал ўрганган. Акс ҳолда у форс-тожик ва араб тилларида бадний жиҳатдан юксак баҳоланадиган асарлар ярата олмаган бўлур эди.

Адабиётшуносликда Машрабни гоҳ андижонлик, гоҳ наманганлик деган ҳар хил қараш бор эди. Ҳозир бу нарса узл-кесил ҳал бўлди. Олимлар Андигонни Андижон деб ўқиб нуқсонга йўл қўйган эдилар. Машраб бир қатор шеърларида,— ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам,— ўз туғилган жойини аниқ кўрсатган:

Ҳеч киши билмас мени қайдин бу ерга келганим  
Асли зотимни сўрасанг, мен ўзум Хўқониман,—

деб шоир ота уруги Қўқондан эканлигига ишора қилади ва шу байтнинг давомида ёзади:

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,  
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман.

Қуйидаги тожик тилидаги рубоий эса, шоирнинг миллати (туркий) ва қишлоғи ҳақида маълумот бериши билан характерлидир:

Аввал қадам пири муғонро ишқ аст,  
Дуввўм сару по бараҳнагонро ишқ аст.  
Риндони Бухоро, бангиёни Кашмир,  
Шоҳ Машраби турк Андигонро ишқ аст.

Шоир «Машраб» тахаллусини агар унинг ўз шеърларидаги ишорасига ишониб фикр юритсак, кечроқ қабул қилганга ўхшайди. Маълумки, Бобораҳим аввал Мулла Бозор охунд (Ҳожи Убайдулло) деган диндор бир киши қўли остида илоҳиёт асосларини ўргана бошлаган. Билимга чанқоқлик, ҳақиқат йўлидаги изланишлари туфайли ёш йилгит қарашларида диннинг кўп нуқталарига ишончсизлик туғилди. Бу ҳолни эртароқ сезиб қолган Мулла Бозор Машрабни «тўғри

йўлдан» озиб бораётганидан ҳадиксирайди, лекин уни қайтаришга илож тополмайди. Нонқоғ қолган пир таълим давомини Қашқардаги машҳур мутасаввуф эшон Ҳидоятилло Офоқ Хожага оширади. Машҳур шайх даргоҳига бош уриб борган Бобораҳим ундан илоҳиёт таълиминини олиш ўрнига, пирнинг талаби билан етти йил Офоқ Хожанинг йилқиларинини боқади:

Машрабо, умрунг Хўтан даштида ўтти қон ютуб,  
Пўстунумни чини кокулунг била чолмоқ эдим.

Шоир «ўзум» радифли шеърида Машраб таҳаллусини Офоқ Хожанинг тақлиф қилганини эслайди:

Қуддусаро азиз Хожам Машраб отини қўйдилар,  
Қошғару Ерканд ичида соҳиби гуфтор ўзум.

Шу ўринда «Машраб» таҳаллусининг луғавий маъносини изоҳлаб ўтайлик. Машраб сўзи луғатда «ичимлик», ҳазилкаш деган маъноларга молик. Уйғурларда латифа жанрига яқин турадиган машраб жанри ҳам бўлиб, бу жанр юмор кучлилиги билан характерланади. Бироқ ушбу маъноларнинг бирортаси Машраб таҳаллусинини изоҳлаёлмайди. Машраб — маслак, маслакдош деган тушунчаларни ҳам ифодалайди. Бизнингча, Машраб таҳаллусининг маъноси ана шундай бўлса керак.

Шоирнинг бошқа таҳаллуслари ҳақида икки оғиз сўз: ўнлаб Машраб девонлари ва «Девони Машраб» китобларининг энг қадимий ва мўътабарроқ нусхаларида Машрабнинг Маҳдий, Риндий ва Умам таҳаллусларидан фойдаланганлиги уқтирилади ва шу таҳаллуслар қўйилган шеърлардан намуналар келтирилади. Ушбу таҳаллуслар шоирнинг ўзбек ва тожик тилидаги шеърларида баб-баравар қўлланилган:

Машраби Ринди Умам кўйинда жон берсанг, на ғам,  
Бир гуноҳе ўтса мандин тавбау оҳ қилди ё?  
Машраби Маҳди, Адҳам хушлади фақр аҳлини,  
Бандай умум Умам сиддиқи босафо келур.

Сад шукр, Умам, хонан ишқ аст саломат,  
Сурури ҳавас, турран Лоҳур шикастам.

Машраби Ринди Умам сармасти шайхони Умам,  
Хонақоҳи бенишон бо дайр вайрон кардаам.

Машраб навқирон йигитга хос ҳақталаблик йўлида Офоқ Хожа остонасига қадам қўйган эди:

Тавофи остонингга ғариби нотавон келдим,  
Умид айлаб мадад сандин ба чашми хунфишон келдим.

Афсуски, «фоний дунёнинг роҳат-фароғатидан этак силккан» Офоқ Хожа Бобораҳимни қадрламади. Уни текин йилқичи сифатида эзиб, ёшлиги ва куч-қувватини олди. У бу билангина чекланмади. Шоирнинг энг эзгу истакларини ваҳшийларча топтаб, ўз канизакларидан бирини севиб қолган Машрабни даргоҳидан қувиб юборди. Офоқ Хожа ким эди? У эшонлик ва мутасаввуфликни ўзига ниқоб қилиб олган ўта амалпараст ва роҳатпараст бир кимса эди. У ўз нуфузидан фойдаланиб, Қашқар ҳокимини бўшаттиради ва етти йил давлат бошқаради...

Машраб сафарлари то умрининг охиригача давом этди. У бугун Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларини кезиб чиқди. У бўлган шаҳар ва қишлоқларда шоир исёнкорлиги, шайх-зоҳидларга нисбатан мурасасиз ва шафқатсизлиги ҳақида ажойиб хотиралар қоллар эди.

Халқ Машраб ҳақида ўнлаб латифалар тўқиган. Қизинги шундаки, бу латифаларнинг асосий қисмида Машраб ва шайх-зоҳидлар орасидаги кескин кураш кўзга ташланади. Шундай латифалардан бирнда айтилишича, Машраб Бухорода кезиб юрганида ўз қулини дўппослаётган Жўйбор шайхларидан бирнга кўзи тушади. Шоир бориб, қулининг гуноҳи нимада эканлигини сўрайди. Хожа унга жавобан, қул отдан беҳабар қолгани ва от товуқ нажосини еб, ўлиб қолганини айтади. Шу чоқ Машраб Хожага савол беради:

— Падали бузурговрингиз бормилар?

— Йўқлар,— деб жавоб беради Хожа.



— Нима бўлганлар?— сўрайди талмовсираб Машраб.

— Қазо қилганлар!— дейди қулдор.

— У киши ниманинг тезагини еб ўлганлар?— деб сўрайди шоир... Кўряпмизки, Бухоро амири Жўйбор шайхлари олдида қўл қовуштиради-ю, Машраб уларни аёвсиз масхара қилишга ботинади!

Машраб элма-эл, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезар экан, ҳамма жойда ҳам, унинг дини, ирқидан қатъий назар меҳнаткаш халқ аҳволи машаққатли эканлигининг гувоҳи бўлди:

Дили тиғи ситамдин пора бўлгон халқни кўрдум,  
Тани дарду аламдин ёра бўлгон халқни кўрдум,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлгон халқни кўрдум,  
Муҳаббат даштида овора бўлгон халқни кўрдум,  
Жунун туғён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо...

На гурбатларни чектим, чархи бебунёд, дастингдан,  
Мудом мотамда бўлдум, бўлмадим дилшод дастингдан,  
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдан,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдан!

Машрабнинг ижтимоий ва теологик исёнкорлигини ўз даври учун илғор саналган қарашлар билан шоир муносабатидан изласак тўғрироқ бўлади. Фридрих Энгельс Урта асрлар даврига хос бўлган ижтимоий оппозицион гуруҳлар ва уларнинг характери ҳақида ёзади: «Феодализмга қарши революцион оппозиция бутун ўрта аср бўйлаб ўтади. У давр шароитига қараб, дам мистика тарзида, дам очиқ ерес (дахрийлик) тарзида, дам қуролли қўзғолон тарзида юз беради»<sup>1</sup>.

Бу доҳиёна фикр Урта ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари тарихида ҳам қайта-қайта тасдиқланган. Араб босқинчиларига қарши оппозицион чиқишлар ҳам, мўғул истилосига қарши оммавий чиқиш формалари ҳам, ҳатто маҳаллий хон ва беклар истибдодига

---

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, изд. второе, том 7, Москва, 1956, стр. 361

нисбатан кўтарилган исёнлар ҳам кўпинча диний талаблар ниқоби остида олиб бориларди. Ҳатто Машрабнинг замондоши Турди Фароғий ҳам иккинчи Қаъба сифатида донг таратган Бухородан чиқиб кетар экан, ёзади:

Бир сори азм айла жойи номусулмондур бу мулк,  
Фитнан авбош, зулму жабру туғёндур бу мулк.  
Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор,  
Мутлақо кирдори хайли кофиристондур бу мулк.

Шарқ халқлари тарихида феодал деспотизмга қарши мафкуравий курашга тушган кишилар сўл сўфийлар — пантеистлар эдилар. Бу йўналиш ҳар бир шаҳарда жамиятнинг энг онгли кишилари бошини бириктирган ва мавжуд зулмга қарши отлангирган эди.

IX асрда Ироқда шаклланган сўфийлик диний фалсафий оқими дин қобиғида туриб диний хурофотларга қарши, феодалларнинг мол—дунёпарастликка асосланган идеалларига қарши ўт очди. Пантеист сўфийлар ҳаёт пайтларида халқнинг маънавий устозлари даражасида, вафотидан сўнг ҳам халқ халоскорлари сифатида номлари азин тутиларди. Энг машҳур пантеист сўфийлардан Шайх Боязид Бастомий, Мансур Халлож, Имоиддин Насимий ва шу сафда Бобораҳим Машраби эслаш мумкинки, буларнинг учтасини феодал мустабидлар ислом уламолари фатвоси билан дорга осдилар; Имоиддин Насимийни тириклай терисини шилдилар...

Пантеист сўфийларга нисбатан бунчалик аёвсиз жазо чоралари қўлланиши боиси нимада эди? Улар феодал тузуми учун шунчалик қаттол душман эдиларми? Бунинг учун сўфизмнинг ўнг ва сўл қанотлари моҳиятини билмоқ керак: сўфизмнинг ўнг қанотидагилар— мистик сўфийлар. Улар: «Худо—энг олий ақл ва ҳусн камоли ну мунаси. Борлиқ унинг арзимас соясидан иборат. Кўз ва кўнгили сояга боғламай худо хаёлидагина яшаш ва унга қовушиш умидини ардоқлаш керак», деб, бу моддий олам ва унинг лаззатларини инкор қилар эдилар. Ҳатто Абубакр Шиблий исми мистик сўфий: «Олам гўзалликлари (чиройли гўзаллар, гуллар, кўркли дарахт ва қушлар, чечаклар ва ҳоказо) кўз ва ҳушимни олмасин», деб ўз кўз-

ларига туз сениб, кўр қилган. Бу — ҳақиқий таркидунёчиликнинг аянчли намунаси, албатта.

Пантеистлар ҳам барча сўфийлар сингари илоҳийпарастлардир. Пантеист сўзининг лугавий маъноси: пан—ҳамма (борлиқ); теос — худо; яъни бутун борлиқ илоҳиётдан иборат, демакдир. Аммо пантеистларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари Урта аср фалсафасининг юқори чўққиси эди. Пантеистлар тасаввурча, борлиқ ва илоҳиёт узвий бир бутунликда. Худо олий идеал бўлса, борлиқ унинг зуҳур этган маҳсули. Аниқроғи, гўё худо — қудушу, олам (одам, бутун жонли ва жонсиз табнат) эса унинг нур зарраларидан иборат. Нур зарралари — умуман борлиқ (инсон, ҳайвон, дарахт, гул ва ўсимликлар дунёси, қимматбаҳо тош, дала-тоғлар, хуллас, борлиқнинг ҳамма-ҳаммаси.) Инсон илоҳийни нечоғли қадрласа ва севса, унинг зуҳуроти — борлиқ мавжудотларини, жумладан, одамларни ҳам ушанча севмоғи лозим. Яъни олам, одам ва кишилик бахтинин, нафосатинин, инсонийлик тантанасинин таи олишга қаратилган бу таълимот ҳаёт, умр, инсоний камолот ва гўзаллик, ундан лаззатланишига тарғиб этади. Бунда мистикларга хос бўлган ўта таркидунёчилик фанатиклиги йўқдир.

Пантеистлар, жумладан, Машраб ҳам зоҳидларга таъна-миллатлар ёғдиради. Буни у даҳрийлик нуқтаи назаридан эмас, пантеист сифатида қилади. Унингча: зоҳидлар худо билан шартномали савдо қиладилар (бу дунёда мен беш вақт намозингни ўқиб, тоғтибодат қиламан, рўза тутаман. У дунёда сен менга жаннатнингдан жой берасан!). Пантеист Машраб «Пистани пўчоғига дўзахни жо қилгучиман», «Бир худодан ўзгаси, барча галатдур, Машрабо!» деганда ўз эътиқодидан келиб чиққан. Унингча «Биз — худо фидойисин. Биз учун — қўрқоқ ва таъмагирлар паноҳгоҳи — жаннат ҳам, фиррибгар ва қаттоллар жабргоҳи — дўзах ҳам йўқ. Елғиз худо бор. У дунёда дўзахига ташласа ҳам, худо ёди билан биз ўт тафтинин сезмаймиз, жаннатга киритса ҳам, худо ишқинда жаннат роҳатларинин писанд этмаймиз».

Пантеистлар Шайх Боязид Бастомий каби йирик шайхми, Мансур Халлож сингари косиб-ҳунармандми, Имодийдин Насимий ва Бобораҳим Машраб сирасидаги қувғинди ижодкорларми, қим бўлишларидан қатъий назар, ўз сафдошлари ва омма раҳбари, меҳ-

наткашлар мафкурачилари сифатида, эл бошини бириктирувчилар бўлганликларидан феодал идеологлари ва ҳукмдорлари томонидан таъқиб қилинган.

Машрабнинг пантеистларга муносабатини ўрганиш шоир ижтимоий-фалсафий тафаккурини билишга кенгроқ йўл очади. У Мансур Халлож, Шайх Боязид Бастомий ва Имомиддин Насимийни ўз асарларида қайта-қайта эсга олади:

Еши етмишга етиб соттурди ўзни Боязид.  
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ.  
Шайх Библий, Шайх Аттору апалҳақ суҳбатини,  
Кўрди ичти бодани, Мансурни дордо қилди ишқ.  
Куфр айттинг деб Насимий терисини сўйдилар,  
Гўшту пўстин сўзлатиб, оламга гўё қилди ишқ.

Ижтимоий-фалсафий тафаккурлари муштарак бўлган Насимий ва Машраб ижодий-ғоявий муносабатларини ўрганиш жуда муҳимдир.

Машраб улўғ озарбайжон шоирни Имомиддин Насимий ҳаёти ва ижоди билан чуқур танишган. Унинг асарларига назиралар ёзган.

Имомиддин Насимийнинг «Манга сиғар икки жаҳон, ман бу жаҳона сиғмазам» мисраси билан бошланадиган машҳур ғазалига Машраб «сиғмамдур» ва «сиғмадим» радибли икки ғазалини назира тарзида яратган. Мана бу ғазалга эътибор қилинг:

Ажаб Мажнундуман, ҳар дашту ҳар саҳроға сиғмамдур,  
Дилим дарён нурдур, мавж уруб дунёға сиғмамдур. |  
Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадур мавжуд,  
Чунон султони азмдурман, арши аълоға сиғмамдур.  
Халлиl осо бу йўлда оташи Намрудду меърожим,  
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дарёға сиғмамдур.  
Ризо мулкида ман ҳалқумни тутдим тиги Акбарға,  
Бу йўлда сийна поки забехуллоға сиғмамдур.  
Агарчанди, зиёрат қилмадим ман Каъбая зоҳир,  
Тариқат ҳожисидурман ки Байтуллоҳға сиғмамдур.

Гаҳи бўлса фақирман, гоҳ шоҳман гоҳ гадодурман,  
Ажаб девонаман, фардоки маҳшаргоҳга сиғмамдур.  
Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,  
Жунун бозорида мастман, ки истиғнога сиғмамдур.  
Гаҳи ўрус, гаҳи черкас, гаҳи мўминдуман гоҳи,  
Не кавлайсан, миёни лоу иллаллога сиғмамдур.  
Мудом мискиндуман, лекин гуломи Машрабингдурман,  
Мани бечора бу дуиё била уқбога сиғмамдур.

Насимий ва Машраб қарашларининг нечоғли муштараклигига амин бўлиш учун юқоридаги ғазалга устоз ғазалини қиёслаб қараш ибратлидир:

Манига сиғар икки жаҳон, ман бу жаҳона сиғмазам!  
Гавҳари ломакон манам, кавну макона сиғмазам!  
Сурата боқу маънийи сурат ичинда тани ким.  
Жисм ила жон манам, вале, жисм ила жона сиғмазам.  
Ҳам садафам, ҳам нижуям, ҳашру сирот асанжиям,  
Бунча кумошу рахт ила ман бу дўкона сиғмазам.  
Ганжи ниҳон айнан ўзим, айли аён айнан ўзим,  
Гавҳари коп айнан ўзим, баҳраву кона сиғмазам.  
Гарчи муҳити аъзамам, отим Одамдир, одамам,  
Тур ила кун-факон мапам ман бу макона сиғмазам.  
Зарра ўзим, қуёш ўзим, чор ила панжу шаш ўзим,  
Суратни кўр баёни ила, чунки баёна сиғмазам.  
Зотилайм сифат ила, гулшакарам навог ила,  
Қадрилайм барот ила, писта даҳона сиғмазам.  
Шаҳд ила ҳам шакар ўзим, шамс ўзим, қамар ўзим.  
Руҳи равон бағишларам, руҳи равона сиғмазам.  
Тир ўзим, камон ўзим, пир ўзим, жавон ўзим,  
Давлати жовидон ўзим, ойнадона сиғмазам.  
Гарчи бу кун Насимиям, Ҳошимиям, Қурайниям,  
Мандан улугдир оятим, оята, шона сиғмазам!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Насимий, Асарлар. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1977, 96—97- бетлар.

Бу икки газалда фикрий тезис берилиб, уларнинг фалсафий тафаккури талқин этилган. «Сигмадим» газалида эса, ўша тезис — даъвонинг юзага чиққани ҳақида сўз боради. Ҳар учала газал, сирасини айтганда, пантеизм моҳиятининг шеърдаги поэтик ифодасидан иборат, десак муболага бўлмаса керак. Бу шеърлардаги зоҳидлар кўзларининг пахтасини чиқариб юборадиган шаккокона гаплар (икки жаҳонга сиғмаслик, маъшаргоҳга сиғмаслик, лоу иллаллоҳга сиғмаслик, байтуллоҳга сиғмаслик, даҳру замонга сиғмаслик) пантеист шоирлар жасоратидир.

Бундай пантеистик қарашлар Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккурида кейинчалик ҳам давом этган. Бунини Машрабнинг «сиғмамдур» радифли газалига XIX асрнинг иккинчи ярми шоири Қорий Хўқандийнинг мухаммас боғлаганидан яққол сезиш мумкин:

Келибман бир қалаида анжуман ороға сиғмамдур,  
Етиб дастимга давлат мулкати Дороға сиғмамдур,  
Насиҳат қилма, зоҳид мастман, иброға сиғмамдур,  
Ажаб Мажнундуман ҳар дашту ҳар саҳроға сиғмамдур,  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёға сиғмамдур...

Машрабнинг Насимийга ижодий-ғоявий қаламдош ва ҳаммаслақ эканлигини унинг бошқа шеърлари мисолида ҳам исботлаш қизиқарлидир. Айниқса, пантеистик адабиётда шоирнинг худо номидан (инсон, уларча илоҳийнинг бир зарраси-ку. Аналҳақ — мен ҳам худо)<sup>1</sup> гапириш анъанаси ғоят ҳайратга сазовордир. Академик Ўрхид Зоҳидов бу поэтик приём табиатини ғоявий-фалсафий нуқтаи назардан ёритиб ёзади: «Насимий инсонпарварлик байроғини баланд кўтарди, инсонни кинот тожи, бебаҳо гавҳар, сажда қилишга сазовор муқаддас зот деб эълон этди... Насимий... худони осмондан ерга туширади, инсон дилига жо қилади, бунинг ўрнига инсончи илоҳийлаштиради, уни худонинг ўзидир, деб эълон қилади,— бутун

<sup>1</sup> «Аналҳақ» — гарчанд луғавий жиҳатдан «мен ҳам худоман» деган маънога молик бўлса-да, у тушунчанинг маъноси: «Мен ҳам худонинг бир заррасиман, менда ҳам илоҳийлик қудрати бор», демакдир.

мавжудотнинг бош ва марказий вужудига, маъносига айлантиради...

Уша вақтлардаги конкрет шаронгларда худо номидан ва худо воситаси билан қилинган бу ҳаракатлар, бу сўзлар ниҳоят даражада улкан журъат ва хавфли осийлик эди, гоёқ катта аъмалий аҳамиятга эга эди»<sup>1</sup>.

Машрабнинг бундай усулда ўзбек ва тожик тилларида ёзган ўнга яқин шеърлари бор. Аслида бу приём, дарҳақиқат, олим уқтирганидек, шоирнинг мислсиз жасорати натижасидир. Шоирнинг худо тилидан айтган шеърларидан намуналар:

Сан мени ёдим қилурсан санга беҳадду ҳисоб,  
Неъматин анвоё бериб Саттору Гаффоринг манам.

Еки:

Банда ранжур ўлмагин чун дилда асроринг манам,  
Шоҳи вақтман — таги по, йўғинг била боринг манам...

Ехуд:

Қатрани ман гуҳар қилай, хору хасингни зар қилай;  
Жумлани бохабар қилай, оре, манам, манам, манам.

Келтирилган парчаларнинг ҳаммасида ҳам Машрабнинг пантеистик қарашлари ёлқинланиб турипти. Булардаги лирик қаҳрамон ўзини тахт эгаси шоҳ, Масиҳ, Тур тоғидаги шуъла дейди, асл мақсади боғу гулзор эканлигини уқтиради.

Хуллас, Машрабнинг пантеистик қарашлари махсус тадқиқотлар талаб этадиган ижтимоий-фалсафий ўзига хос бир қарашлар системасидан иборат.

Ўзбек ва форс-тожик классик шеърлятида энг машҳур қалам аҳли баён услубидагина кўриладиган саҳли мумтане (осону мумкин эмас) стилистик усули бор. Биринчи қарашда худди халқ шеърлари каби чексиз равонлик ва сўзларнинг оммабоплигидан асар осон яратилгандай туюлади. Шундай асарни яратиш эса мумкин бўлмаган

---

<sup>1</sup> Воҳид Зоҳидов. Ҳаётбахш бадният тароналари. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 81- бет.

даражада машаққатли. Машраб ижодининг барча маҳсуллари ана шу саҳли мумтане усули асосида яратилган.

Машраб биринчи навбатда ўткир лирик шоир Унинг шеърини бадний юксаклиги, ҳис-туйғуларнинг жўшқинлиги, назик нуктапардоллиги, халқ ижодига ҳос бўлган маъно ва манзараларига бойлиги, жозибали самимияти билан мишг қиррали олмосдай товланиб китобхонларни сеҳрлайди. Шоир асарларининг энг муҳим фазилати, бизнингча, икки нуқтада: бир томондан маъно-ва мазмун баркамоллиги, фаровонлиги, иккинчи томондан, ифода мусиқийлиги тоғ жилгалари каби шарқироқ оқимида ўзлигини кўрсатиб туради.

Машраб ўзигача яшаб ижод этган форс-тожик ва туркчй халқлар шоирлари асарларини қунт билан ўқиди; уларнинг маънавий ва поэтик фазилатларини ўзлаштирди; аввал буюк сўз даҳоларинг эргашиб, уларнинг асарларига тазмин ва назиралар ёзди. Шоирнинг қуйидаги мисралар билан бошланувчи ғазали унинг Лутфийга қилган тазминидандир:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ғам шони фироқингда кабоб этти фалакни,  
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Китобхон яхши сезадикн, ушбу парчанинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисраси Лутфий девонига мансубдир. Тазмин усулининг моҳияти шуки, устоз шоир шеърининг вази ва темаси тазмин ёзган киши асари учун заминлик, асослик ролини ўйнайди.

Тубандаги мисралар билан бошланадиган шеър эса лирик шоир Бадриддин Ҳилолий ғазалига назирадир:

Мени девона қилди у пари рафтор қомат ҳам,  
Бу кун келмам ўзумга, балки фардон қиёмат ҳам.  
Менинг ҳолимни кўрубким муҳаббат аҳли айтурлар,  
Пушаймон бўлди ишқидин, яна эмди надомат ҳам...



Чунон аз по фиганд имрӯз он рафтору қомат ҳам,  
Ки фардо барнаҳезам, балки фардон қиёмат ҳам.  
Рақибонро аз он лаб оби Хизр асту лами Исо,  
Маро найваста оҳи ҳасрату ашки надомат ҳам...

Таржимаси:

Обғимдан бирам олди мадор рафтору қомат ҳам,  
Ки тоғда қўзғалолмам, балки пақ тоғла қиёмат ҳам!  
Рақибларга у лаблар Хизр суви, Исо дами бўлса,  
Менга пайваста ҳасрат оҳи, кўз ёши, надомат ҳам...

Назира усули моҳиятида тенглик ва ўхшашлик тушунчалари ётади. Назиралар кўпинча мавзу умумийлиги, вазн муштараклиги, радиф ва қофия системасининг ўхшашлиги билан характерланадики, Машраб ва Ҳилолий ғазалларининг парчалари қиёсий ёқ бунисеботлаб турипти.

Ушбу мулоҳазалардан муддао шуки, Машраб ўзига ҳақ бўлган Шарқ адабиёти маънавий ва бадий бойлигидан таъсирланиб, уларни ўзлаштириб, ўз ижоди билан ўзбек адабиётига новаторона ҳисса қўшди. Шоирнинг ҳар бир шеъри оригинал деталлар билан ярқираб кўзга ташланади. Чунончи, маъшуқа юзини гулга нисбат бериш ўзбек классик адабиёти учун анъанавий бир ҳодиса. Аммо Машраб шунда ҳам ўз ижодий тароватини намоён этади: у санамни қизил гулга эмас, балки сариғ садбарг — яъни — сариқ атир гулга ўхшатади:

Сориғ садбарг ширин сўзлук юзингни кунда бир кўрсам,  
Юзунгдин юз ўгурмасман агар юз минг бало кўрсам.

Ошиқ йигитнинг табиий истаклари баёни бўлган ушбу мисралар бир қарашда жўнгина туюлади. Ҳар мисрани қайта-қайта ўқиб, маъно ва шеърини фазилатларига синчиклаб назар солганимизда эса, тобора ҳайратимиз орта боради: автор ёр юзини тароват барқ

уриб турган сариқ садбаргга ўхшатган; бир эмас, тўрт марта «юз» сўзига муружаат этиш жараёнида икки шеърини санъат билан безаганки, буларнинг бири — илтизом (бирор сўзни махсус мақсадларда икки мартадан кўп муомалага жалб этиш санъати), иккинчиси эса, тажниси (юз — чехра, 100 маъноларида) усулидир. Текстда «кечмаслик» маъносидagi ибора — юз ўгирмаслик, таъбир санъатидан дарак бермоқда.

Машраб классик адабиётимизнинг ғазалчилик жанрини ўзига хос йўлдан давом эттириб, ривожлантирди ва бу хазинага лириканинг беқинёс намуналари ҳисобланишга лойиқ юзлаб асарлар қўшиб, бойитди. Шоир асарлари юксак бадийлиги, бениҳоят нафислиги, ижобий маънодаги соддалиги ва жўшқинлиги билан ажралиб туради. У лирик қаҳрамоннинг энг нозик руҳий ҳолатларини, унинг ички ҳиссиётлари, қалб дардларини фавқулодда равои фодалайди. Унинг шеърини ўта таъсирчан. Китобхонда янги-янги ҳис-туйғулар қўзғатади, қалбини тўлқинлантиради, олижаноб эзгу фаолиятга олантиради. Машрабона шеърини халқ дилига, руҳига мос ва чинакам хос мазмунда бўлиб, айни пайтда, шаклан гўзал, бежирим, ғоят самимий, мусиқий, жонли, ўйноқи ва жарангдор лирикадир.

Машрабнинг ижодкор сифатида бахти шундаки, ўз оригинал фикрларини — нуқталарини ўз халқининг жонли, сўзлашув тилида яратиб, халқ дилига кириб боришга эришган; халқ удумлари, меҳнат аҳлига хос соддаларча донолик, халқчасига фикр юрита олчи, халқ руҳида куйлаш унга насиб этган:

Бир боқинишга жумлан жонона тасаддуқ,  
Шаҳло кўзингга оқилу девона тасаддуқ.

Ушбу байтнинг умумий руҳидан тортиб, радифингача — ҳамма ҳаммаси мутлақо халқонадир.

Машраб лирик қаҳрамонининг энг олий ҳаётий фаолияти чинакамга, умрбод садоқат билан сенишидир.

Мени девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг,  
Намозу рўзадин фориғ бўлуб яккора Машрабман.

Шонрининг муҳаббат мавзундаги шеърлари мутолаасидан шундай таассурот қолади: фидойи ошиқ тенгсиз ҳусн, жозоба, шўхлик эгаси бўлган идеал маъшуқа ҳисолига интилади. Унинг интилиш ва ўртанишларининг боиси малаксурат гўзал; гуноҳкор эса, ошиқнинг ўзи, кўнгли; қолаверса, биринчи бўлиб кўриб ҳайратга толган кўзидир:

Гуноҳим ғайрдин эрмас, кўзумдин, ихтиёримдин,  
Мени бу ўтга солган ихтиёрим ҳам ингоҳимдур.

Аслида «маърифат бозорининг девонаси», яъни илм харидори бўлган йигит бошига тўсатдан муҳаббат савдоси тушиб қолади. Чунки у кўрган қиз гўзалларнинг гўзалидир:

Қоматингни кўрсалар маҳшарда инсону малак,  
Ҳуру филмонларким? деб барча ҳайрон бўлгуси.

Зотан, бу бежиз эмас:

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,  
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Рухонийлар бақо дунёси деб кўрсатадиган жаннатнинг ҳур ва филмонларига ўхшаган санам, бу реал дунёни мутлақо кўзга айлан-тириб юбормоқда.

Маъшуқанинг ўзини тутяши, ноз-карашмаси, шўхликлари, кийим-кечаклари ҳам бутунлай дунёвий бўлганидек, унга маҳлиё бўлаётган ошиқ ҳам мутлақо дунёвийдир:

Гоҳо қизил қабо кийиб, қирмизи сочбоғин солиб,  
Нозу карашмалар қилиб, аҳду вафосини кўрунг.

Ёки:

То айладим олдиға бориб арзи ниёзим,  
Чин солди жабиниға таманно қилайин деб.

Шунингдек:

Малаксан ё башар, ё ҳуру ғилмонсан, билиб бўлмас!  
Бу ҳусну, бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Уқтирганнимиздек, ҳусн маликаси жамолнга ишқ Фарҳоди ка-  
моли мувофиқ келадн. Шуниси жозибалики, машуқа ҳам ақлли  
баркамол. Қуйида, Машраб ўз даври ошиқ-машуқларининг висол  
онларидан бир лаҳзасини ифодалаган:

Ногоҳ кўрубон кўчада ул сарви хиромон  
Қош қоқтию кетти,  
Кўз учнда нмо қилибон жайбаси ларзон,  
«Юргин» деди, кетти.  
...Айдим: «Санамо, қўй кафи пойнинг кўзум узра!»  
Аччиғланиб айтур:  
«Бўлмасму фиғор ул варақи долан ҳумро  
Сончилса муғилон?»

Ошиқнинг юрак майллари изҳори кўпинча унинг руҳий изгиробла-  
ри билан омухта бўлиб кетади:

Гулдек эгилиб кирсанг эшикдан,  
Девона қилдинг мнинг ноз бирлан...

**Еки:**

Такаллум айласанг гоҳи лаби шаккарфишонингдин,  
Тасаддуқ бўлса жоним гоҳ бошингдин, гоҳ оёғингдин.  
Кўзинг жон олғали қотил, сўзинг жон бергали қойил,  
Масиҳо сенму оё, жон насими келди ёпингдин?

Машрабнинг ўзбек классик поэзиясидаги ўзига хос сиймоси  
шонрининг исёнкор руҳи ва исёнкор шеърини билан гавдаланади.  
Тасаввуф фалсафаси ва атоқли пантеистлар ҳақида сўз борганда,  
уларнинг халқ учун устоз ва раҳнамо эканликларини уқтирган эдик.

Биз Машрабни ҳам ўша улуг зотлар жумласидан деб ҳисоблаганимиз. Бу бежиз эмас, чунки шоир ўз санъаткорона вазифаси ва халқ олдидаги ўз маънавий раҳбарлик бурчини аъло даражада англаган; керак бўлганида буни уқтиришни ҳам лозим топган мутафаккир эди:

Хожа, сийид, бегу хон, сардорлар бадкор эса,  
Зулм тигин тез этарда ҳар бири номдор эса,  
Қосалес каззоб шайхлар бу Ватанда бор эса,  
Қуфр элнга Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур!

Ўз ҳаётида руҳонийлар билан маънавий жиққамушт бўлган Машраб, ўз лирикасида ҳам зоҳидларнинг иккиюзламачилиги, риёкорлиги, элга таркидунёчиликни тарғиб қилиб, ўзлари дунё лаззатларига ботганликларини аёвсиз танқид қилади. У тоат-ибодатнинг моҳиятини дин аҳллариининг тамағирлиги ва ўз қилмишлари натижасидан зир қўрқишларида кўради. Халқчил шоир улардан ҳазар қилади, ўзини бошқа томонга тортади:

Жаҳон шайхи, кибори, олиму қозно ҳам муфти,  
Ҳама ўз нафси бирла саргарон, мен — беватан келдим.

Ушбу байтдаги талқинга кўра, руҳий дунё мафкурачиларининг бари ўз нафсига қул бўлган оламбеҳабар, халқ тили билан айтганда, худобеҳабар зотлардир. Шоир ушбу умумлашмани қуруқ даъво тарзида айтаётгани йўқ. Шарқ мамлакаглариининг юзлаб шаҳарларинини яёв кезган Машраб, ўз кўрганларидан хулоса чиқаради:

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,  
Чун рибову ришваня ерлар хушдорлиқ била,  
Рост сўз айтсанг аларга, зарра қилмаслар қабул,  
Куфр айтнинг, деб урурлар, неча озорлиқ била.

Дин аҳллариининг, жумладан, шайхулислом, шайх, муфтиларининг тубан қилмишларини фош қилишда Машраб ўзи бир четда туриб иш кўрмайди. Улар каттаи-кичикми диний тавозимда турганидан қатъий назар ўз шахси ва ўз қарашига юзлаштириб фош этиш

приёмидан фойдаланади. Масалан, шайхулисом — шаҳардаги бош диний раҳбар. Мана шoir шайхулисом билан ўз учрашувини қай тарзда тасвирлайди:

Мани кўrsa қочадур шайхулисом Аҳраман ёнгли,  
Нечун: бўйнулмға зулфи тори чирмашган туморим бор.

Аҳраман — ёвузлик тимсоли бўлган девларнинг бошлиғи. Шoir шайхулисомни ана шу девга ўхшатмоқда!

Исёнкор шoirнинг сатирик тиғи кўпроқ руҳонийларнинг умумлашма вакили — зоҳидга қаратилади. Диний расм-русумлар мажмуи — зуҳдга муккасидан кетган киши зоҳиддир. Дунё кўрган шoir зоҳиднинг қилмишларидан нафратланади. Унинг дин йўлидаги риёзатларини ўзининг ҳақиқий ишқ йўлидаги ўртанишларига қарама-қарши қўяди:

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,  
Бир ўқ била зоҳидни отиб йўқотай, дерман.

Еки:

Зоҳид, менга — бир шишада май, сенга — намозинг,  
Минг тақвини бир косан майга сота қолдим.

Шoir қувонч ва шодлик манбаи майни зоҳидларнинг ғамга чулғайдиган тоат-ибодатига зид қўйиб, майнинг устунлигини уқтиради. Бу билан чекланмаган лирик қаҳрамон зоҳидлар дунёсига юриш бошлайди:

Ишқ водийсидин бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўттум;  
Зуҳҳод элини мамлакатини талаб ўттум.

Зоҳидлар бошини ибодатга букадиган нарса — уларнинг иккинчи дунё ҳузур-ҳаловатларига бўлган хом тамаларидир. Шунинг учун куйчи зоҳидларнинг муқаддас орзу-истаклари — фароғат манзилгоҳи — жаннат, ҳавзи кавсар, ҳур ва ғилмонларга ҳам ўз муносабатини ғоят кескин билдиради:

Қалаидар Машрабингмап, икки оламини тепиб ўттум,  
Биҳишту ҳуру филмонни фучак пулга сотиб ўттум.

Ёки:

Жаннат, ҳуру филмонинг, тоқу равоқ, айвонинг,  
Балки оби ҳайвонинг бир пулга сотай, дерман.

Машраб шеърятини оламида зуҳд аталган зулмат ва уни ҳамиша қиличдай ялтираб парчалаб турган муҳаббат чақмоғи исёнкорлиги кўзга ташланиб туради. Бу курашнинг маънавий галабаси, шубҳасиз чақмоқдадир.

Шоир гуманизми унинг одам аҳлини: диний тоат-ибодатга берилиб, Маккани тавоф қилиш ташвишларини бўйинга олишдан кўра, муҳитдаги эҳтиёжманд кишиларнинг кўнглини олиш; ё қўли, ё тили, ё маблағи билан муҳтожлар дардига малҳам бўлишга чақирганида янада яққолроқ намоён бўлади:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмаэмму?

Машраб тўлиқ маъноси билан йирик мутафаккир эди. Унинг шеърларидаги тафаккур дурдоналари, одам ва олам ҳақидаги мушоҳадалари, ҳаётий хулосалари оригинал ва яхлит-яхлитдир:

Бир бузуқ оввора кўнглумга тополмам марҳаме,  
Тоза синган шишани қайтиб қилиб бўлмас бутун.

Қайси танини ишқи йўқ, бўлса, они имони йўқ.  
Ҳар кишини дарди гар бўлса они қурбониман.

Гар бошинг аршга етушса, сен ўзунгдан кетмагил,  
Ҳар дарахтнинг меваси кўп бўлса: боши хам келур.

Булҳавасни мағзи йўқдур, пўстдур боъътибор,  
Маънияпарвар одамини ишқу ядрок ўлдурур.

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,  
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.

Пиглаб дедим: «Менга фурқат тунида ой юзинг оч!»  
Ул деди: «Меҳр ёгин бўлмаса, дурахшон ўлмас».

Машрабо, гар сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,  
Ғам ема, лаъл неча пораду, арзон ўлмас.

Умр чун боди ҳаводис гофил одам билмади,  
Ою кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас.

Ноумидлик куфр эрур, дўстлар, умид қилмоқ керак!

Машраб шунинг учун ҳам ўз ижоди, таланти ва гидрок қувва-  
ти ҳақида қуйидагича фахр этишга тамоман ҳақли эди:

Олими нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,  
Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

Шундай донишманд ва лирик шоир ўз замонида ҳамиша диний  
мафкура, дин пешволари ва ҳукмрон синф томонидан қувғин ва  
таъқиб остида яшади:

Халойиқлар мени қувлар, ёмон, деб ҳар шаҳар борсам,  
Ажаб мардуд, ажаб маржум, ажаб сангсора Машрабман.

Исёнкор шоир мана шу таъқиблар, қувғинларнинг ниҳояси ўла-  
роқ уламолар фатвоси, Балх ва Қундуз ҳокими Маҳмуд Қотоғон  
буйруғи билан 1711 йилда дорга осиб ўлдирилди.

Машраб халқнинг руҳий раҳбари эди. Шунинг учун ҳам халқ  
ўз шоири асарларини севди, куйлади ва уни ҳампша ўз хотирасида  
ардоқлаб келди.

• • •

Машраб асарларини нашрга тайёрлаш ҳақида. Машраб асар-  
ларини саралаш ва нашрга жалб этишда нусхаларнинг нисбатан қар-



димийлиги ва тил хусусиятларига эътибор берилди. Танлаб олинган шеърлардаги текстологик қусурлар, котиблар нуқсонлари ва атайлаб қилинган «таҳрирлар» бошқа нусхаларга солиштирилиб иложи борича тузатилди. Машрабнинг бир шеъри турли қўлёзмаларда ҳар хил вариантларда учрайди. Вариант фарқлари кўпинча текстни бузиш, сўзни нотўғри кўчиришлар туфайли рўй беради. Бундай ҳолларда поэтик савияси юксакроқ ва фикрий маънавий изчилроқ бўлган нусхаларга таянилди.

Маълумки, Машраб каби ўзбек адабиёти классикасининг исёнкор вакили ижодини тиклаш бир-икки кишининг ишн эмас, балки илм аҳлининг коллектив меҳнати натижасигина бўлиши мумкин. Асл Машрабни бошқа Машраблардан ажратиб, шоир асарларини йиғиш ва оммавийлаштиришда академик шоиримиз Гафур Ғулом, муҳтарам олимларимиз: филология фанлари докторлари Абдуқодир Ҳайитметов, Воҳид Абдуллаев, Абдурашид Абдуғафуров, Эргашали Шодиев, филология фанлари кандидати Муҳсин Зокиров, Жалолддин Юсуповлар озмунча тер тўкмадилар.

Биз юқоридаги машрабшуносларга миннатдорчилик билдириб, уларнинг ишларини давом эттиришга ҳаракат қилдик. Китобнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида муҳтарам олимларимиз, ўқувчиларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз.

Машраб асарларини тушуниш янада осон бўлсин учун, қисқа бўлса-да, луғат ва изоҳлар беришни лозим топдик.

*Ваҳоб Раҳмонов*, филология фанлари кандидати.



**ҒАЗАЛЛАР**

Санам юзини кўрсатиб ошиқи мубталосиға,  
Ғам била ўлғон ул адам Мажнуни бенавосиға.

Толиби содиқ на учун ҳиммати Адҳами керак,  
Зарраи қачон сиғар васли санам аросиға?

Ер юзини кўрай десанг, васли била бўлай десанг,  
Ризо керак қазосиға, сабр керак балосиға.

Утти жаҳондин авлиё, муршиду орифу ошиқ,  
Бўлмадилар фирефтаси дунёни можаросиға.

Восили ҳақ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,  
Урта ҳавоу кибр уйин шамъи юзин зиёсиға.

Куйса муҳаббат ўтиға фиққу фужур гуноҳларим,  
Хилват этиб келур ўзи кўнгулни хонақосиға.

Машраби бенаводуман, арзи дилини айтадур,  
Тараҳҳум айлар ул пари ўз ишқини гадосиға.

Нетай, эй дўстлар, бўлмай юзи шамъига парвона?  
Туман минг ишва бир-ла кўнглум олди шўхи жонона.

Насиме етса бўйидин анга иқроор сайронлар,  
Тушар оламга оҳим ўтидин бир раъди барқона,

Бўлубдурман қачон ё ҳур бўлсун, ё пари бўлсун  
Жамии ошнолардин ани ишқида бегона?!

Не тонг, раҳми келиб, берса мани махмури ҳайратга  
Ушал ҳусн аҳли шоҳи ишқни қошида паймона...

Муҳаббат аҳли мажруҳи жисмдур ишқина қатъо,  
Эрур зуҳд аҳли — соя, оташхор — девона.

Тариқи ишқ аро ноёб эрур Машрабки, ваҳм этма,  
Тонилмас йўлига минг жон фидо қил шерн мардона.

Сахро юзи кўкармас то ёз бўлмағунча,  
Булбул тараннум этмас то гунча қулмағунча.

Қўз абридин сув тўкгил имопинг ҳам очилсун,  
Боғу чаман кўкармас ёмғур ёғмағунча.

Макри рақиб бирлан ҳасрат ўтиға туштум,  
Ғам решаси узулмас то ёр ўлмағунча.

Юз йил тирик юрусанг, охир бир кун ўларсан,  
Афсус ила кетарсан то охир ўлмағунча.

Эй Машраби қаландар, яхшиға банда бўлгил,  
Ҳолвайтар тузалмас, то шакар ўлмағунча.

Мен нола қилай шому саҳар дод эшигинда,  
Жонимни берай шўхи паризод эшигинда.

Ул лолау райҳону суман, тоза қизил гул,  
Чун сарв қадин буклади шамшод эшигинда.

Хубони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,  
Султону амир, банда-ю озод эшигинда.

Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,  
Жоним куши сайд айлади сайёд эшигинда.

Олам бориси лаззати ҳуснингни топибдур,  
Гирёну фиғон, нола-ю фарёд эшигинда.

Савдон муҳаббатга тушубман сени излаб,  
Ултурди ғами, кўзлари жаллод эшигинда.

Гулхан тўкубон ҳажрида ётгум кеча-кундуз,  
Вайрона ватан манзили обод эшигинда.

Ул ҳусни жамолинг ўти Машрабга тушубдур,  
Парвона сифат куйди паризод эшигинда.

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ғам шони фироқингда кабоб этти фалакни,  
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ногоҳ сари кўйинг аро бўлдум сенга мўйил,  
Эй тожи сарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Лаълинг гамидин кўнглум эрур ғунчалари қон,  
Гулбарги тарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдурғали етти,  
Эй лаб шакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Машраб каби кўйингда бўлуб барқи тажалли,  
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Қўнглумни бердим бир бевафога,  
Куйди юрагим жабру жафога.

Эй нозаним, раҳм айла, манга,  
Қолдим сени деб юз минг балога.

Торттим жафони роҳат кўрай деб,  
Қилсанг жафолар, йиғлай худога.

Бемори ишқинг бўлдум, нетарман.  
Собир — балога, рози—қазога.

Мужгонинг ўқи ўтти юракдан  
Ногаҳ совуқ сўз тушди арога.

Машраб сени деб кечти жаҳондин,  
Раҳм айламайсан муфлис гадога.



Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган парвоналарга.

Мендин дуодур, сендин — ижобат,  
Жоним тасаддуқ жононаларга.

Эй кўнгли қаттиг, раҳм айламайсан,  
Қилғил назар сен бечораларга.

Машраб сени деб кечти жаҳондин,  
Бошини қўюб остоналарга.

Мастонадуман шамъи шарар жилва санамға,  
Қурбон бўлай оташкадан шуъла адамға.

Зебо санамим бода ичиб юзни қизортиб,  
Ут қўйди паризод гулистони Эрамға.

Бир «ҳу» била мен Лайлини ҳайрон қилаёздим,  
Девоналигим шона урар зулфи санамға.

Юз жоним агар бўлса, анга ҳеч дариф тутмам,  
Мен талпинибон жон берайин қоши қаламға.

Ногоҳ агар ичса эди бодани маъшуқ,  
Ҳамдам бўлубон боргай эдик Макка-ҳарамға.

Машраб, не балодур шикани турраи кокил,  
Барбод этадур кишвари дин ушбу ҳашамға.

Баногоҳ учради дилбар кулуб мастона-мастона,  
Тавозеъ бирла таклиф айлади ул сўйи майхона.

Кўзи хунхор, лаби аксикки майдин лолагун эрди,  
Ки мен қонлар ютай то ўлгуча паймона-паймона.

Хаёли қомати бирлаки, мен умримни ўткардим,  
Мени барча халойиқ, дейдилар: «Девона-демона».

Биҳамдиллоҳ, кўнгулни мосуводин мен суво қилдим,  
Они меҳрини севдим, ўзгадин бегона-бегона.

Қилиб зори шу дилбарни тиларман кеча-ю кундуз,  
Они ёдини айларман юруб парвона-парвона.

Кўнгулда ғусса кўп, ҳамдард киши бирла ҳамдам йўқ,  
Рақиблар ўртасида телбаман жавлона-жавлона.

Бошим кетса йўлидин эмди, Машраб, қайтарим йўқдур,  
Бу жонимни нисор айлай сенга мардона-мардона.

Эй сабо гамзодадурман бистаримни кавлама,  
Чун шафақ олудаман хокистаримни кавлама.

Ҳар замоне Лайлидин менга китобатлар келур,  
Санки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.

Хонзайронлар билур афтодаларни ҳолини,  
Эйки, маҳрам бўлмасанг чашми таримни кавлама!

То кишига дард тегмай бўлмади бағри кабоб,  
Дилда дардинг бўлмаса дарди саримни кавлама.

Ломаконни шахрини бир «ҳу» била сайр айладим,  
Жабраили ишқман, болу паримни кавлама!

Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам,  
Маърифатдин беҳабарсан гавҳаримни кавлама!

Дурри дарёи маоний бўлди чун Машраб вале,  
Дийда бино бўлмасанг кўб жавҳаримни кавлама!

Ҳар кишини дарди бўлса йигласун ёр олдида,  
Қолмасун армон юракда этсун изҳор олдида.

Андалиби бенаводек нолаю афғон била,  
Доимо йиглаб турарман айни гулзор олдида.

Мансури Халлождек ичиб шароби антаҳур,  
Чарх уруб, йиглаб турармен ушбу дам дор олдида.

Ҳар киши бир журъае нӯш айласа бу боладин,  
Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида.

Телба Машраб, қилмағил сиррингни зоҳидга аён,  
Айтиб-айтиб йиглагайсан ошиқи зор олдида.

Арзимни айтай бодн сабога,  
Биздин дуо деб ул бевафога.

Кўзлари Чўлпон, сарви хиромон,  
Зулфи парниси, қоши қарога.

Қомати ларзон, ваъдаси ёлгон,  
Турмади ҳаргиз аҳду вафога.

Учди кўзимдин ул пари янглиғ,  
Ташлади кетти турлук балога.

Шоҳи мукаррам, шоҳи муаззам,  
Қилмади шафқат мендек гадога.

Қилдук икковлон бир аҳду паймон.  
Ҳар ким ёмондур солдук худога.

Дарди фироқинг айлади бемор,  
Қайда борайин эмди давога.

Ҳажрингда тинмай қилдим фиғонлар,  
Етти бу нолам арзу самога.

Қилғил тараҳҳум, эй ёри жоним,  
Лойиқ эмасман жабру жафога.

Дарду аламдин болу пар айлаб,  
Шахбоз кўнглум учди ҳавога.

Йўл бермадилар менга рақиблар  
Чиқдим бош олиб бу Қарбалога.

Эй ёри бадахд бемеҳр экансан,  
Раҳм айламайсан мен мубталога.

Дарду ғам ичра сарғайди юзум,  
Ранг берғусидур бу қаҳрабога.

Эй бағри тошим, ҳажрингда куйдум  
Топшурдум, эй ёр, сизни худога.

Эй жонажоним, кўрсам жамолинг  
Жоним тасаддуқ сен хуш адога.

Ишқингда куйдум, эй сарвинозим,  
Бир марҳамат қил шоҳу гадога.

Дилхаста Машраб қилмасму фарёд.  
Кўзлари жаллод олса ароға.

Тушти савдон муҳаббат бошима,  
Ор этар мардум келурға қошима.

Ул муҳаббат кўйида қон йиғладим,  
Етти иқлим ғарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид ул меҳроб аро,  
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Муҳтасиб тўктурди соқий бодасин,  
Етмади ақли ани сирдошима.

Кунда юз жабр этганингдин ўргулай,  
Қўй қараб ғам тошини бардошима.

Машраби девонани ҳайрон этиб,  
Ўзе сабабдин келмадинг бир қошимиз?



Борурман остонига саҳар оҳиста-оҳиста,  
Сурурман кўзларимга хоки дар оҳиста-оҳиста.

Утар бир-бир босиб ул шўх боқмай бевафолликдин,  
Эрур қайдоғ вафосиз, умр ўтар оҳиста-оҳиста.

Кичикликда, нигорим, аччиғ айтмоқ айб эмасдур, айб.  
Ки фаслида бўлур ширин самар оҳиста-оҳиста.

Жамолинг баркамол ўлди, бўлур бир-бир хатинг пайдо,  
Баҳор ўлса ўсарлар сабзалар оҳиста-оҳиста.

Борур мискин бу Машраб гул юзингни кўргали, аммо  
Кўролмай гул юзингни йиғлагай оҳиста-оҳиста.

Доимо ёдингда юрдум зору саргардон бўлуб,  
Оҳу фарёд айлауб ҳажрингда чун жўлон бўлуб.

Ҳар қаён юрдум сўроғинг топмадим, эй гулзозор,  
Айланиб келдим яна ғам уйига ҳайрон бўлуб.

Тинмайин қон йиғладим кўйида, раҳм этгайму, деб,  
Илтифоте қилмай ўтти ул пари жавлон бўлуб.

Доғи ҳажринг куйдуруб, бағримни, эй номехрибон,  
Жола бўлди кўзларимдин оқти чун борон бўлуб.

Арзи ҳолим кимга айтай, меҳрибоним йўқ мани,  
Ким қулоқ солиб эшитгай, ҳолима гирён бўлуб?

Заъфарондек сарғайиб қолдим фироқинг чўлида,  
Улгум эмди поймоли лашкари ҳижрон бўлуб.

Кифринг новаклари кўксумни айлаб ёралар,  
Ғамзалик қилгон нигоҳинг етти бир пайкон бўлуб

Бўлма ғофил, Машрабо, айла яроғинг, турмағил,  
Дам-бадам вақти сафардур, қолма боармон бўлуб.

**Сетор ила савти наво айлаганинг хўб,  
Хўблар ичида маснаду жо айлаганинг хўб.**

**Бир бокиран ҳуру пари ҳуснига таржиҳ,  
Ишрат саманига минибон ҳайдаганинг хўб.**

**Паргор бўлуб гавҳари дарёи муҳаббат,  
Бир нуқтаи жон гавҳар аро боғлаганинг хўб.**

**Гар бод масал чарх уруб, Машраби мискин,  
Мастона қаро кўзга нигоҳ чекмаганинг хўб.**

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб  
Ут ёқди жаҳон мулкина яғмо қилайин деб,

Машшота била жилвада кўргузди қадини,  
Мендек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,  
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Зулфини тараб қошу кўзин жилвагар этти,  
Ошуби бало, фитнани барпо қилайин деб.

То айладим олдиға бориб, арзи ниёзим,  
Чин солди жабиниға, таманно қилайин деб.

Мастона саманд секрата келди шаҳи хунрез,  
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.

Кўп йилда бу қул хизматини қилмади баржо.  
Қелдики ғазаб бирла чу расво қилайин деб.

Бошимни кесиб олғину хушҳол бўлуб кет,  
Қонимни мени лолаи саҳро қилайин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали келди,  
Фавғои қиёматни ҳувайдо қилайин деб.

Офати жоним, эй санам, қоши қаросини кўрунг,  
Икки юзига чўлгонур зулфи сиёсини кўрунг.

Ҳуру паридин тозадур, шамсу қамар хижилдадур,  
Ким они кўрса бандадур ҳусни расосини кўрунг.

Гоҳо қизиб қабо кийиб, қирмизи сочбогин солиб,  
Нозу карашмалар қилиб, аҳду вафосини кўрунг.

Гоҳи қошини ёй этиб, киприк ўқи бирлан отиб,  
Жоду кўзини ўйнатиб, мақри балосини кўрунг.

Машраби бенаводуман, васлинг учун гаодуман,  
Ҳажр ўтига куёдуман, ёр жафосини кўрунг.

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,  
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг.

Мен нечук шод этмайинким хаста кўнглумни буқун,  
Келди ҳолимни сўраб жон ичра жононим менинг.

Эй ситамгар, келгилу акнун шаҳид этгил мени,  
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг.

Чун Сурайё бормусан, афлокдин боломусан,  
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи Чўлпоним менинг.

Нозу истиғно била келиб мени ҳолимни сўр,  
Термилиб доим йўлунгда чашми гирёним менинг.

Тобакай жабру ситам айлаб юурсан, эй рафиқ,  
Чиқти, Машраб, ушбу ғамдин бу азиз жоним менинг.

Шўх чашии ҳуснат аз бало нишон дорад,  
Абрўи ту дар мужгон — тир дар камон дорад.

Осмон намехоҳад айш дар бани одам,  
Жамъ шуд ду кас як жо фитна дар миён дорад.

Дид моҳи нав мардум рӯ ба осмон доранд,  
Ғарра аст дар олам ҳар ки нима нон дорад.

Оташе зи рухсораш бар даҳони Машраб зад,  
Ғунча шуд ниғаҳдори фасли ин хазон дорад.

**Мазмуни:**

Ҳуснинг, шўх кўзинг балодан дарак беради. Кипригинг устидаги  
қошинг — ўқ солинган камоннинг ўзгинасидир.

Осмон одам фарзандининг яйрашини истамайди: қаерда икки  
киши иноқлашса, уларнинг орасига фитна солади.

Янги ой кўрган кишилар кўкка кўз тикадилар. Оламда кимнинг  
яримта нони бўлса — у шунга мағрур.

Юзининг оловидан бир ёлқин Машраб огзига тегди. Бу ғунча-  
га кўз тутгин: хазон фасли яқин келмоқда.

Кўрунди кўз қаросига магар хайли паризоди,  
Шафақ тутти жаҳонни, келди ё бир қадди шамшоди.

Чароғон бўлди дунё, ё магар келди менинг ёрим,  
Биёбон бўлди боғу бўстони хуррамободи.

Ҳужуми ғам қилиб барбод келди бир насими хуш,  
Магар озода ёрим, дўстлар, ишқ қилди бунёди.

Агар ул шоҳи хоқон қатлима лашкар чекиб келса,  
Юроким чок этиб айлай ани олдида ҳам доди.

Баҳористон бўлди, ранг-баранг гуллар бўлиб пайдо  
Хазон этмак учун, дўстлар, илоҳо, келмагай боди.

Неча йиллар ётибмен қору ёмғур устима ўтиб  
Паризодим, маликам қилмади лекин мени ёди.

Ариғ йўлга ўзингни ол, Машраб, ўтти умрунг, лек  
Муроду мақсадиға етмагай ҳаргиз хароботий.



Дил олурга ул пари Мажнуни шайдо қилди ё?  
Ақлу ҳушумни олиб бехуду расво қилди ё?

Мастлиғ, бехудлиғ ҳар кимга етмас, дўстларим,  
Май муҳаббат ичуруб ошиқни шайдо қилди ё?

Келса ул нозукбадан юз ишва бирла жон тилаб,  
Жон олурга дилбарим қош бирла имо қилди ё?

Дод, ман ўлдум яна номехрибонни дастидин,  
Шевасини кўрсатиб ошиқни расво қилди ё?

Бормукин дунёда мендек ишқ ила ҳарб айлаган?  
Аҳли дард халқи келиб бир-бир тамошо қилди ё?

Машраби риндий Умам кўйинда жон берсанг, на гам,  
Бир гуноҳе ўтса мандин тавбау оҳ қилди ё?

Мен нечук юргум бу ғурбатхонада дилдорсиз,  
Умр эмасдур ошиқинг бир лаҳза бўлса ёрсиз.

Меҳнату роҳатга ҳў қилган кишилардин сўранг,  
Ҳеч илме сийнага жо бўлмади такрорсиз.

Дарбадар бўлдум, жаҳонни кўп тамошо айладим,  
Ҳеч гулни кўрмадим оламда бўлгай хорсиз.

Кўнгул олдурган кишилардин саволтим муна,  
Деди, ҳар ким кўнгул олди, ул эмас озорсиз.

Кавлама бағримни, кўнглумни паряшон айлама,  
Телмуруб қолди кўзум йўлида ул дийдорсиз.

Мунда ўртанган кўнгул, охир етар мақсудига,  
Ҳеч булбул бўлмагай олам аро гулзорсиз.

Кимёни толиби бўлган киши жондин кечар,  
Ҳеч ганже кўрмадим оламда бўлгай морсиз.

Учрамай кетти ўшал маҳвашга рози дил десам,  
Топмадим дилдорими ёлғуз даме ағёрсиз.

Машрабо, вақти надоматдур, биродарлар қани,  
Истиқомат қилма дунёда пари рухсорсиз.

**Жафо қилдинг бу жонимға вафони кўрмадим ҳаргиз,  
Бу оламда ўзумдек мубталони кўрмадим ҳаргиз.**

**Муҳаббат йўлига қўйдум қадам, ҳолим забун бўлди  
Бағайраз меҳнату дарду балони кўрмадим ҳаргиз.**

**Табибо, муддате бўлдики, мен дардега ҳамдамман,  
Узулди риштаи умрум, давони кўрмадим ҳаргиз.**

**Ҳама суратпараст бўлди фашу дасториға мағрур,  
Ки зоҳид ичра мутлоқ бериёни кўрмадим ҳаргиз.**

**Мусибат селини барбоди бўлдум кўҳна дунёға,  
Қўлимни тутгудек бир ошнони кўрмадим ҳаргиз.**

**Етушди басталик коримга, билмамдур иложини,  
Узр авқотига соҳиб дуони кўрмадим ҳаргиз.**

**Езилди тахтаи иқболима сардафтари ғурбат,  
Адашган ерда сўрган раҳнамони кўрмадим ҳаргиз.**

**Жароҳатли дилимни захмини ҳар кимга кўрсатмам,  
Ажаб толеъ забундурман, шифони кўрмадим ҳаргиз.**

**Бузулган хотирим ҳаргиз жаҳонда кўрмадим шоди,  
Жаҳон айвонида ғайраз жафони кўрмадим ҳаргиз?**

**Жаҳонни тарк қилди Машраб Иброҳими Адҳамдек  
Серопо дард кўрдим, муддаони кўрмадим ҳаргиз.**

Кокулунг анбар дурур, жон ичида жонон қиз,  
Кўзларинг ахтар дурур, юзи моҳи тобон қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,  
Барча сенгаким қулдек, хизматингга қурбон, қиз.

Тар оразинг гул, сочинг сунбулки, тишларинг дур.  
Сарв қадлиғ, қош кўрунг офтоби даврон қиз.

Бир кўриб сени золим, қолмади менинг ҳолим,  
Танг бўлубдур, аҳволим, билмадингму нодон қиз?

Ой юзингни кўрганда, лабларингни сўрганда,  
Машрабинг бўлур банда, қилсанг ани меҳмон қиз.

Жаҳонда топмадим ҳамдарду қолдим нотаваон ёлғуз,  
Саро по ғамни лойи ичра қолмишман ниҳон ёлғуз.

Қўзунг яғмо қилур бебок. кўнгулни, ҳеч ваҳм этмас,  
Қароқчи қўрқитур ҳар ерда топса корвон ёлғуз.

Неча сендекни гардун мубталои дард қилди,  
Дема, мунча жафони менга қилди осмон ёлғуз.

Сенинг таърифинга ҳар банд-бандим нола сар қилмиш,  
Қачон асрори ишқинг айта олгай ҳар забон ёлғуз?

Отарлар ҳар тарафдин шўхлар мужгонидин тире,  
Қилибдурлар менинг кўксумни ҳар ёқдин нишон ёлғуз...

Бўлубман Машрабу кўюнг сориға бормоғим мушқул,  
Не бўлгай гар ўзунг кулбамга бўлсанг меҳмон ёлғуз?

Бир боқиб кўз учидин танга киюрди жон қиз,  
Айланиб, юз ўгуруб қилди юракни қон қиз.

Кунда минг дард ўқини отти ҳазин жонимға,  
Бириға айламади лабларидан дармон қич.

Юзига парда тутуб шамъ уза фонус каби,  
Юз туман зухд элини айлади саргардон қиз.

Золиму қотилу хунхор эрур бешафқат,  
Ёру агёрини олдида бўлурур яксон қиз.

Ишқиди оҳим ўти учқуни ой ила кун,  
Ким дегай бу шарари кўзларидур Чўлпон қиз.

Бу фалак хони уза қилма гумон ахтар деб,  
Садқан ҳуснунгға тўлдурурур дуру маржон қиз.

Васли гулзори аро булбули нолон Машраб,  
Шаккарин ханда ила тўтийи Ҳиндистон қиз.

Тушти меҳринг, эй пари, ақлимни ҳайрон айлади,  
Ишқинг ўти куйдуруб, бағримни бирён айлади.

Эй нигоро, иштиёқинг, орзуи васлинг тилаб,  
Гунчадек ҳажринг ғами ашким тўла қон айлади.

Гоҳ-гоҳи раҳм этиб, банданг сари қилғил назар,  
Ошиқинг жондин кечиб, ўзини қурбон айлади.

Доимо ишқингда йиғлар, сан ўзунг тут метами,  
Кимки мунда йиғлар эрса, тоғна хандон айлади.

Қатраи ваҳдат майидин лутф ила қилди карам,  
Завқу шавқидин бериб оламда султон айлади.

Эй биродарларки, мандин яхшилиқ кўз тутмангиз,  
Бир пари ақлим олиб кўйида сарсон айлади.

Соқийи пири муғон сунди шароби антаҳур  
Мосуво айлаб бу кун мушкулни осон айлади.

Бир масалдур: дуняни осойиши кофарбахш,  
Бу жаҳонни ошиқига чоҳи зиндон айлади

Халқи олам, эй париваш, ошно бўлғоч санга,  
Машрабингни бошиға, кўр, тирборон айлади.

Тун охшом дилбари раъно бошимга бир йўли келди,  
Мани кўрди ўзум телба, юзумга боқтию кулди.

Дедим, йўқ-йўқ, кўнгул сўргил. Деди, хўб-хўб, сўзинг айғил.  
На қилсанг ман ўшандоғ. Нигорим аҳдида турди.

Ангинг учун висолини кўрарман деб ўзумда йўқ,  
Вафосиз шум рақиблар билмайин кўп таъналар қилди.

Рухимни айлади пайдо азалдин дилбари раъно,  
Бало, дедим, бало ишқинг нетойин кўнглума солди

Кишида заррае ишқ йўқ: ани одам деманг зинҳор,  
Неча оят ҳадис бирлан набилар сарвари бўлди.

Йўлунгни уқбаси кўбдур Фалотун аҳлидур ҳайрон,  
Қаю кун ишқни сўрдум юроким ғуссага тўлди.

Гаҳи йиғлаб, гаҳи кулуб юрур эрдим биёбонда.  
Бу рангим сориғин кўруб халойиқ барчаси билди.

Бу мужгон ўқларинг тегди тўла бағрим бутуни йўқ.  
Нетуб захмин ёшуройинки мужгон ханжари тилди.

Бу Машраб отини эшит, биродарлар, умид этмай,  
Бу Машраб, ҳар на иш қилди бу дунёда деё қилди.



Оқ юзунгда холу хат кўз кўрмағайдч кошки,  
Кўнглума юз доғи ғамни қўймағайди кошки.

Ишқ бир оҳ айлагач, кетти фугур дин уйидин,  
Бодани беғаш кўрубон ичмағайди кошки

Чун Намангон шаҳридан парвоз айлаб мурғи руҳ,  
Донаи холин кўрубон қўнмағайди кошки.

Ёр жилва бирла боқти, руҳу жон бўлди кабоб,  
Ушбу ҳодисни бошимга солмағайди кошки.

Айрилиқнинг дардидин жоним кетар бўлди магар,  
Ушбу доғи айрилиғни кўрмағайди кошки.

Кошки, жонимни олса, доғи ҳасрат қўймаса,  
Доғи ҳасратдан фароғим олмағайди кошки.

Машрабо, ёр хизматини айла жону дил била,  
Ушбу даврон ҳам ғанимат ўлмағайди кошки.

**Маърифат бозорини девонаси,  
Ҳам ҳақиқат ишқининг майхонаси**

**Оҳ уруб икки жаҳонни куйдурур,  
Ишқ элининг зийнати — сармояси**

**Икки оламини кўзумга илмадим,  
Менки, ул дийдорини ҳайронаси.**

**Айлади кўнгулни мулкани хароб,  
Ул эрур жон мулкани дурдонаси.**

**Мосувони тарк қилдим деганим:  
Бул жаҳону ул жаҳон бегонаси.**

**Машраби девонани ҳайрон этиб,  
Қадди мавзун ағма қош жононаси.**

Намангон шаҳридин дўстлар мани ёронларим келди  
Ато бирла аномни билгучи меҳмонларим келди.

Аларни хоки пойини кўзумга тўтиё қилсам,  
Чароғимни мунаввар қилғуси хоқонларим келди.

Шужоат бобида ҳар қайсиси бир Рустаму Сўҳроб,  
Адолат тахтига минган буқун султонларим келди.

Иноятли, диёнатли яна ҳам муршиди комил,  
Ҳама ориф, ҳама содиқ, ҳама урфонларим келди.

Кел, эй дилбар, баён айлай сенга бир-бир жудолиғни,  
Ки шояд раҳм этиб солсанг ўзунга ошнолиғни.

Тамоми хонумонимдин кечиборан бир сени дерман,  
Ўзингдин ўзга билмайдур, узунг билғил жудолиғни.

Чу сендин ўзгани десам, қасам оллоҳ қабул этғил,  
Ки зулминг манга айлаб, ўзгага берғил сафолиғни.

Сулаймон тахтию Жамшидни жомига бермасман,  
Қўлимга косан чўбин олиб қилсам гадоллиғни.

Аё эй тошжорак бедил, жафожў, зулмкор бедод,  
Нигоро, кимдин ўргандинг мунигдек бевафолиғни?!

Сен эй зоҳид, насиҳатни бориб меҳроб аро қилғил,  
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни.

Залолатпешалиғни аҳли дунлар сендин ўргангай,  
Мунофиқ бадаслик ҳам тамажкор рўсиёлиғни.

Риё тоат қилиб кундулари ўзни дебон муришд,  
Кечадин тонг отар қилғунг ўзингдек юз қаролиғни!

Ногоҳ кўрунуб кўзума дилбар боқа қолди,  
Парда кўториб, қошини ул дам қоқа қолди.

Ошиқ эканимни билибон дилбари раъно,  
Ақлимни олиб жонима ўтлар ёқа қолди.

Рухим эритиб ёширин, ваҳ-ваҳ, юзи оташ,  
Ишқ чақмоғини жонима, найлай чоқа қолди.

Тарсобачани кўрдиму дин кетти қўлумдин,  
Қил сажда дебон бўйнума зиннор тоқа қолди.

Мен они учун кечаю кундуз югурурман.  
Ерим келибон биргина ҳолим сўра қолди.

Айди: «Не тиларсан?» Ман дедим: «Шамъи жамоличг!»  
Қўрсатти юзин мақсуд ҳосил эта қолди.

Машраб юрубон олам аро топмади мақсуд,  
Юз шукрки, онинг била улфат бўла қолди.

Мени даврон бу кун дарду аламга мубтало қилди,  
Париваш нозанинлар бирла ёру ошно қилди.

«Алиф»дек жон аросинда ниҳоли қоматин асраб,  
Ғамидин оқибат қаддимни «нун» янглиғ дуто қилди.

Биродар, сен букун мендин умиди оқибат қилма,  
Юрак бағрим оқиб кўздин, ажал юзни суво қилди.

Кишига айта олмай бошга тушган сурати ҳолни,  
Бу ҳасрат бора-бора ўзини бағримга жо қилди.

Бу ҳолимга тараҳҳум қилғудек бир меҳрибоним йўқ,  
Мени бечора қилди, зор қилди, бенаво қилди.

Уёлмасман фалак солди мени бошимга бу савдо,  
Чу андин неки келди, бори тақдири худо қилди.

Халойиқ дунни ҳам бўлсам жаҳон ичра ғаниматман,  
Бу кун ёшлар этурларки (бу) Машраб ҳам фано қилди.

Кимга айтиб йиглайин нозик адони дардини,  
Хонавайрон айлаган ноошнони дардини?

Дилни бердим анга мен гайраз жафони кўрмадим  
Айтиб-айтиб йиглайин ул бевафони дардини.

Умрум охир бўлди етмай доманини гардиға,  
Кимга айтиб, кимга йиглай дилрабони дардини?

Дарбадар оввораман, куйди дилим ахгар сифат,  
Бахти қаро яхши билур бахти қарони дардини.

Осмон бесар бўлур айтсам аламлик дoston  
Ҳар кишига айта билмам раҳнамони дардини.

Дашту саҳролар куяр Мажнунни тортган оҳига,  
Бесаруполар билур соҳиб азони дардини.

Норасоларға сухан қилма, хатодур, Машрабо,  
Билса ҳар ким чорёри босафони дардини.

Кеча базмингдин йироғ ишқ аҳли чандон йиғлади,  
Куйди ҳам парвонау шамъи шабистон йиғлади.

Сөгиниб Юсуфни Яъқуб йиғлади шому саҳар,  
То мусофир бўлди Юсуф аҳли Канъон йиғлади.

Соқиё, сун бир суроҳий дам-бадам фарёд этиб,  
Аҳли мажлис олдиға ёш ўрниға қон йиғлади.

Ҳажр шоми куйганимға куйдию ўртанди барқ,  
Ҳам мени дарди дилимға чархи гардон йиғлади.

Ҳар тикан ғам тоғида санчиб аёғим қилди қон,  
Менга ёр раҳм айламас, хори муғилон йиғлади.

Бўлмасун оғақ киши ҳоли дилимдин халқ аро,  
Гарчи кулди оғзимиз, аммо дилу жон йиғлади.

Машрабо, гар жон яқосин чок-чок этсам, не айб.  
Ким фалак жавридин ул сарви хиромон йиғлади.



Минг шўру фиғон бирла ҳай-ҳай не бало келди,  
Жон қичқурадур қўй деб, ханжарни оло келди.

Қўлиға олиб пўлод, қошимға келур жаллод,  
Қилди мени бебунёд, тиғи гузаро келди.

Кетсам бу алам бирлаи, юз қоҳиши ғам бирлап,  
Ғавғои санам бирлаи, хуш даври сафо келди.

Рози бўлойин ўлсам, жон бергунча бир кўрсам,  
Мундоғ не бало бирлаи, шиддатли қазо келди.

Заҳмати қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,  
Ул жавру жафо подош, тиклаб буюро келди.

Девонаи Машраб сан қўрқиб нега йиғлайсан.  
Ошиқ кишига ўлмоқ, хуш айшу шифо келди.

Кел, эй дилбар, юзинг очгил, тасаддуқдур бу жон эмди,  
Фироқингда адо бўлди, куюб бу устухон эмди.

Нечук айлай, биродарлар, бўлубман дард ила ҳайрон  
Давосиз дардга учрабман, ўларман бегумон эмди.

Жаҳонда ҳеч киши борму жудолиғдин адо бўлгон,  
Етибдур ҳалқума жоним, менга йўқ меҳрибон эмди.

Нечук тоқат қилай дилбарки, сенсиз ман бу дунёда,  
Чиқар кўксимдан оҳим ҳам туролмас осмон эмди.

Кетибон меҳрибон дилбар юрак бағрим кабоб этти,  
Етолмасман нигоримга, қилай жоним нишон эмди.

Тушубдур кўнглума дардинг, кима айтиб, кима йиғлай,  
Лаҳад ичра кетар бўлдум, юроким тўла қон эмди.

Кел эй Машраб, жудолиғдин нега мунча хароб ўлдинг?  
Тегибдур сенга бу меҳнат, кетар яхши-ёмон эмди.

Гамза кофир, ишва жоду, жилва аймоқим қани?  
Хори яғмо шўъла кифрик, жола жонқоқим қани?

Ишва тарсо, жон парилар бор учун девонамен,  
Шанги ёлгон, зоди қирғиз, лола қонқоқим қани?

Гунча дил очилмадию, заъфарон қилди хароб,  
Дод этар гул гунчасига, ёсумон соқим қани?

Доғ-доғ устидадур, бағрим қизил қон ашкдин,  
Настарин рухсорайи. тунқора — ёр оқим қани?

Йигла, Машраб, ишқ ўтини, куйди тоза жоми гул,  
Чўқ-чоқилди, куйдим оташпора чақмоқим қани?

Эй санам, ҳажринг ўтидин дийда гирён бўлгуси,  
Қўрмасам бир дам юзунгни тарки имон бўлгуси.

Мардумони кўзларинг бир кофирни бераҳи эрур,  
Гарчи кофирни кўруб тарсо мусулмон бўлгуси.

Анбарин зулфинг тараб чиқсанг нигорим ҳар тараф,  
Жамъ ўлуб бўлгон кўнгул юз минг паришон бўлгуси.

Қоматингни кўрсалар маҳшарда инсонун малак  
Ҳуру гилмонлармукин, деб барча ҳайрон бўлгуси.

Қатраи сув томса шўрида кўзимдин, Машрабо,  
Ташналик вақтида билсанг роҳати жон бўлгуси.

Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?!  
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?!

Ерсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,  
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?!

Урайнму бошима саккиз биҳишту дўзахия?  
Бўлмаса васли менга икки жаҳонни на қилай?!

Зарран нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,  
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?!

Аршининг кунгурасини устига қўйдум оёғим,  
Ломакондин хабар олдим бу маконни на қилай?!

Ёрни кўйида мен жавлон қилай,  
Итлариға қўшулуб афгон қилай.

Кошки, бу кулбаи эҳзон аро,  
Итларини бир куни меҳмон қилай

Ёр қилгон захм битмас, эй табиб,  
Дема менга, дардингга дармон қилай

Оқизиб кўздин сиришки беадад,  
Хаймаи афлокни вайрон қилай.

Кес бошимни ханжари нозинг билан,  
Сендин ўзга кимга саргардон қилай.

Зулфи мушкининг тасаввур айлабон,  
Бу варақни сафҳан райҳон қилай.

Ишқ куйдурса бу ошиқ кўнглини,  
Сийна ичра ўт нечук пинҳон қилай?

Гул юзин кўрсатти ўлдурди мени,  
Ёрни жисм орасинда жон қилай.

Машрабо, бир қатра тотсам жомидин,  
Ўзимни ишқ ақлиға султон қилай.

Жавҳари дилни билурга марди дилогоҳ керак,  
Марди ҳақни суҳбатига тийнати зебо керак.

Неку бадни сирини мунда қилиб бўлмас аён,  
Бизга дийдор, ўзгаларга жаннатул маъво керак.

Тифли нобиноға зоҳир этма кўнгул ёрасин,  
Дарду ҳолотни билурга оқилу доно керак.

Чун дарахти босамарни шохи эрмиш сарнигун,  
Бил сафидори адлдек гардани боло керак

Машрабинг олдида сен ёзуқларингга тавба қил,  
Гар дуо қилсам ҳақингга мақбули даргоҳ керак.

Муродинга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,  
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Оғиздан куфр сочай десанг, шароби даҳр ичай десанг,  
Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Фасод аҳлин қувай десанг, (кетига), бир тепай, десанг,  
Қафан тўнин бичай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай, десанг,  
Жаҳонни сайр этай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Тазаллум куйдирай десанг, залолат ўлдурай, десанг,  
Ҳамани қулдурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Бу тақводин кечай десанг, сири зуҳд фош этай, десанг  
Ҳақиқат йўл тутай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Қаландар бўлки, қандог бўл, мисоли аждаҳодек бўл.  
Қи Машраб шоҳдек бўл, қаландар бўл, қаландар бўл.



Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,  
Мани учун адо бўлгон юроки, бағри қон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакни гардиши бирла  
Эшитгил арзи ҳолимни, ман айтай санга жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мани ороми жонимсан,  
Муроди ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам.

Мани бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этди,  
Қади сарву санубар, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти савдоси, бўлибман булбули шайдо,  
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этди,  
Мани охир хароб этти, гулистони жаҳон онам.

Илоҳи афв қилгил Машрабинг қилгон гуноҳини,  
Туфайли онаизорим, ғарибу нотавон онам.

Эй санам, ишқинг ўтида ман қулоғ қолмоқ эдим,  
Пеш кокулдек боштин юз қатла айланмоқ эдим.

Бу муҳаббат даштида бир неча юрдум ою йил,  
Уқуруғ тозинг била йилқингни қайтармоқ эдим.

Неча йил ҳамду сано васфингни айтарман тамом,  
Аблақи лайлу наҳорингга миниб чопмоқ эдим.

Қоф то қофи жаҳон овозаи ҳуснунг учун  
Мили Искандар олиб таблингни ман қоқмоқ эдим.

Машрабо, умрунг Хўтан даштида ўтти қон ютуб,  
Пўстунумни чини кокулунг била чолмоқ эдим.

То олами зоҳирға келиб ман гузар эттим,  
Тарк айладиму жумлани қотъи назар эттим.

Аҳволи дилим айғоли бир маҳраме топмай,  
Зулмунгни қариндошу, ғамингни — падар эттим.

Бир қушки чўлоқ сояда парвоз этайин деб,  
Гул ғунчаларин белга суқуб болу пар эттим.

Душманға дучор этмак учун ҳарба тополмай,  
Дўстум қўлини туттуму тигу табар эттим.

Ғам шомига кулбамға гузар этти хаёлинг,  
Кўз ёши, юрак қони билан моҳазар этгим.

Савдон сари зулфунг учун неча маҳалдур,  
Жон кишварини буздуму зеру забар эттим.

Бир мартабада юрмас учун шоҳ ва дарвеш,  
Бас жандани кийдум ўзими дарбадар эттим.

Кўтаҳназар бўлмаса деб хаста бу Машраб,  
Минг маънини бир нукта била мухтасар эттим.

Нетгум, санамо, ишқинг ўтида ватан эттим,  
Ҳар торн мўйум шамъ каби шуълазан эттим.

Қон йиғлади кўз, қолди таним қон аросинда,  
Ҳар қатрани тан тоғида лаъли Яман эттим.

Ғам тоғин алам тешаси бирлан қозадурман,  
Ўлгунча хаёлингни топиб Қўхкан эттим.

Жаннат била кавсар суйини оғзима олмай,  
Лаълинг ғами заҳр эди шаҳдшикан эттим.

Ўтлар тутошур гар нафас урсам ҳама жонга,  
Ишқ аҳлига ўтлуғ юракимни даҳан эттим.

Сайд ўлғуси ҳар ким келур олдимға, қутулмас,  
Нечунки кўнгул шуъласи бирла расан эттим.

Сабр айлади ул гулшани ишқ ичра наволар,  
Ҳар булбулу тўти эди зоғу заған эттим.

Машраб танининг захмлари бўлди гулафшон,  
Ўлжм ғами ишқингда бу гулдин кафан эттим.

Дил даштида ғам оҳуларига ватан эттим,  
Ғамзанг ўқи то лолалар очти чаман эттим.

Ишқ аҳли менинг сори келурға бу эрур йўл,  
Ҳар ерда тараб гуллари эрди ватан эттим.

Найсон каби кўздин ёғадур ашки равоним,  
Садқанға юрак тошини лаъли Яман эттим.

Меҳринг қуши кўнглум қушидин ажрамасун деб,  
Бўйнию аёғига кокилдин расан эттим.

Жонимға нигоҳинг ўқидин гуллар очилса,  
Сайримға қачон настарану ёсуман эттим?

Расволиғ ўтин балки ўзумға ёқадурман.  
Жисмимға самандар каби ўт пирақан өгтим.

Ушшоқ аро дил аҳлиға бедод эмас ишқ.  
Эй гавҳари жоним, дилу жоним ватан эттим.

Машраб бу сўзинг топди сенинг бўйи шаҳодат,  
Қонлиғ танима ишқ либосин кафан эттим.

Ушал рўзеки мен сендин жудолиғ ихтиёр эттим,  
Чиқиб саҳроға Мажнунлик қудумин ошкор эттим.

Мени бахти қаро дунё юзида ҳам не айларман,  
Сени дарду ғаминг сийнам ичинда эътибор эттим.

Мени афтодау бедил, ғариби доғи ҳижронман,  
Ўзумға офарин, дерман, сени кўрмай қарор эттим.

Мени, жоно, ғамингдин ўзга ҳеч ким — мунисим йўқдур,  
Ким айлар, илтифоте, мен диёрингга гузор эттим.

Ўюлсун кўз жамолингдин дигар юзга нигоҳ этса,  
Куюб қолсун жигар бағримки, сендин ўзга ёр эттим.

Жамолинг соғиниб кўзларда зарра нур қолган йўқ,  
Ажабдур зор қолган кипригимни ашкбор эттим.

Эрурман обиде, халқи жаҳон, дерлар, мени Машраб,  
Нечунким манзилимни сояи парвардигор эттим.

Ман эрдим булбули гўё фиғон бирла чаман келдим,  
Юракда дарду доғи гулўзори ёсуман келдим.

Мани ошуфта қўнглум ғунчадек ҳаргиз очилмайдур,  
Юракдин ғам кетар деб бу сабабдин ман Хўтан келдим...

Бу Машраб сўзини дурдонаи қимматбаҳо дерлар,  
Жамии халқ арё сўз бобида соҳиб суҳан келдим.

Тамошо айламоққа гўшаедин анжуман келдим,  
Фироқи дарди Юсуфни чекиб байтулҳазаан келдим.

Агар Яъқубдек қон йиғласам, айб айламанг зинҳор,  
Суруши булбули шўридадек сўи чаман келдим.

Шаҳидони Хўтанни тавф этарга, эй мусулмонлар,  
Чу лола домани саҳро тутуб дашти Хўтан келдим.

Жаҳон шайхи, кибори, олиму қози-ю ҳам муфти,  
Ҳама ўз нафси бирла саргарон, ман — беватан келдим.

Қадаҳ махмурларга тўлдуруб келтурғил, эй соқий,  
Шароби қирмизи нўшон гулгун пираҳан келдим.

Майи ваҳдат тўла бергил мани Машрабга, эй соқий,  
Сиво мулкида сайдеман, сафоли анжуман келдим.



Ишқинг ўтиға куйголи келдим,  
Ойдек юзунгни кўрголи келдим.

Савдон зулфинг тушди бошимга,  
Сендин саволе сўрголи келдим.

Баҳрингга кирдим ғаввос бўлай деб,  
Бир дурри мақсуд олголи келдим.

Мени сўросанг, эй гульзорим,  
Маҳви жамолинг бўлголи келдим

Қофила кетти, манзилга етти,  
Мен ҳам борай деб кетголи келдим.

Соқий, қадаҳни қилгил муҳайё,  
Ваҳдат майидин ичголи келдим.

Раҳмат эшигин Машрабга очгил,  
Ишқинг кўйида ўлголи келдим.

Жонон, юзингни кўрголи келдим,  
Шаккар лабингдин сўрголи келдим.

Уттек тутошиб ёнди юрогим,  
Куя-куя кул бўлголи келдим.

Эй моҳи тобон, зулфингни кўрсат,  
Ойдек юзингни кўрголи келдим.

Шамъи жамолинг парвона қилди,  
Утга ўзумни урголи келдим.

Пардани очғил, эй гулўзорим,  
Рози дилимни очголи келдим.

Эй тўраи ҳусн, банданг бўлойин,  
Эшигингга қул бўлголи келдим.

Машрабға тегди косаи даврон,  
Беш кун жаҳонда ичголи келдим.

Тавофи остонингга гариби нотавон келдим.  
Умид айлаб мадад сандин ба чашми хунфишон келдим.

Талаб айлаб висолингни, кўройин деб жамолингни,  
Басони булбули ҳайрон ба сад оҳу фиғон келдим.

. . . . . наҳну қасамнодир аё шоҳим<sup>1</sup>,

Муҳаббат тигини андози бирла хунчакон келдим.

Юрубтур дарбадар доим яна лабташна бу Машраб,  
Шароби маърифат излаб чу лола бағри қон келдим.

---

<sup>1</sup> Мисра қўлёзмада ўчиб кетган.

Шоҳиди салтанат манам, воизи минбар омадам,  
Хиёру Масеҳи дам манам, Маряму Асфар омадам.

Пардаи нори дўзахе тоза шуд аз шарораам,  
Ламъаи Тури ҳайратам воизи минбар омадам.

Мўсо лақаб ба кўҳи Тур нури тажалли дар барам,  
Қуддус сидратул азиз зоҳири он сар омадам.

Завқи муҳаббати маро гашт шароби ишратам,  
Қозии ҳашру нашро соқийи кавсар омадам.

Дар раҳи дину маърифат ҳаққи яқини муслимам,  
Ту наи туи зи манам шоҳи қаландар омадам.

Машраб агарчи дар сухан ҳотифи ғайб мужда дод,  
Гашт ба туи, вой манам банди мусаввар омадам.

Мазмуни:

Салтанатнинг ёриман, минбар воизи бўлиб келдим.  
Даврнинг Хизр ва Масеҳи (Исоси) ман, Марям ва Асфар бўлиб  
келдим.

Дўзах оловининг ёлқинлари менинг ўтимдан янгиланди,  
Тур тоғида ярқираган шуъламан. Минбар воизи бўлиб келдим.  
Мусо лақаби билан Тур тоғида нур жилвасини кўрдим,  
Муқаддас дарахт қиёфасида ўша ерга келдим.

Севги завқи мен учун ишрат ғароби бўлди,  
Тўпланиш ва ёйилиш қозиси, кавсар соқиси бўлиб келдим.  
Дин ва маърифат йўлида чин муслмонман,  
Сен бўлмасанг ҳам мен сенданман, қаламдарлар шоҳи бўлиб  
келдим.

Машраб, сўзда сенга ғайб хабарчиси хушхабар келтурди,  
У сенга қайтди, мен эса ҳамон сувратга банда бўлиб келдим.

Онқадар дарё бўлубман осмонга сигмадим,  
Тоқи аршу курсию лавҳу жинонга сигмадим.

Кимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,  
Дафтари руҳи қудусдурман забонга сигмадим.

Дўзахи сақар манам, жаннат ила кавсар манам,  
Бир ўзумдурман бу кун ҳафт осмонга сигмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида гарқ этмади тўфони ҳам,  
Ҳамраҳи Мусо бўлуб Туру Синога сигмадим.

Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузуб,  
Бонси бир нуктадин, Машраб, замонга сигмадим.

Кўрдим юзунгни — девона бўлдум,  
Ақлу ҳушимдин бегона бўлдим.

Тортиб жафони ўлсам кўйингда  
Қайтмасман ҳаргиз — мардона бўлдум.

Бўлиб жаҳонда расвои олам,  
Яхши — ямонга афсона бўлдум.

Кавсар шароби ёдимға келмас,  
Лаъли лабингдин мастона бўлдум

Юмдум кўзумни сендин бўлакдин,  
Кечдим баридин, риндона бўлдум.

Кўрдум тушумда шамъи жамолинг.  
Чарх уруб ондин парвона бўлдум.

Ишқинг майини сунди бу жисмим  
Ҳам соқи-ю ҳам паймона бўлдум.

Бир қатра эрдим чўмдум денгизга,  
Кирдим садафга дурдона бўлдум.

Куйдурмаса ўт, бўлмас яғоч чўғ,  
Ишқ ўти бирлан ҳамхона бўлдум.

Бўлдум фано мен туфроғ ичинда,  
Бир дона эрдим минг дона бўлдум.

Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,  
Жон жонға кирди, жонона бўлдум.

Тегди кўзингдин ҳар дамда минг тийр,  
Аввал эдим дашт, гулхона бўлдум.

Бир неча йилдур ёрдин жудоман,  
Билмай ўзумни ҳайрона бўлдум.

Куймас, дедилар, маъмураи ганж,  
Обод эдим мен, вайрона бўлдум.

Машрабга май сун майхона ичра,  
Кечтим баридин риндона бўлдум.



Ушал кун сенга, эй шўхи ситамгар, ошно бўлдим,  
Давосиз дарди бедармонга охир мубтало бўлдим.

Ба бозори муҳаббат гавҳари қимматбаҳо эрдим,  
Рақиблар олдида мисли садафдек камбаҳо бўлдим.

Қаландарвор ҳажрингда навою нолалар қилдим,  
Сени дарду гамингдин, эй пари пайкар, адо бўлдим.

Ушал кун санга паймон боғладим, эй шўхи бепарво,  
Тамоми ҳамнишину ҳамнафаслардин жудо бўлдим.

Муҳаббат ўти куйдурди юрак-бағримни, эй Машраб,  
Қуюб кул бўлди жисмим, нест бўлдум, зери по бўлдим.

Нигорим, гул узорингни кўролмаи мубтало бўлдум,  
Шароби лаълидин ичтим, санлмга ошно бўлдум.

Тараҳҳум қил, аё дилбар, қулингга кўп жафо қилма,  
Ўзингга ошно қилдинг, ғариби бенаво бўлдум.

Юзинг гулдир, мужовир кўзларинг мастонадур жонон,  
Юрогим поралар бўлди, шаҳиди Қарбало бўлдум.

Гуҳар бозорига кирдим, табиби ишқдин сўрдум,  
Ки дардимга даво топмай, бу дарди бедаво бўлдум.

Кел, эй дилбар, тамошо қил, бу Машраб сўзини таҳқиқ,  
Йўлингга жон фидо қилдимки, ул дам муқтадо бўлдум.

Сени ишқингда, эй дилбар, ажаб девоналар бўлдум,  
Бу оламда халойиқға ажаб афсоналар бўлдум.

Асоси салтанат бирла паривашларни султони,  
Тараҳҳум айлагил, жоно, эшикларда гадо бўлдум.

Сўроқлаб васли дийдоринг тамоми халқдин сўрдим,  
Деди: «Жўянда ёбанда» ки топмай мен адо бўлдум.

Нигоро, ханжари нозинг дилим садпоралар қилди,  
Қизил гулдай очилмайким, шаҳиди Карбало бўлдум.

Бу Машраб дардини, ёраб, ки ҳеч ким бошиға солма,  
Дуо айланг, аё дўстлар, ки муҳтожи шифо бўлдум.

Боз қасди горати имони габрон кардаам  
Куфрро ошuftау, динро паришон кардаам.

Душмани зоҳир гирифтор оташи дўзах бувал  
Гайрати ишқи қаландарро ба тугён кардаам.

Бо сьнам масту муқим гўшае, дайр ба дайр,  
Донаи тасбеҳи зоҳид ашки найсон кардаам.

Мўмину кофар туро шамъи мусаллам офарид,  
Шайхи раҳбони ҳарамро кофарчстон кардаам.

Машраби Ринди Умам сармасти шайхони Умам,  
Хонақоҳи бенишон бо дайр вайрон кардаам.

**Мазмуни:**

Оташпарастлар имонини поймол қилиш қасдига тушдим. Куфр-ни ҳайрон қолдириб, динни паришон қилиб юбордим.

Очиқ ёвлар дўзах ўтига гирифтор бўладилар. Қаландар ишқи рашкини тугёнга келтирдим.

Маҳбубам билан мудом маст ва биргаман: бутхоналарнинг бир гўшасида яшаймиз. Зоҳидлар тасбиҳ донасини санаса, мен кўз ёшимни ёмғирдай ёғдираман.

Мўмин ҳам, кофир ҳам сени ҳақиқий шам деб иқроор этишди. Ҳарам шайх ва роҳибларини кофирчстон аҳли деб ҳисоблайман.

Риндий Умам Машраб маст шайхларнинг яратувчисиман. Нишонсиз хонақоҳни олов ибодатхонаси билан ёқиб ташладим.

Ишқ водисидан бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўттум,  
Зухҳод элини мамлакатини талаб ўттум.

Олдим фашу дасторни девоналиғ айлаб,  
Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўттум.

Дунё ясаниб жилва қилиб олди ма келди,  
«Борғил нари» деб кетиға бир шатталаб ўттум,

Офоқни бир лаҳзада кездим, на ажабдур,  
Мино тоғидин акка сифат ҳаққалаб ўттум.

Кўрдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,  
Миндим ажал отинию мен қамчилаб ўттум.

Билдимки они душмани маккораи айёр  
Ло тирноғи бирла юзини тирмалаб ўттум.

Мардони худо дейдики: «Дунё майи — аччиғ»,  
Аччиғлиғини билмак учун бир ялаб ўттум.

Солдим туну кун нафс итим бирла урушни,  
Танҳо қиличи бирла уруб ҳай-ҳалаб ўттум.

Хомуш пичоқини они бўйниға қўйдим,  
Чўғ найзаси бирла кўзини найзалаб ўттум.

Девонаи Машраб бу сўзинг дардга даводур,  
Ошиқ элини кўнглиға бир ўт қалаб ўттум.

**То Муҳити ишқдин бир қатра нам келтурмишам,  
Ҳавзи кавсар ёдини кўнглумга кам келтурмишам**

**Сўфиёни савмаа жоҳиллигини билмадим,  
Маърифатни хонақосина қадам келтурмишам.**

**Давридур садру бадарга (пок) ният айлар букун,  
Утлуғ оҳимдин бошимга бир алам келтурмишам.**

**Утди бир пайваста абрўю хабардор ўлмади,  
Мисраи шўҳини гўёким баҳам келтурмишам.**

**Дилрабо кўйида Машраб телбани танҳо дема,  
Ҷора мўйи ишқидин хайли ҳашам келтурмишам.**

Аналҳақ гӯи эжодам, тажаллипарвари ишқам,  
Мудом аз хуни Мансурам зи дурри соғари ишқам.

Шаби ғамро кунад равшан чароғи дуди оҳи ман,  
Занад таъна бари хуршеди маҳшар ахтари ишқам.

На аз куфрам таманнои, на исломам ӯмедвори,  
Надонам Каъбау бутхона аз ҳам кофари ишқам.

Ба сахро оҳи Мажнунам, ба дарё ашки Фарҳодам,  
Набошад ҳамчу ман девонаи баҳру бари ишқам.

Намакпарвардан оҳам, шараромодан доғам,  
Матои дарди умр дорам ба каф савдоғари ишқам.

Шудам пайғамбари савдо, мани девонаи Машраб,  
Шафоат мекунад аҳли жунунро маҳшари ишқам.

Мазмуни:

Мен ижодимни аналҳақдан (ҳақлигимдан) деб биламан: ишқ  
ёлқинини ёқлайман. Оҳим тутунининг шуъласи ғам тунини ёритади.  
Ишқим юлдузи маҳшар қуёшидан ҳам ўткирлик қилади.

Мен куфрни ҳам истамайман, ислонии ҳам орзу қилмайман.  
Ишқим ўти Каъба ва бутхонани бир-бирдан фарқ этмайди.

Саҳродаги Мажнун тортган оҳлар мен; Фарҳод тўккан кўз ёш-  
лари дарёси мен. Қуруқлик ва денгизда мендай ишқ телбаси йўқдир.  
Тотган тузим фақат оҳдир, доғларимдан учқунлар сачрайди. Умр  
деган матоҳ билан савдо-сотиқ қиладиган савдогарман.

Мен, девона Машраб, кўргиликлар пайғамбариман. Ишқим  
қиймат куня телбаларни шафоат қилади.



Ярайдурменки ҳижрон илкидин фарёдлар қилсам,  
Бориб ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам.

Агарки додима етса чоқибон ишқ чақмоқин  
Фалакни уйига ўтлар қўюб барбодлар қилсам.

Мени бир дам халос эт, эй биродар, ғуссау ғамдин,  
Они ёди билан ҳар дам кўнгулни шодлар қилсам.

Мени ҳолим агар ишқ аҳли кўрса, зор йиғлайдур,  
Агар дарду ғамимдин заррае бунёдлар қилсам.

Ушалким ғарқа дарёи муҳаббат бирла Мянрабиан,  
Дилу жоним билан ҳар дам агар фарёдлар қилсам.

Боз омадам дар гутфугӯ то ишқро пайдо кунам,  
Менанди Мажнун халқро шӯридау шайдо кунам.

Ҳардам зи гуфтугӯи ӯ, маст омадам дар кӯи ӯ,  
Бошад, ки бинам рӯи ӯ, саргаштаи ғавғо кунам.

Дилро зи ишқ бикшудаам, чун ишқ омад хосилам,  
Ҳар дам басони булбулон шӯри дигар пайдо кунам.

Имрӯз ман шайдон ӯ, дар фитнаи ғавғои ӯ,  
Гар ишқ гӯям рӯи ӯ бедардро расво кунам.

Майхонаро бикшудаанд, роҳаш ба ман бинмудаанд,  
Аз жоми ишқам май хӯранд шӯридаи шайдо кунам.

Аз сӯзи дил гар дам занам, оташ дар ин олам занам,  
Олам ҳама дарё шавад ин жумларо дарё кунам.

Машраб ту баҳре омади, аз мавжи дарё омади,  
Аз дурри дарё доманат пур луълуъу лоло кунам.

#### Мазмуни:

Ишқни яратиш учун яна сӯзлашувга келдим. Мажнун каби одамларни ғавғо шайдоликка мубтало қилмоқчиман.

Ҳамиша унинг суҳбатини соғиниб, манзилига маст бўлиб, юзини кӯргани келдим: ғавғо қилмоқчиман.

Кўнгилни ишқ учун ланг очдим: ишқ ҳосил қилганимдав сўнг,  
ҳар он булбул каби фиғон қилишнинг пайдан бўламан.

Бугун мен унинг шайдосиман, унинг фитнаси ва ғавғосига ше-  
рикман. Унинг юзини ишқ дея дардсизларни расво қиламан.

Майхонани очиб, менга йўл бердилар: менинг ишқим жомидан  
ичса — ўзларидан кетиб шайдо бўладилар.

Қалбим ўтидан сўз очсам оламга ўт туташади. Агар сўзим сув  
бўлса: олам сув остида қолади.

Машраб, сен денгиз бўлиб келдинг, дарё мавжи бўлиб келдинг.  
Дарё дурларидан этагингни олий қимматбаҳо дурлар билан тўлди-  
раман.

Сеторим ториға жон риштасидни тор әшиб чолсам,  
Ани хуш ноласидни бевафони кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом ичра мақомни дилға жо қилсам,  
Муҳаббат кўйиға созлаб ани олдида ман чолсам.

Аролаб чолсам «Ушшоқ»у, газални соза еткурсам  
Саҳарларда қўпуб машшоталардин пурзиё чолсам.

Кел, әй Машраб, қадаҳ сунғил, бўлойин масту мустарриқ  
Бир илкға косаи танбур, бириға жомни жо қилсам.

Дунёга келиб кўлига билмай бота қолдим,  
Дармон йўқидин неча оғиз суъ юта қолдим.

Кўрдум мен уни душмани руҳу тан экандур,  
Ло ўқи билан икки кўзига ота қолдим.

Майхонага кирдим, била қолдим куяримни,  
Масжидга кириб зоҳиди яхдек қота қолдим.

Зоҳид, менга — бир шишада май, сенга — намовинг,  
Минг тақвيني бир косаи майга сота қолдим.

Ваҳдат майини пири муғон илгидин ичтим,  
Мансур каби бошими дорға тута қолдим.

То телбалигим шуҳрати оламни тутубдур,  
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим.

Айб айламангиз Машраби беҳудни, ёронлар,  
Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўта қолдим.

Қилди менга бир жилва-ю ногаҳ боқа қолдим,  
Ул жилвасига дин била дунё сота қолдим.

Маъшуқ деди: «Бовар эмас манга бу ишқинг»,  
Гайрат тиғи бирла юрагимни чопа қолдим.

Арз устидаги аршни шаҳбозини кўргач,  
Тан шаҳридаги жон қушидек толпина қолдим.

Ғам тоғида Фарҳод сифат эмганур ордим,  
Бошимга бало тешаси тегди ёта қолдим.

Машраб йўлида турфа паришон юрур ордим,  
Уя мақсудими кўргали ногаҳ боқа қолдим.

Ногоҳ кўрубон маҳви жамолинг бўла қолдим,  
Ойдек юзунга боқдимۇ ҳайрон бўла қолдим.

Ўтдек тутшиб қўйди юрогим била жоним,  
Парвонадайин ўтқа ўзумни ура қолдим.

Юз ғамза била чиқди санам майкадасидин,  
Зуннор уруб, дин била имон сота қолдим.

Кўрдимки ажаб ишвагару дилбари танноз,  
Девона бўлуб ишқида ўтдек ёна қолдим.

Дилдор жамолини кўруб, ишқи йўлида,  
Гулгун ёнубон маҳви тамошо бўла қолдим.

Ҳожат эмас ул Қаъбау бутхонаға бормоқ,  
Мен гавҳари мақсуд бўлайин деб ёна қолдим.

Машраб бошиға тушти ўшал кун ғами дилдор,  
Шайдойи бўлуб жумля ҳавасдин қола қолдим.

**Зебо санамим йўл уза кўргач тура қолдим,  
Наззорасидин маҳв бўлубон ўлтура қолдим.**

**Сайёра сифат кеча тонг отгунча югурдим.  
Юз шукрки, ойдек юзини бир кўра қолдим.**

**Ғам тоғида Фарҳод сифат эмганур эрдим,  
Бошимга қазо тешаси тегди, ёта қолдим.**

**То базми висолингга теголгунча рақиблар,  
Болу парими юлдуму мен телмура қолдим.**

**Мажлисдаги шамъни кўрубон олдиға боғиб,  
Парвона масал ўт ичиға ҳам куя қолдим.**

**Ширин лабидин берса менга ваъдан хуш деб,  
Жон нақдини илкимга олибон бора қолдим.**

**Май тутти гаҳ ағёр, гаҳ ул шўҳи ситамкор  
Дарҳол қўпиб май қўлидан ҳам ола қолдим.**

**Май тўла қилиб муғбача Машрабга беринглар,  
Бир ғамзаи мижгон била жоним бера қолдим.**



Мени девона қилди у пари рафтор қомат ҳам,  
Бу кун келмам ўзумга балки фардои қиёмат ҳам.

Мени ҳолим кўруб бу ким муҳаббат аҳли айтурлар,  
Пушаймон бўлди ишқидин, яна эмди надомат ҳам.

Мени ғам бирла ўлдурдинг топиб ҳамрози дилингни,  
Не бўлғай эмди мен ўлсам, чу сен бўлғил саломат ҳам.

Эшиттимким рақибни ул ҳарамға айладинг маҳрам,  
Мени ҳолимға раҳм айлаб карам қилғил, каромат ҳам.

Сўромас, Машрабо, ҳеч ким сени, оре, ажаб эрмас,  
Юзумни бости бори меҳнату гарди маломат ҳам.

Сени кўрдум ҳама элни унутдум,  
Жаҳон лаззотидин кўнглум совутдим.

Сенга бердим дилу жонимни ул дам,  
Биҳишти жовидон таркини туттум.

Висолингда лабингдин эл май ичти,  
Фироқинг бирла мен хуноба юттум.

Не қаттиқ кун эди, эй роҳати жон,  
Сенингдек офати жонга йўлиқтум.

Кеча-кундуз мудом андиша қилдим,  
Изинг ҳар ердадур — юзумни сурттум.

Танимсан ҳам азиз жоним эрурсан,  
Сенинг мислинг йўқ эконин ўқуттум.

Қабул қил, хоҳ қилма ҳасратингдин  
Кезиб чўлларни сўнгоким чуруттум.

Ғаминг кўнглумга, холинг жонима қут,  
Ҳаёт истаб хаёлинг заҳри юттум.

Тилимда ё дилимда ўзга ким бор?!  
Қасамёд айладим ўзга қуруттум!

Гаҳи шаҳди висолинг бўлмаганда,  
Хаёлинг бирла кўнглумни овултум.

Сени ҳам кўрмаган, ҳам топмаган сўнг  
Ғаминг бирла иқовлон гўша туттум.

Қачон кўрдум қизил гулдек юзунгни,  
Вужудим куйдуруб, кулин совуттум.

Ўтун янглиғ қуюб ишқинг ўтида,  
Адам бўлдум, ики лаълингни туттум.

Бу Машрабға чу ишқинг жовидондур,  
Кечони ишқ-ла қундуздек ёруттум.

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдум.  
Ороми жоним, ишқингда ўлдум.

Мунча жафони кимдин ўргандинг,  
Эй нуктадоним, ишқингда ўлдум.

То қоба қавсайн шарҳи қошингдур.  
Абрў камоним, ишқингда ўлдум.

Қақнусға ўхшаб ёндим тириклай,  
Ўртанди жоним, ишқингда ўлдум.

Бир раҳм қилғил, ҳолимға боқғил,  
Номехрибоним, ишқингда ўлдум.

Ера бу кун мен чокар бўлойин,  
Соҳибқироним, ишқингда ўлдум.

Машрабга бир боқ, жон лабга етти,  
Руҳи равоним, ишқингда ўлдум.

Дунёга келиб ранжу балони кўруб ўттум,  
Юз ранжу бало шиддатидин ўргулуб ўттум.

Дунёга кўнгул берса киши бўлғуси расво,  
Бу фоний жаҳон мулкига шатта уруб ўттум.

Билдим ман анинг душмани қотил эканини,  
Мардона бўлуб белга этак қистуруб ўттум.

Жон олғучи Азроил эмасдур ўзи билғил,  
Нечунки мен они била улфат бўлуб ўттум.

Машраб, сени деб ушбу жаҳондин кўнгул уади,  
Девона бўлуб, ондин эшоким суруб ўттум.

Қаландар Машрабингман икки оламни тепиб ўттум,  
Биҳишту ҳуру гилмонни фучак пулға сотиб ўттум.

На қилай оби кавсарни, нигорим бўлмаса соқий,  
Харобот аҳлиға бордум, аларға сўз қотиб ўттум.

Гуноҳимдин хабар олсам жуҳуд, тарсо мачингдек йўқ,  
Хитою Чину Мочиндин Хўтан деб ўргулиб ўттум.

Аё дўзах, мани куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз,  
Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг заҳрин ютиб ўттум.

Бу жон олғучини кўрдум, дедим, олғил керак бўлса,  
Ажал қочти уруб қувлаб бу қалтоқни суриб ўттум.

Солиб бозори ишқингга матои жисму жонимни,  
Харидор сўрмади ҳаргиз қонимни тўкиб ўттум.

Бошимға келди-ю ёрим, кўрунг бахти сиёҳимни,  
Висол айёми бўлғонда, ётиб ухлаб бўкиб ўттум...

Мани девона Машрабни сўрар бўлсанг: куйиб ўтгон,  
Не ерда аҳлини топтим, кўзум ёшин сепиб ўттум.

Дунё сарига бир келибон ғамзада кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай, турубон лаҳзада кеттим.

Бир мушфиқи ҳамроз жаҳон ичра тополмай,  
Ҳасрат ўтидин куйдиму мотамзада кеттим.

Суртмай бу қаро юзни ўшал равзада бир йўл,  
Юз ҳасрату мотам биле меҳнатзада кеттим.

Ҳар жон келуру кетгусидур билсам они ҳам,  
Юз ғамзада бўлдум, яна мотамзада кеттим.

Ҳорис бўлубон дуняда юрди неча гумроҳ  
Урён келибон мунда, яна арбада кеттим.

Ғофил кишилар кечаю кундуз тилагай мол,  
Дунё дедиму охиратимни сота кеттим

Ерини хаёл айлади, Машраб, кўзин очди,  
Юз дарду алам бирлаки меҳнатзада кеттим.

Кетти қарору сабру ҳуш, қолмади танда тэқатим,  
Тун-қун ила зиёдадур меҳнату дарду кулфатим.

Оҳ урубон қаён кетай, тоғу тоша бошим урай,  
Бошима минг балои ғам кунда турур аломатим.

Заррача қолмади юрак, куйдию бўлди ҳам адо,  
Кўзда ёшиму рангим зард — ушбу эрур надоматим.

Хожаю муфтини йиғиб, омию шайх ҳам мурид,  
Барчасидин юз ўгуруб, ишқи эрур маломатим.

Барчани мулку жоҳини, иззату неъмат жойини,  
Манга берубдур оҳини, ушбу турур қиёматим.

Ишқ эмас бало экан, меҳнату дарду оҳ экан,  
Машраби зор-зор экан, кун-кундан ортур офатим.



Қиёматдур, агар, жоноки мен сендин жудо бўлсам,  
Хуш ул давлат эрур менга фироқингдин адо бўлсам.

Харобу ҳам кабобдурман нега додимга етмайсан,  
Кима айтиб, кима йиғлай азалдин бедаво бўлсам?

Асири ҳалқаи зулфунг бўлубман билу хоҳ билма,  
Зиён-судини билмасман, тақи ман ғамзадо бўлсам.

Санинг бир зарраи ишқинг манга дармондин ортуқроқ,  
Тилим куйсун, агар жонон, талабгори даво бўлсам.

Муҳаббат ўтига, жонө, юрогим таҳ-батаҳ қондур,  
Нечук мен айлайин, дўстлар, азалдин бонаво бўлсам?

Юрогу бағрим ўртанди сени дарди фироқингдин,  
Нечук юз қайтаройин мен азалда ошно бўлсам?

Чу қумри сарв учун йиғлаб фидо айлаб бу жонимни,  
Тамоми хонумонимдин кечиб мен Мосуво бўлсам.

Ҳама ушшоқи содиқни сени ишқинг хароб айлар,  
Қабул эткил, аё дилбар, кўйингда бир гадо бўлсам.

Фалакни жавридин, дўстлар, нечук, мен шиква айларман,  
Нетай, найлай, биродарлар, ки мен бахти қаро бўлсам?!

Нега додимга етмайсан, манинг ҳолимини сўрмайсан,  
Фироқингда адо бўлган ки Машраб бър гадо бўлсам?

Биродарлар, мен ушбу кеча Мажнундин назар топдим,  
Тонг отгунча риёзат бирла оламдин хабар топдим.

Ушал маҳвашни ёд айлаб, ғаму қайғу зиёд айлаб,  
На ақлимдин нишон кўрдум, на ҳушимдин асар топдим,

Менингдек талхкому бафж дунёда ўтган йўқ,  
Шакар оғзимга солдим, заҳри қотилдин батар топдим.

Бу айши бесабот даҳра қўнгул берманг, аё дўсглар,  
Ки мен фоний жаҳонни мисли абри даргузар топдим.

Вужуди ушбу олам бир неча кундуздин ортиқ йўқ,  
Чароки дуняда бир шамс кўрдум, бир қамар топдим.

Надомат ашки тўфони бошимдин чун ўтуб кетти,  
Балиғ қорнидаги Юнус каби баҳр ичра бар топдим...

Нигоримдин вафо, на дўстлардин дафъи ғам кўрдум.  
Ки ҳар кимдин умиди манфаат қилдим, зарар топдим.

Нетай, зебо санам, жоноки, ҳеч ким раҳбар бўлмас,  
Адаштим, йўл йитурдим, на паёми, на хабар топдим.

Сориг садбарг ширин сўзлук юзингни кунда бир кўрсам,  
Юзунгдин юз ўгирмасман агар юз минг бало кўрсам.

Мани ошуқу маъшуқ дебки айтурлар бу оламда,  
Ошуққа давлат эрмаским, фироқинг ўтида куйсам.

Нечун сан кўнгли қаттиқсан, бирор ҳолимни сўрмассан?  
Жамолингга тўёлмасман бошингдин юз минг ўргулсам.

Нечук бедодлиғ иш ўлдики, ман сандин жудо бўлдум?  
Жафоларники ман тортуб, на мушкулдур қараб қолсам.

Садафсиз дур, тикансиз гул, машаққатсиз ҳунар йўқтур,  
Тополмасман, аё дўстлар, жаҳонни истабон юрсам.

Лабинг лаълу, хатинг Хизру, юзунг монанди Юсуфдур,  
Зулайходек куюб-ёниб бу ишқ ичра адо бўлсам.

Ушал Мажнуни расводек биёбонда сусаб-чанқаб  
Кўйингда ўртаниб ёниб, қани Лайли, деб оҳ урсам.

Кел, эй Машраб, кўзунгга хоки пойин тўтиё қилғил,  
Қани ул хоки пойинг, бул кўзумга тўтиё қилсам?

**Аё дилбар, сани кўргач, баче ман мубтало бўлдум,  
Сани кўйингда, эй барно, гирифтори бало бўлдим.**

**Хаданги новаки мужгонларинг ҳар дам тегиб ўтти,  
Қизил қонимга булғониб, шаҳиди Қарбало бўлдум.**

**Ҳаётим оразингга сарф қилдим, билмадинг аммо,  
Нетай, найлай, ҳамиша дину дунёдин жудо бўлдум.**

**Манингдек ошиқи дилхастае ҳеч бўлмасун, ёраб,  
Нечук кўнгил узай сандин, азалдин ошно бўлдум.**

**Нисори мақдаминг кўйингга бошимни фидо қилдим,  
Ки тиги ханжаринг тегдию жонимдин жудо бўлдум.**

**Юрудум жустужў айлаб кеча-кундуз фироқингда,  
Висолингдин хабар топмай эшикларда гадо бўлдум.**

**Бу Машрабга тараҳҳум айлагил, эй дилбағи зебо,  
Фироқу ҳасратингда бас азият, бенаво бўлдум.**

Базми шамъингдин замона ичра бир гирён ўзум,  
Доймо парвонадек шамъ ўтиға сўзон ўзум.

Каҳрабо эрмиш жаҳон даврида афғон айлагон,  
Чун фалохун доимо саргаштаи даврон ўзум.

Подшоҳлик, расволиқ бил, баробардур манга,  
Гоҳи ҳажрингда, гоҳи васлингдаги султон ўзум.

Чин аро қўргач хаданги новаки қош ёсини,  
Сийначок ўлган шаҳиди тийри бепайкон ўзум.

Даргоҳи васлинг тилаб айб этма афғон айласам,  
Машраби саргаштаи ғамдидаи ҳижрон ўзум.

Гулшану боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум.  
Бир бути бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.

Кўюнгға, эй санам, бориб навҳа-ю нолалар қилиб,  
Шому саҳар фиғон қилиб, ҳофизи хуш асар ўзум.

Е шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,  
Ер била ўтни куйдуруб кавкабау қамар ўзум.

Жоми майи луоб ичиб, Мажнуни бенаво бўлиб,  
Нозу карашмалар қилиб, Лайлини ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,  
Болу паримни куйдуруб, бедили навҳагар ўзум.

Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундузи мудом,  
Ер деди саҳарда топ, доияи саҳар ўзум.

Хисрави хисравон бўлуб, Рустами Достон бўлуб  
Бир зарра паҳлавон бўлуб, Ҳамзан рахнагар ўзум.

Олми нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,  
Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

Ҳажру фироқинг ўтидин ошиқи беқарор ўзум,  
Юрган нтингни сиффати ошиқи хоксор ўзум.

Холу хатингни кўрмасам йўқтур қарорим, эй санам,  
Икки жаҳон ичида бил, сўхтаи дилфигор ўзум.

Исо чиқиб ҳаво уза кўрмади маъшуқ юзини,  
Ишқинг ўтига ман куюб, биллоҳки, ёри ғор ўзум.

Қошки юзунгни кўрмасам, бўлмағай эрдим интизор,  
Раҳм эта кўр бу ҳолима, ошиқи беқарор ўзум.

Куйди юроким ўртаниб жабру ситам ҳам этмагил,  
Оҳима жовидон куяр, оташи тобдор ўзум.

Қўксума ханжаринг тегиб, оҳима аршинг куйдуруб,  
Қонима жисму жон бўяб гулшани лолазор ўзум.

Ғазна, Намангон ичида юрди Раҳимбобо сўраб,  
Топмади бир ҳодиеи, толиби раҳбарор ўзум.

Кўргил Зулайхо ишини Юсуфга янтизор экан  
Икки жаҳонда ёрини излаган ошкор ўзум...

Ҳар нафасеки манда бор қилди мадад Офоқ Хожам,  
Вўлса бир қуруғ ёғоч, даштида кўҳсор ўзум.

Қуддуссаро азиз Хожам Машраб отини қўйдилар,  
Қошгару Ерқанд ичида соҳиб гуфтор ўзум.

Дунёни пушти по уруб Адҳами бенаво ўзум,  
Авжи фалакда юругон шоруқи пурзиё ўзум.

Банда Умам, Умам илмим на миннат ўзгадин тақи  
Йўқтур табибга ҳожатим дардима ҳам даво ўзум.

Ман тилаб ул дийдорни кўҳи Тур ичра дам-бадам,  
Мусолайин асо олиб тунқатори худо ўзум.

Куфр ила дин мазҳабида ҳеч кима йўқ нисбатим,  
Ҳам Ҳасану, ҳам Ҳусану, ҳам шоҳу, ҳам гадо ўзум.

Банда бу Машраб айтадур: олами шуҳрат ичида  
Бир бути бебадал учун ошиқи беҳаво ўзум.



Англа бу сўзни, эй санам, ошиқи муддао ўзум,  
Асли юракда бағри йўқ, дунёда бедаво ўзум.

Қатраи май тотурмасанг, ол бу жонимни, қўйма сан,  
Сансиз агар бу дунёда ўлмакима рчзо ўзум.

Ҳуру биҳишту кавсаринг кўзума бир қуруқ работ,  
Сансиз ўзунгдусан яна буръан раҳнамо ўзум.

Уша аросат дўзахингга якка ўзум бир кирай.  
Юрдуму кўрдум ҳаммани дунёда пургуноҳ ўзум.

Парда кўтаргил, эй санам, рози дилимни айтигин,  
Барча паямбар олдида аввали додхоҳ ўзум.

Элнинг кўзига фосиқу гумроҳу осий, пургуноҳ,  
Ҳақнинг қошида мартабат Жабраил, Мустафо ўзум.

Ошиқ эурсан, эй рафиқ, қўрқма жонингни ваҳмилин.  
Қилса мадад ўзи вале журмима ҳам шифо ўзум.

Дунё юзида махлуқунг ўлмаки яккадур тана.  
Кунда мани минг ўлдуруб пурхунн Карбало ўзум.

Мажнуни бенаво деманг Лайли санамни изласам,  
Эгасини сўроғлаган мискинн бенаво ўзум.

Бесалибон қаюғ отинг солди Бозор пирим манго,  
Сўрди мани нечук фақир Машраби хоксо ўзум.

Ишқ ўтиға ўртаниб девона бўлгон ўзгинам,  
Куя-куя кул бўлуб ўтқа туташқон ўзгинам.

Чоқ сийнамни қилиб маҳшарда зйларман фиғон,  
Ул куни дилдор деб маҳшарни бузгон ўзгинам.

Ошиқи дийдор эрурман, Ёр билмассан магар  
Мансури Халлождек дорға осилғон ўзгинам.

Куя-куя кул бўлуб дунёда ўтган бормукин?  
Бор муайян кўб ўлуб неча тирилгон ўзгинам.

Ул сиротул мустақим олдида одам йиғлашур,  
Ишқни раҳбар қилиб ҳам ондин ўтгон ўзгинам.

Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзае, девона Машрабман,  
Қуюндек шамъи ҳуснинг айланиб, парвона Машрабман.

Жаҳонда ҳар не борин охирагга айладим итмом,  
Паридур ё малак, ондин бўлак риндона Машрабман.

Ишимдир фақр йўлин тай қилиб қатъи тааллуқлар,  
Ичибман туну кун май, толиби майхона Машрабман.

Мени зоҳир кўзида кўрган эл ўзин гумон айлар,  
Вале, эл ичра ўздин, барчадир бегона Машрабман.

Саросар ҳар тарафга сайр этибон дашту саҳрони,  
Ўзидин беҳабар ҳам ҳуши йўқ пайкона Машрабман.

Чу менга содавашлиғ вазъидин бир ўзга сир йўқдур,  
Очуқ аъзо, ёруқ тан, халқ аро вайрона Машрабман.

Толиб Машраб йўлин, тарк айла зоҳидлик йўлин гумном,  
Эмасман моҳ талъат, май ичиб мастона Машрабман.

Чора айлаб шўхлуғингдин жоним олгон санмусан?  
Е менинг руҳи равоним, жисмима жон санмусан?

Бу бошинг айлантурур ишқинг шамоли ҳар тараф,  
Гулшани ишқингда қилғон беда ларзон санмусан?

Ичмайин васлинг шароби төгди бадноминг ўти,  
Ҳасратингда айлаган ер бирла яксон санмусан?

Зийнати ҳуснунгни истаб топмадим (ҳаргиз) даво,  
Маъдани кўздин чиқарғон дурру маржон санмусан?

Шамдек эл базмини равшан қилиб ҳуснунг била,  
Жоним ўртарга фироқинг нори сўзон санмусан?

Меҳнату дардимни сўрмай гунчадек оғзинг очиб,  
Элға ибрат боғи ичра нори хандон санмусан?

Соядек ўзум оёғинг туфроғина юз суруб,  
Боқмадинг бир дам туруб сарви хиромон санмусан?

Ҳар кўнги мурғи учун зулфинг паришон айлаган,  
Сур тўкуб ақлим қушин қилғон паришон санмусан?

Ҳар замон айлаб ғазаб Машрабга минг тортиб қилич,  
Бу таним сонсон қилиб итларға солғон санмусан?

На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман?  
Кўролмай гулғузори мни бәсе гирёна Машрабман.

Қаландарваш бўлуб доим эшикларда фиғон айлаб,  
Халойиққа бу оламда бәсе афсона Машрабман.

Назокатлик нигоримдин ўшал соат жудо бўлдум,  
Куйиб ҳажринг билан ёниб мудом девона Машрабман.

Ман ул барно билан дардим эшитиб йиғлашай, дедим.  
Кўрай деб ул вафодорим, билинг жўёна Машрабман.

Фалакнинг жабридин юрмак аламдур кўксума дилбар,  
Тараҳҳум айлабон кўргил жароҳатхона Машрабман.

Саҳар вақти очилғон ул қизил гул ўхшамиш ёрим,  
Хазон бўлғай чу ҳусн ичраки мотамхона Машрабман.

Висолини талаб қилсанг огоҳ бўлғилки, эй Машраб.  
Коча-кундуз қарор олмай ажаб афғона Машрабман.

...Қўнгулда заррача дунёнинг меҳри бўлмайин менда,  
Сени деб икки оламдин кечиб безора Машрабман.

Улуб кетсам сенинг дардинг сўнгакдин кетмагай асло,  
Лаҳад ичра фиғон айлаб ўзум бечора Машрабман.

Анодин қай куни туғдум, сенинг ишқингда оҳ урдум,  
Муҳаббат доғида ўртаб ўзум сайёра Машрабман.

Муҳаббат жомидан май туттилар, ичмасга чорам йўқ,  
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман.

Бошимга минг бало келса, тиларман васлин, эй зоҳид,  
Бошим кессанг тиёрим йўқ, деган дийдора Машрабман.

Халойиқлар мени қувлар, ёмон, деб ҳар шаҳар борсам  
Ажаб мардуд, ажаб маржум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни халқ аро расволиғимни ҳеч киши билмас,  
Дилу жоним фидо айлаб ажаб иёра Машрабман.

Мени девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг,  
Намозу рўзадин фориғ бўлуб яккора Машрабман.

Интизорингдин чиқодур жоним, эй жон қайдасан?  
Раҳм қилгил ҳолима, эй нотавоним, қайдасан?

Фурқатингдин хаста бўлдум, тоқатим ҳам қолмади.  
Жон ба лаб етди гамингда, дардга дармон қайдасан?

Демадингму, сан ёрингдин кеч бу дам, айгил мани,  
Шарту аҳдингни унутгон аҳди ёлғон қайдасан?

Мани Зулайходек фано бўлдум фироқинг ўтига  
Сав фароғатхотири эшони Канъон қайдасан?

Машрабинг топти сани излаб вилоятни кезиб,  
Юзи тўлғон ойдаку, эй кўзи Чўлпон қайдасан?

Доғи ҳижронингда куйдим, эй нигорим қайдасан?  
Мавсуми гул бўлди охир, гулӯзорим қайдасан?

Лоладек гуллар очилди боғим ичра доғларинг,  
Кел тамошо қил бу гулни лолазорим қайдасан?

Лашкари ғам бу синуқ кўнглумни афгор айлади,  
Арзи ҳолим айтайин, эй шаҳсуворим, қайдасан?

Неча кунлар шод эдим васлинг шаробин нўш этиб,  
Кўҳи ғам остида қолдим, эмди ёрим қайдасан?

Вақти ҳижрат бўлди, эй жоно, жудолик кунидир,  
Гул юзингни бир кўройин, ўл дучорим, қайдасан?

Кошки, булбул каби кетсам, яна келсам баҳор,  
Умр ўтар йўқтур дубора бу наҳорим, қайдасан?

Мен нечук сабр айлайин, сангдил экансан, Машрабо,  
Бир қиё боқиб демайсан, интизорим, қайдасан?



Эй мени нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан,  
Бу кўнгул бўстонида ғунча даҳоним, қайдасан?

Неча кундур бу кўнгул муштоқи дийдоринг эрур,  
Ургулай, эй дилбари ширин забончм, қайдасан?

Уйрулиб мен ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,  
Ахтариб келдим сени, ороми жоним, қайдасан?

Ҳолимиз беҳад ёмондур, келмасанг ҳолим сўраб,  
Эй мени хуш меҳрибон, руҳи равоним қайдасан?

Кўзларим гирён бўлуб қолдим бу ғам саҳросида,  
Ҳасратингда чиқди бу оҳу фиғоним, қайдасан?

Ташналабдур Машрабинг, чунким юрак бағри кабоб,  
Фурқатингда, эй мени сарви равоним, қайдасан?

Фироқинг ўтига, эй гульузор йиғларман.  
Сани соғиниб тун-кун зор-зор йиғларман.

Нетай, на чора қилай, васлингга етолмасман,  
Фироқинг ила чу абри баҳор йиғларман.

Гаҳи тушумда кўруб гул юзунг Зулайховор  
Яқомни пора қилиб, лолаузор, йиғларман.

Гарибу бекасу бечора ҳамдамим йўқидин  
Тушуб бу гамзада қўнглумга ёр йиғларман.

Қани мусоҳиби ҳамдам, қани қадрдонлар,  
Қани муҳиббу, қани гульузор, йиғларман

Сўроғладим бу жаҳон мулкини саропойин.  
Топилмади яна сандак нигор, йиғларман.

Қаён борай, тугатай кимга айтчб, эй дўстлар,  
Юроким ўртанибон пуршарор йиғларман.

Таваккал айла худо қисматига, эй Машраб,  
Танимда жон борича интизор йиғларман,

Муҳаббат ўтига бағрим куюб, бирёна йиғларман,  
Висолингни тилаб, эй нозанин жонона, йиғларман.

Умидим бодан лаъли лабингдин жоми май ичсам,  
Фигону нола айлаб бар дари майхона йиғларман.

Сияҳ зулфинг менга — зуннор, ўлдум кофир ишқингда,  
Бўлуб расвон олам сокини бутхона йиғларман.

Гаҳи булбул дар афгонман, гаҳи чун қумри нолонман,  
Гаҳи чуғзи паришонман, ватан вайрона йиғларман.

Аё Лайливашим, бир гамзаю ноз бирла ўлдурдинг,  
Фироқинг даштида Мажнун ила ҳамхона йиғларман.

На ҳожат менга дашту тоғу сахрони ватан қилмоқ,  
Агар бу йўлда бўлса жазбаи девона йиғларман.

Илоҳи баҳри жонимга гуҳар найсонини ёгдур,  
Тилаб кўнглум садаф янглиг гуҳар дурдона йиғларман.

Жамолинг шуъласи оламға тушти барча ўртанди,  
Куюб, Машраб, мисоли ўртаниб парвона йиғларман.

Жамолинг соғиниб шому саҳар мен зор йиғларман,  
Жунун саҳросида девона мажнунвор йиғларман.

Сенга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ,  
Паришон ҳолу саргардону дил афғор йиғларман.

Юзинг шамсу, зиҳи моҳи мунаввар, эй пари пайкар,  
Лабинг лаълу лисонинг шаҳду шаккарзор, йиғларман

Ҳадинг боғи баҳору лолаю сарви суман эрди,  
Ки мен чун булбули шўридан гулзор йиғларман.

Кўрай деб орзу бирла жамолингни мен, эй зебо,  
Турубдурман эшигингда, аё ғамхор йиғларман.

Кўзумдин мавж уруб селоби ашким тўла қон оқти,  
Агар ёдимга тушсанг, эй пари рухсор, йиғларман.

Илоҳи махфират дарёсидин Машрабни шодоб эт,  
Ҳамиша, шайъалиллоҳ, деб қаландарвор йиғларман.

Май қатрасидин тотғоли мастона қилибсан,  
Расвои сари кўчау бутхона қилибсан.

Ул шамъи жамолингга, аё моҳи дилафрўз,  
Юз минг манидек бандани парвона қилибсан.

Эмди мани савдозадага Каъба на даркор?  
Тарсою жуҳудлар била ҳамхона қилибсан.

Зулфинг ториди бандаи бечораду ҳайрон,  
Жонона сари зулфинг агар шона қилибсан.

Бир жилваи ҳуснинг била, эй барқч тажалли  
Бул Машраби бечорани девона қилибсан.

Бир каромат айлагил: бедасту бепоман букун,  
Умр — кўтаҳ, даст — кўтаҳ, кўру гумроҳман букун.

Йўл — хатар, манзил — узоқ тушти, бу умрум кам мани,  
Гоҳ мўмин, гоҳ ориф, гоҳ тарсоман букун.

Ҳеч билмасман ўзумни: қайси миллат халқиман,  
Гоҳ восил, гоҳ маҳжур, гоҳ гумроҳман букун.

Машрабо, иншои дил кўптур, қани умри дароз?  
Халқ топтиларки ман машғули савдоман букун.

Зулфини савдосидин кўнгул наришондур букун,  
Ер васлин кўрмайин ер бирла яксондур букун.

Халқ аро гар шодлиглар бор эди мундин бурун,  
Ҳар киши юз гам била дасту гирибондур букун.

Гар манга қилса назар хуршид дерман отини,  
Гарчи мундин анда кўрса моҳи тобондур букун.

Бандидин Фарҳод қочти гам тоғида беркиниб,  
Хаста Мажнун ҳам кезиб чўлларда сарсондур букун.

Гар муҳаббат аҳлига қилса назар ул сарвиноз,  
Жаннатул ризвон бўлуб бу кулба аҳсондур букун.

Итларига ҳамдам этти Машраби бечорани,  
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойиб лутфу аҳсондур букун!

Эй алифдек қоматингни ибтидо қилдим бу кун,  
Бе балон доғи дардинг дилга жо қилдим бу кун.

Те тиловат қилғай эрдим ояти рухсоридин.  
Се савоби хатми қуръон интиҳо қилдим бу кун.

Жим жамолингни кўрай деб келдим, эй шоҳи жаҳон,  
Ҳе ҳаётим борича жонон дуо қилдим бу кун.

Хе халойиқ ичра бир хуш хўйи некў сандадур,  
Дол дилни олғучиға ошно қилдим букун.

Зол зоеъ бўлмасун деб ҳар замон меҳринг санинг,  
Ре работинг ичра то меҳру вафо қилдим бу кун.

Зе зулфинг шомидин йиғлаб юрурман то саҳар,  
Син селоби сирншкимни раҳо қилдим бу кун.

Шим шақкар лабларингдин меҳрибонлиғ кўрмадим,  
Сод сабрим қолмади оҳу наво қилдим бу кун.

Зод зоелиғ билан умрим ўтодур оқибат,  
То толесизлигимдин кўб хато қилдим бу кун.

Зо золим кўзларингни ғамзаси қилди хароб  
Айи азиз жондин кечиб, жоним фидо қилдим бу кун.



Гайн ғарибларга тараххум қилғил, эй султони ҳусн,  
Фе фароғат бирла арзимни адо қилдим бу кун.

Қоф қурбат васлидин бўлди мадакорим худо,  
Гоф гулзорида айни муддао қилдим бу кун.

Лом лабинг кавсар, тишинг — гавҳар, хадинг лаъл ўқуб.  
Мим меҳробинг қошида иқтидо қилдим бу кун.

Нун на бўлғай биргина кўрсам жамолинг, эй пари,  
Вов ваҳ-ваҳ дилбарим, кўксумға жо қилдим бу кун.

Ҳе ҳазил эрмас киши доғини пинҳон айласанг,  
Лом алиф лола сифат чоки қабо қилдим бу кун.

Пардаи исматда сақла Машраби бечорани,  
Дигари номаҳраимни ошно қилдим бу кун.

Улдуройин дермусан ё куйдуройин дермусан?  
Ёна бошимга балолар ёгдуройин дермусан?

Кўзларинг жаллод этиб, мужгонларинг бедод этиб,  
Қашири тил бирла ҳолимини сўройин дермусан?

Юз сарой, боғи жаҳон юзини бир-бир кўрсатиб,  
Қаъбаи кўйингга охир бордуройин дермусан?

Осмондин ерга ташлаб, халқ аро расво қилиб,  
Қуш каби болу паримни юлдуройин дермусан?

Шоҳбози ломакон кўнгул қушни овлабон,  
Табл уруб, долбой қоқиб ҳам қўндуройин дермусан?

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чўлғаманг,  
Ул қизил қон бирла кўйинум тўлдуройин дермусан?

Мансури Халлождек ичиб шароби антахур,  
Судратиб дор остига олиб боройин дермусан?

Бу ҳама дарду балоларники солди бошима,  
Ишқ, Машраб, дўзах ичра куйдуройин дермусан?

Ишқинг ўтига, дилбар, ҳар дам чу куяй дерман,  
Қоним билан, эй жонон, оламини бўяй дерман.

Юзинг била қошингдин ўзгага назар солсам  
Ханжар олибон қўлга кўзумни ўяй дерман.

Мужгон ўқидин дилбар қонимни тўкар бўлсанг,  
Ул шамъи жамолингга парвона бўлай дерман.

Мен дашти муҳаббатда баста бўлубон юрдум,  
Эй соқий, аёғ сунгил, тўйгунча ичай дерман.

Раҳм айласа гар дилбар ҳам очса ниқобини,  
Мен хастасиман, дўстлар, тўйгунча кўрай дерман.

Машраб сени деб дилбар кечти икки оламдин,  
Раҳм айлагил, эй жоно, биргина кўрай дерман.

Кўтарсанг пардани ногаҳ жамолинг бир кўрай дерман.  
Жамолинг партавин солсанг, ки ҳуснунгга тўяй дерман.

Қади боло, ширин сўзлук, қаро кўзлук, қалам қошлук,  
Мани ҳолимни бир сўрсанг, санга сажда қилай дерман.

Халойиқ қиблага боқиб, ки дерлар: «Раббиял аъло!»  
Намозу рўза сансан деб, юзунгга термулай дерман...

Ул дилбари раънони мен ёр тутай дерман,  
Май берса баҳам ондин бир қатра тотай дерман.

Жаннат, ҳуру филмонинг, тоқу равоқ айвонинг,  
Балки оби ҳайвонинг бир пулга сотай дерман.

Олам ҳама лайлидур тун қоши қаросидин,  
Ойдек юзига боқиб мастона кетай дерман.

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,  
Бир ўқ биле зоҳидни отиб йўқотай дерман.

Ҳу десам, аналҳақ, деб олам бориси ҳақдур,  
Лайлига бўлиб шайдо Мажнунга ўтай дерман.

Кўз ёшини сочибмен дўзах ўтина, Машраб,  
Ишқни ўтидин ташлаб дўзах қурутай дерман.

Ерни кўйида ўлғон бормукин? •  
Бир ўлуб, икки тирилгон бормукин?

Ерни васлини излаб чарх уруб,  
Термулуб йўлларда қолгон бормукин?

Қатл қилмоқга яна ким тенглашиб,  
Ёлбориб бўйинини қучгон бормукин?..

Шаҳбози лодакон — султони ишқ,  
Таба уруб дунёга қўнгон бормукин?

Неча йил Офоқ Хожам хизматиға  
Шул Хўтан даштида кезгон бормукин?

Мен каби тарсою расволар бўлуб,  
Бўйниға зуннор осгон бормукин?

Тонгла маҳшарда йиғилса жумла халқ,  
Оҳ уруб маҳшарни бузгон бормукин?

Кеча-кундуз зори бирла йиғлабон,  
Кўз ёши Жайхунча оқгон бормукин?

Дод этай Машраб Хўтанни ўртагон,  
Ул замон додиға етгон бормукин?

Дод айлаб ёрнинг кўйида юрган бормукин?  
Тун саҳарларда қўпиб рози дил айғон бормукин?

Ман ғариб ҳайрон бўлуб қолдим биёбон даштида,  
Жон чиқар ҳолатга етти ёрни суйғон бормукин?

Зарраи кўнглум ўти чиқса жаҳонни куйдуруб,  
Дарғаҳиға бош қўюб, дийдорға етгон бормукин?

Ул қиёмат даштида ҳар ким юрур ўз ҳолида  
Арз этибон ул замон арзиға етгон бормукин?

Май ичиб Машраб азалдин, маст кетти оқибат,  
Жонни бермасдин бурун жононни кўргон бормукин?

Йўқ парилар ичра, жонон, сан каби шириндаҳан,  
Кўзларинг тарҳига чунки ўхшатай тирингни ман.

Бир қадингдек сарв ҳеч бўстон ичинда ўлмади,  
Гул қачон ўхшар юзунгга гар юзунг барги суман.

Кимни кўрса оқузодур қонини дарё қилиб,  
Қайси жаллод бўлғуси қошинг каби шамширзан.

Ғунчани лаълингга ташбиҳ айласа эрмас адаб,  
Ҳадди эрмас садқаға лаъли Бадахшону Яман.

Оташи лаълинг ичидин оби ҳайвон хуш етар,  
Ҳуққаи ёқут ичинда тишларинг дурри Адан.

Сунбул ўлсун, зарра ё заъфарон, ё удким,  
Барчани абтар қилур ул сунбули анбаршикан.

Пираҳан рашки ўти жонимдадур тангри учуп  
Жисм айлаб васл, ташлаб пираҳан, эй сиймтан.

Боғи ишрат ичра сан йўқ — бир тикондур кўзга гул,  
Гар ҳаёлинг ўлмаса кўнглум эрур байтул ҳазан.

Меҳру моҳу лаъл ила гул кўрмаса ўтлуг юзунг,  
Хилвате бўлса бўлуб парвона боқсам жону тан.



Донаи холи лабинг ўтлуғ юзунгда, эй пари,  
Оташин жисмим аро кўнглум эрур мушки Хўтан.

Раҳм қил Машраб қулунга, хастадур зоринг санинг,  
Давлатинг поянда қилсун ул худои зуляминан.

Эй санами парилиқо, жилвагари жаҳонмусан?  
Оби ҳаёт — лабларинг, дилбари хуш забонмусан?

Оинаи жамолинга мунчаки интизор эдим,  
Бир куни демадинг манга: ошиқи нотавонмусан?

Ҳар киши санга бир боқар, сув бўлубон эриб оқар,  
Юзларинг олмадек ёнар, ғунчани аргувонмусан?

Уйқуға юз имо қилиб, ваъдани доимо қилиб,  
Сўнгра сиға жафо қилиб, куйдирувчи имонмусан?

Кўр, сўзларинг билан санинг хаста кўнгул фараҳ топар,  
Хуш назокат, эй пари, сан меваи бўстонмусан?

Машрабинг жон фидо қилур, кунда тавофи кўюнга,  
Сўрмадинг, эй ситамгарим, ранги сариг самонмусан?

Қонимни тўқар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,  
Тақдири азал бўлса найлай анга бермай жон.

Минг шукр худойимга Мансурга қўшулдум ман,  
Ул рўйи сняхларким Мансурни ўлдургон.

Бу ишқ йўлига киргон албатта кечар жондин  
Кечмаса агар жондин айтган сўзидур ёлгон.

Кўр ошиқи Фарҳодни Ширин учун ул ўлдн,  
Ишқ ўтида ўртаниб охир чу фано бўлгон.

Ул ошиқи Мажнун ҳам Лайлига эрур шайдо,  
Чўлларда ватан айлаб кўз ёши равон ўлгон.

Ул зори Зулайхо ҳам Юсуфга бўлуб шайдо,  
Кўрдунгму халойиқга расвои жаҳон бўлгон.

Кўр Зухрау Тоҳирни халқ ичра бўлуб машҳур  
Ташлаб бу тирикликни ишқни йўлида ўлгон.

Ишқ ўтида ўртангон ул Вомиқ ила Узро  
Маҳшар куни бўлгонда жаннатда қилур жавлон.

Кўр ошиқ ёранларни, эй Машраби девона,  
Келганда ажал жони жон бирла олиб бўлгон.

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин,  
Юроким рахналар бўлди бу ишқнинг можаросидин.

Хаёлимдур сани излаб тополмасман мани ҳайрон,  
Мабодо васлиға етсам пири комил дуосидин.

Санам, арзим эшит зинҳор юрак-бағрим кабоб ўлди,  
Рақиблар шодмон ўлди нигоримни жафосидин.

Санам, сансиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,  
Кел эй Мажнун, кечоли биз тирикликни бақосидин.

Санам, ишқинг ўти охир мани бехонумон этти,  
Куярман дам-бадам тинмай бу дарди бедавосидин.

Хароб эрмиш мани кўнглум, киши йўқтурки роз айтсам,  
Сўнгалар дод этиб йиғлар юракни оҳу восидин.

Ки маъшуқум деди: «Бир кун кўрарсан ё букун тонгла».  
Анинг учун кеча қолдим тирикликни бақосидин.

Ҳабибинг ҳурмати эрса, мени бу ўтға куйдурма,  
Қутулғайму мени кўнглум бу ишқни можаросидин?

Сенинг ишқинг била йиғлаб агар маҳшар куни чиқсам,  
Куярлар мўмину кофир бу Машрабнинг навосидин.

Даргоҳингга бир ожизи афгор келибман.  
Арзи дилими айтмак учун зор келибман.

Йўқдур менинг илгимда сенга тухфай лойиқ,  
Жуз зилли гуноҳ, эл ичида хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалигимдин,  
Расвои жаҳон, кўчау бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,  
Жон нақди билан сенга харидор келибман.

Љутф бирла карам айлаю дардимга даво қил,  
Дармон тилабон соҳиби озор келибман.

Зор тавалло қиладур Машраби мискин,  
Оч парданиким толиби дийдор келибман

Мажнун ила кездим неча йил дашту биёбон,  
Лайлини сўроғлаб юрудум бесару сомон.

Бу арзи дилимни эшитиб раҳм эта кўргил,  
Васлингни тилаб кимки менингдек сенга ҳайрон.

Юз жоним агар бўлса сенинг йўлингга эҳсон,  
Хуштур бу гадолиғ, на қилай тахти Сулаймон.

Маст айлагали бу мени бечора ғарибни,  
Бир ғамза қилиб ўтти қошимдин мени жонон.

Хуснинг сифатини ўқубон пири муғоялар,  
Девона бўлуб белни букуб бўлдилар урён.

Ишқинг ўтида бу юрагим ўртанадур, оҳ,  
Охир юрагим бўлгуси ишқ ўтида бирён.

Ҳажринг ғамидин бошвма юз жавру жафодур,  
Васлингга етай деб сени ошиқ кўзи гарён.

Раҳм айлагилу маҳрами асрор эта кўргил,  
Сен ҳарна десанг мен қилайин, банде — бафармон.

Бечора қулинг сенга деюр арзи дилин,  
Бергил талаби банданги, ой холиқи янсон.

Соқийш азалдин майи антаҳур ичибман,  
Бас онинг учундир менга бу нашъаи даврон.

Эй дилбари жонон, сени деб хаста бу Машраб,  
Тушти они бошига букун меҳнати ҳижрон.

Руҳи покини букуи сӯи само қилғучиман,  
Ул ғазаблик подшоҳға ошно қилғучиман.

Оташи ишқ олдида жонинг олурдин гам ема,  
Талх жонингни таниннга нораво қилғучиман.

Ман ўзум ғассол ўлуб ювсам керак жисмингни пок,  
Нури имонинг била қабринг зиё қилғучиман.

Гўр ичи пурсандалар сўрса саволи бандалик,  
«Раббим — оллоҳ»ни тилиннга жо-бажо қилғучиман.

Ул қиёмат шиддатидин зарра ҳам сан қўрқмагин,  
Номаи мақсудни илкиннга жо қилғучиман.

Ул сирот остида дўзах деб паришон ўлмағил,  
Пистани пўчоғига дўзахни жо қилғучиман.

Ул тарозу палласиға солса аъмолинг сани,  
Зарраи оҳум била журмунгни ло қилғучиман.

Уқбаи руҳи жинонда муттақи гул бўлмаса,  
Етти минг йиллик сирот қаддин дуто қилғучиман.

Ҳашт дари жаннат юзунга во қилур бу Машрабинг,  
Ҳамнишини чорёри Мустафо қилғучиман.



Руҳу жоним аршга етти мен ўзум осмониман,  
Тутти оламини шарорим, оташи сўзониман. .

Ҳеч макону манзилим маълум эмасдур дуняда,  
Мен қуюндек ёрни кўйида саргардониман.

Доимо роҳат тилаб меҳнат яқомдин ушлади,  
Онадин бахти қаро келдим, они ҳайрониман.

Қайси танни ишқи йўқ бўлса, они имони йўқ,  
Ҳар кишини дарди гар бўлса онч қурбониман.

Аҳли дардларга қилай зоҳир бу пинҳон дардни,  
Беҳабарларга ва лекин Нуҳни тўфониман.

Ҳеч киши билмас мени қайдин бу ерга келганим,  
Асли зотимни сўрасанг, мен ўзум Хўқониман.

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,  
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман...

Ҳам мазаллат хокиға Машраб бошин қўйди букун,  
Тонгла маҳшар бўлса мен ишқ аҳлини султониман.

Бул мусофир шахрида ҳар дам туташиб ёнаман,  
Ҳар қаён борсам бу кун йўлдан адошиб бораман.

На отам бор, на онам бор — ҳеч кишим йўқдур меки,  
Ҳар таги деворларга зору саргардонаман.

Не гуноҳ қилдим, худо, дунёда мен бўлдум ғариб?  
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар қўйди юракка бу фалакни гардиши,  
Қисматим андоғ экан, мен жумладин бегонаман.

Бул яқонни чок этиб фарёду афгон айлабон,  
Барчани бағри бутуну мен дили садпорамаман.

Энди, Машраб, қул экансан, қисматинг булдур сени,  
Шукрилиллаҳ, ҳар ера мен толиби дурдонаман.

Жилва қилурсан минг ноз бирлан,  
Фарёд ғтарман овоз бирлан.

Зулмингдин ўлдум, золим сифатлиғ,  
Раҳм айламайсан эъзоз бирлан.

Көфир қилиқлик кўнглимчи олди,  
Жон қуши учди парвоз бирлан.

Гулдек эгилиб кирсанг эшнқдин,  
Девона қилдинг минг ноз бирлан.

Машраб ғарибинг куйди ғамингдин,  
Нола қилибдур қиш, ёз бирлан.

Йигласам вақти дуо бўлғаймукин?  
Кўз ёшим дардга даво бўлғаймукин?

Бодаи ишқу муҳаббатдин ичиб,  
Шавкати дунё жудо бўлғаймукин?

Йиғламоқдин манга имкон қолмади,  
Ердин манга нидо бўлғаймукин?

Қайси бир дардимни айтай, дўстлар,  
Улмайин дарди адо бўлғаймукин?

Ер куйдурди, мани ҳолим — хароб,  
Арз этарга дод это бўлғаймукин?..

Эй гул баданим, гул юзингга банда бўлойин,  
Қурбони шакар лаблари пурханда бўлойин.

Рухсори гулингдин сен агар пардани очсанг,  
Кўнглум очилиб булбули ноланда бўлойин.

Мастона кўзинг ногаҳ агар ёдима тушса,  
Ҳу-ҳу қушидек кечалар гўянда бўлойин.

Куйдурди мени бир боқшинг, дилбари раъно,  
Ҳайрат била мен ошиқи шарманда бўлойин.

Пардангни олиб мен сари гар биргина боқсанг,  
Ул дам мени мотамзада дар ханда бўлойин.

Бул Машраби бечорага ҳаргиз назар этсанг,  
Мен бандаи ул наргиси пурханда бўлойин.

Такаллум айласанг гоҳи лаби шаккарфишонингдин,  
Тасаддуқ бўлса жоним гаҳ бошингдин, гаҳ оёгингдин.

Борурсан кеча-кундуз ою кундөк ҳар тараф ёлғиз,  
Топиб бўлмас сени бу ерда сокин ўз маконингдин.

Хиромон йўлга помолинг бўсун шамшод ила тўби,  
Аёғинг ўпсуну ўргулсун ул сарви равонингдин.

Бирор йўл илтифотингни томоша айлаган ошиқ,  
Қиёмат тонги отса бош кўтармас остонингдин.

Кўзунг жон олғали қотил, сўзунг жон бергали мойил,  
Масиҳо сенму оё, жон насими келди ёнингдин.

Эгилмас то қиёмат нўш қилғон бодаи лаълинг,  
Шимиб ичса тили бирла ийиб шаккар забонингдин.

Тилар Машраб бу кун гулғунча таъбингни очуқ кўрса,  
Тамошо айлай-айлай ўтса саҳни гулситонингдин.

Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлиқ билан,  
Охир умрум ўтти, сад афсус, нодонлиқ билан.

Бир гули шодим очилмай бахт гулистони аро,  
Ҳайф, умрум оқибат ўтти паришонлиқ билан.

Баски илми ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,  
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлиқ билан.

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,  
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлиқ билан.

Рост сўз айтсанг аларға зарра қилмаслар қабул,  
Куфр айттинг, деб урурлар неча озорлиқ билан.

Машрабинг ҳар бир сўзидир гавҳари қимматбаҳо.  
Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлиқ билан.

Жунун даштига тушқон беқарор девоналардинман  
Шуон шамъ деб юрган ўшал парвоналардинман.

Чу билмасман ўзумни масти бехудлуғ менга кўпдир,  
Ки тарк этган бу дунёни ўшал озодалардинман.

Тушуб ўт жонима ҳар дам ўшал рухсори гулгундин  
Дамодам тинмайин келган ўшал ҳамёзалардинман.

Деди девонаи Машраб неча қизлар аро сенга,  
Ки «оллоҳу» дебон юрган ўшал ояворлардинман.



Ишқ саргардонидурман, йўқ менга сабру сукум  
Толeim бўлди мени рўзи азалдин вожгун.

Бир бузуқ аввора кўнглумға тополмам марҳаме,  
Тоza синган шишани қайтиб қилиб бўлмас бутун.

Дилдаги нақдимни мен йўлунгга барбод айладим,  
Не машаққатларни торттим ул гули раъно учун.

Дўстлар ҳолимға йиғлар, душманим кўрса кулар,  
Дард — кўб, ҳамдард — йўқ, душман — кўб, толей — забун.

Юз жафо бошимға орттурди, вафони кўрмадим,  
Охири бори маломат қоматимни қилди «нун».

Кеча-кундуз тинмайин кўб изтироб айлар эдим,  
Роҳатим дилдин камайди, меҳнатим бўлди фузун.

Ғам кўзум телмуртуруб қўйди биёбон даштига,  
Кўзда ёшим қилди саҳроларни рангин лолагун.

Йўлни кўрганлар ҳама дунёни таркин қилдилар,  
Кўб, сенам тарк айлагил, эй Машраби соҳибжунун.

Кўзум йўлларда қолди, келмади дилдор, найларман?  
Бўлубман мунтазир, кўргузмади дийдор, найларман?

Ул ойнинг итлари қилса садо, жоним умид айлар,  
Қаро бахтим эмастур уйқудин бедор, найларман?

Сану беҳушлар базми беҳимматлиғлар асбоби,  
Мани мискин санинг олдингда бемяқдор найларман?

Самовоти фалакка раъди оҳимни равон қилсам,  
Ҳароратдин кул ўлса гумбази даввор, найларман?

Бу кеча келмаса, тонгла тирик юрмак не имкондур,  
Манга мотам тутуб йиғлар дару девор, найларман?

Намози шомдин то субҳ йўлунгга мен боқиб қолдим,  
Тўла ҳасрат бўлуб турдум, дили афгор найларман?

Алам бир рангу ҳасрат ўзга, доғи ҳажр бир бошқа,  
Бу Машраб бир сари танҳо ғами бисёр, найларман?

Машраб Умам омади мастона бипарво.  
Шамъи анжуман омади майхона бипарво.

Жон сар ба даст омад, пири майфуруш омад,  
Хумхона ба жўш омад, хумхона бипарво.

Захми шоҳиду соқи, соғару маи боқи,  
Турк чехра қалмоқи жонона бипарво.

Бадмасти муҳаббаткеш, султон равиши дарвеш,  
Бегонаи ё жонхеш бегона бипарво.

Оташи муғон омад ҳам чангу фиғон омад,  
Дилҳо ба фиғон омад як Машраб бипарво.

#### Мазмуни:

Машраб Умам келибсан, бизга мастона боққил. Йиғиннинг шамъи бўлиб келдинг, майхонага бурил.

Ҳамма жонини май баҳоси қилиб қўлига олиб келди. Майфуруш кекса ҳам келди: хумхонага жўш кирди, хумхонага бурил.

Бағри эзилганларни излайман. Унинг йўлида жонни тикиш учун майхонага бурил.

Шам, ёр, соқий, қадаҳ ва туганмас май ҳамда гўзал юзли қалмоқ қизи бор жойга келгин.

Эй ишқда маст бўлган султон каби ўзини бадавлат билздиган

дарвеш! Бегона бўлсанг ҳам, қон-қариндош бўлсанг ҳам бегоналар  
гамини егин!

Оташпарастлар олови келди, чанг ва қўшиқ ҳам келди: юрак-  
лар фиғон торта бошлади. Эй Машраб, буёққа қараб қўй!

Эй сабо, мандин дегил сарви равонимға дуо,  
Гулшани васлиға борсанг, меҳрибонимға дуо.

Қоматим нундек бўлубдур доғи ҳижрони била,  
Куйдуруб аъзони борин, дилситонимға дуо.

Ғунчадек лабдин такаллум айлабон жон олғучи,  
Сўзлари дурру гуҳар ширин забонимға дуо.

Нақди жони хирмани ашк ўлса ул тож айлагон  
Мен ҳазин юз шукр этиб ул роздонимға дуо.

Қору борим доимо ғамларга Машраб муттасил,  
Мушкул ишларни очар давлатнишонимға дуо.

Эй фалак, қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо,  
Булбули шўрида янглиғ гулситонимдин жудо.

Найлайин, қилдинг мени охир ғарибу нотавон,  
Мубталон ғам қилиб кўксумда жонимдин жудо.

Қумри янглиғ бандалик тавқини бўйнулға солиб,  
Термулуб ҳайрон эдим сарви равонимдин жудо.

Оҳ уруб қон йиғласам айб айламанг, эй дўстлар,  
Мен бўлубман, тўтии ширин забонимдин жудо.

Кўҳ ба кўҳ, саҳро ба саҳро, Машрабо, юрмоқ надур,  
Чугзи бевайронадурман ошенимдин жудо.

Ғамза қилиб қошимға кел, жоним қилай санга фидо,  
Куйди юрак чакки-чаки, оҳ, нетайин, бўлдум адо.

Дод этарман, эй санам, бўлса қиёмат ул кунн,  
Ҳаммага марҳамат қилиб, манга бу дарди бедаво...

Улди бу Мажнун хароб Лайли ғамида билмади,  
Тўлди юракка ҳасрати, куйдию бўлди мубтачо.

Боди хазони бемаҳал умрига етти, найлайин.  
Тавба қилиб ўлмадим санга худои кибриё.

Зоҳид баҳра олмоғон иззату ҳурматин тилар,  
Тоати хушк зоҳидингга мунча қилурсан иддао?

Машраби беқарори ишқ топти пирдин сўроғлашиб,  
Қўйди бошин бўсоғага силкинда тушди босафо.

Зиҳи расволиғим оламға солди шўру шар танҳо.  
Наҳанги Нуҳ фалак дарёси бўлди, алҳазар, танҳо.

Биҳишт айвонида тоқу равоқин орзу қилмай.  
Нигорим бирла ман бир пираҳанда, халқи бар — танҳо.

Олурға дину дунёнинг матоин орзу қилмай,  
Қаландарман, жаҳонни сайр этиб қилдим сафар талҳо.

Бори Руму Хито божу хирожин орзу қилмай,  
Чу Симурғики парвоз айлагай беболу пар танҳо.

Шаҳи рўйи замини тахту тожин орзу қилмай,  
Гадон фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо.

Дили тиғи ситамдин пора бўлгон халқни кўрдум,  
Жунун тугёнидин ҳар бирисидур дарбадар танҳо.

Назар то қутби олам қилмагунча бегумон билгил  
Нечук олғай жавоҳир баҳридин соҳиб назар танҳо.

Бало дашти агарчи пурхатардур, ёнмағил зинҳор,  
Қадам бу водиға қўйғил (басони) шери нар танҳо.

Муҳаббатдин насими субҳи содиқ бўйи гул истар,  
Қани бу булбули шўридадин оҳи саҳар таяҳо?



Сани то кўргуча, эй нозаник, тангрига топшурдум,  
Мани мундоғ мусофир айлади даври қамар танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасидин суҳбати маъшуқ,  
Бу йўлга ғайри бирла киргали бўлмас, магар танҳо.

Юрур Мажнун биёбонда ки айтур оҳу вовайло,  
Бу ишқ бандиға тушгөнлар қачонким айтишур Лайло.

Эшиткач тира дўзах ваҳминдин кўнглум қачон қўрқар,  
Чиқса өшиқ оғзидин бир ўт дўзах бўлғуси расво.

Ки дўзах йиғлаб айтур, ол бу қулни ушбу кун, ёраб,  
Ки бизда қолмади тоқат бу ошиқ ўтидин асло.

Ки эй дилбар, бу ҳолатда берай жоним олар бўлсанг  
Ғазаб бирла бошим чулғаб қўлумни дам-бадам боғло.

Кел, эй Машраб, умид этгил, худойинг ло язол эрмиш,  
Ипоят бўлса ҳақдинким борурсан ёр ила танҳо.

Саҳар сўзумга чирмашдим, ки то қилсам рақам имло,  
Ики бошим билан бир сажда қилдим, чуи қалам имло.

Бошим бирла йўлимдин айланиб дам-дам сужуд эттим,  
Қаро юз баҳрамандурлар қалам айлар санам имло.

Сужуди қошларинг ишқинда маъбудлар бино қилдим,  
Гоҳ иншон калисо айладим, гоҳ ҳарам имло.

Сужуди ишқ бар ҳашри ҳусн эъжод этиб дардим,  
Ҳақиқат тоғидин олтин қўюб қилдим днрам имло.

Қуёшлардин сочиқ барги хазон сепдим оёғимга,  
Биҳишти ҳусни ҳурларнинг қилиб фавжу ҳашам имло.

Шароби маърифат дурдини Маҳдий илгидин ичдим,  
Ки ғайри ошнолиғ номасин қилмас Умам имло.

Ошиқ бараҳман ўлса саам хонаси лиқо,  
Маъшуқ шамъ ўйнаса парвонаси лиқо.

Бир дона хол отам ёзини одам айлади,  
Исёни сочида дўст юзи хонаси лиқо.

Доғ оташи рух ўртади бағрим нечук тутай,  
Наргиси майду оташа паймонаси лиқо.

Найлаб хумор қўзларидин масти ноз ўлай,  
Боқмиш юзига, дилбари жононаси лиқо.

Занжирлари сочиб санамим зулфунни ўруб  
Бўйинумни боғларам сафи девонаси лиқо.

Ул шўхи париваш била гар бода ичайно,  
Сархуш бўлубон шишаи соғарни чекайно.

Маҳв ўлди бу кўнгулки анингдек баҳам ўлмаз,  
Солғил назаринг менгаки, қурбонинг ўлайно.

Олуда бўлуб бош-оёғим жўши гуноҳдин,  
Раҳм айлаки, ваҳ ғазабингдан титирайно.

Помоли чаман сабза сифат бўлди вужудим,  
Ташрифи қудуми қадаминг фотиҳ этайно.

Машраб, турушинг мисли насимдур бу жаҳонда,  
Бир дамда келиб сайр қилиб, зуд кетайно.

**Хуш қолинг, ман эмди кеттим, эй ёронлар, алвидо!  
Тушуб шоми ғариблик дилда армонлар, алвидо!**

**Бўлмағайди қошки аввалда бул айёми васл,  
Доғи ҳижрон ўртади, эй нуктадонлар, алвидо!**

**Бўлди аёми баҳору сабз бўлди ер юзи,  
Бўлди пайдо лоладек доғи ниҳонлар, алвидо!**

**Гар фалак куйдурса мундоғ неча кунлар айланиб,  
Бул жаҳонда қолмағай ному нишонлар, алвидо!**

**Нури дийдам қуввати жоним дилимсиз, ё пирим,  
Йигламоқдин кўзларимдин оқти қонлар, алвидо!**

**Ҳарна бўлса Машраби бечорадин айланг биҳил,  
Хуш каломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!**

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён.  
Бўлуб бесабуру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Нечук айлай, биродарлар, ани бирла бўлуб ҳайрон.  
Ки ғам бошқа, алам бошқа кўрунги, бу ниҳон ўртар.

Мени бехонумон тинмай куюб ёндим фироқингда,  
Отинг тутсам «нигоро» дебки завқидин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сени васфинг баён айлай,  
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларни ниҳон ўртар.

На қаттиғ кун экан, жоно, висолингдин жудо бўлмоқ,  
Мени оҳим тутунига замину осмон ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,  
Ғаминг бошқа, алам бошқа, юрокимни фиғон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошиға солма,  
Агар маҳшарда оҳ урсам биҳишти жовидон ўртар.

Ҳар кишини дарди бўлса, дидасидин нам келур,  
Кимки мунда шодлиғ истар, орқасидин ғам келур.

Сийнадин дафтарни очсам, етти дўзах очилур,  
Нолишимдин қўрқаман: мажлисга номаҳрам келур.

Одамнинг асли бирдур, бир-биридин фарқи бор.  
Неча қарн ўтгондин сўнг дунёга бир одам келур.

Пиғламоқ осон эмас, рўзи жигарбандим эшит,  
Мулки дил садпора бўлғоч дидасидин нам келур.

Олимлар илмига мағрур, жоҳиллар исёнга ғарқ,  
Кас на билсун рўзи маҳшар кимни тоши кам келур?

Ҳар бошинг аршга етушса, сан ўзунгдин кетмагил,  
Ҳар дарахтнинг меваси кўп бўлса: боши ҳам келур...



**Магман аргувон чалиб дилбари хушнаво келур.  
Лаззати ишқни тотиб, зикри сано ҳудо келур.**

**Асли муҳаббат истасанг, кулли сивони тапилагил,  
Фақр либосини кийиб, дарбадари гадо келур.**

**Ушбу жудолиғ дардини кимга этай, эй дўстларим,  
Йиғламасам, бу ҳолима дардима ким даво келур?**

**Оҳима маҳшаринг куяр, ҳам яна дўзахинг куяр,  
Андиш ўтуб бу оҳима арш устида саро келур.**

**Эй бандаи пургуноҳ турғил саҳарда, йиғлагил,  
Кўз ёшингни ҳурматидин, ҳар кунда минг наво келур.**

**Машраби Маҳди Адҳами хушлади фақр аҳлини,  
Бандаи умум, Умам Сиддиқи дил сафо келур.**

То хилъати зоҳир кийибон зеби танимдур,  
Расво бўлбон кўйи маломат ватанимдур.

Ёвуқ эрур андешаи хуршиди жамолинг,  
Жон гулшанига лолау сарву суманимдур.

Ханжар мижалар кўйига то тушди гузорим,  
Сарпо бақадам захми жафо пираҳанимдур.

Боғи Эраму саҳни гулистони керакмас,  
Кўксумда мени доғи муҳаббат чаманимдур.

То бисмили шамшири жафо айлади бешим,  
Машраб, шарари кўйи маломат кафалимдур.

Зебо санамим ўзини зебо ясатибдур,  
Қонимни тўкарга бу қизил тўнни кийибдур.

Билмам яна ул офати жон қайси қўноғда,  
Қим бирла чоғир ичти юзини қизотибдур.

Шаҳло кўзини жоду демак айни хатодур,  
Тангрим ани ўз мулкида ғавго яратибдур.

Сочиға чекар лолау, сочбоғи ажойиб,  
Көкиллари белга тушуб аъло ярашибдур.

Туфроғим уза лола унар вақтида Машраб,  
Куйдурмоқ учун бағрима доғинг тутошибдур.

Қошинг меҳроби, эй дилбар, менингким қиблагоҳимдур,  
Юзунг меҳри кўнгулни равшан этмакликка моҳимдур.

Ибодатни қиёми пойгоҳинг — хонаи Каъбам  
Изинг ул остони олий узра такагоҳимдур.

Ики олам хаёлотни менга қотил эрур жоно,  
Сипоҳин тортиб отланса менга ёдинг паноҳимдур.

Бу кўнгул майл қилса ғайрни ёдини қилмоққа,  
Ғаминг фурқат ўтида ҳарна қилма ўз гуноҳимдур.

Вале кўнглум қабул этмас сенингдек ўзгани дилбар,  
Сочингни ҳалқаси ул зулмидин оромгоҳимдур.

Қаро кўрган фалакда абр эрмас ёқғани ёмғир.  
Мени ҳолимга йиғлаб ул, қароси дуди оҳимдур.

Эмасдур устухон бирла отинг остида судралғон,  
Ғаминг ранжи била ўлган менинг жисми табоҳимдур.

Жафоу жавр ила зулминг манга бедодлар қилди,  
Карашма кўрса қатл айлар, демас бу додхоҳимдур.

Гуноҳим ғайрдин эрмас, кўзумдин, ихтиёримдин,  
Мени бу ўтга солган ихтиёрим ҳам нигоҳимдур.

**Мени ўлдурса — тиргузса санам лутфу ситам бирла,  
Ангадур ихтиёрим, ҳарна қилса подшоҳимдур.**

**Кеча-кундуз бу Машрабни хаёли остон бўлса,  
Висолинг давлатин топмоққа итлар садди роҳимдур.**

Ажаб Мажнундуман, ҳар дашту ҳар саҳроға сигмамдур.  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёға сигмамдур.

Шариат ҳам, тариқат ҳам ҳақиқат мандадур мавжуд,  
Чунон султони азмдурман арши аълоға сигмамдур.

Халил осо бу йўлда оташи Намрудду меърожим,  
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дарёға сигмамдур.

Ризо мулкидаман ҳалқумни тутдум тиғи Акбарға,  
Бу йўлда сийнаи поки забехуллоға сигмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим ман Каъбан зоҳир,  
Тариқат ҳожисидурманки Байтуллоға сигмамдур.

Ғаҳи бўлса фақирман, гаҳ шаҳман, гаҳ гадодурман,  
Ажаб девонаман, фардоки маҳшаргоҳға, сигмамдур.

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,  
Жунун бозорида мастманки истиғноға сигмамдур.

Ғаҳи ўрус, гаҳи черкас, гаҳи мўминдуман, гоҳи  
Не кавлайсан, миёни лоу иллоллоға сигмамдур.

Мудом мискиндуман, лекин ғуломи Машрабингдурман,  
Мани бечора бу дунё билан уқбоға сигмамдур.

Қурбон бўлайин кўзунгга кифрик қоқишимдур,  
Ҳайрони юзунг бўлай ки ҳайрат боқишимдур.

Мифтоҳи ҳолуллоҳ била очтим эшикингни.  
Ҳурлар била жаннатга бормоқ — келишимдур.

Анвори тажалли била сут ичти ғизолим,  
Уч ойда ҳамал, ёзида сунбул-илишимдур.

Машраб, бу сўзунг ҳар бири минг маъни баёни,  
Бедард кишилар билмаса бағрим тилишимдур.

**Сани ишқингда, эй дилбар, юроким қип-қизил қондур,  
Муҳаббат ўтида ҳар дам қуюб кўнглум паришондур.**

**Қачон чиққай сани дардинг юрокимдин, нетай, мэн зор,  
Агар шул дард билан ўлсам, ичимда тўла армондур.**

**На бўлғай раҳм этиб сўрсанг, мани кўнгул шикастани,  
Ҳамиша ошиқи мискин сани ишқингда ҳайрондур...**

**Ки сўзлар баъзи одамлар: бу дардингга даво йўқму?  
Ман айтурман жавоб анга: бу дарди манга дармондур...**

**Кел эй Машраб, бу ошиқлик ишин душвордур билсанг,  
Иноят бўлса пирлардин бу ошиқ иши осондур.**



Бир жунуне бор менга юз маҳшаристонни бузар,  
Ул ҳадис оят сўзи мункири «Қуръон»ни бузар.

Неча юз минг ғулу дад ишқ лангари бўлғайму деб,  
Барқи мастон хез-хези хайли осмонни бузар.

Куйдирур ошиқни оҳи дўзаҳу ҳафт иқлимнинг.  
Бу ҳумодур ахгари ҳам курси, осмонни бузар.

Ёрдин юз минг саломи, ҳам паём бўлғайму деб,  
Лашкари файзи саҳар васвоси шайтонни бузар.

Машрабо, сен иқтидолик бандаларға улфат ўл,  
Сенга ҳамроҳ бўлмаса, албатта имонни бузар.

Жони ҳоил бўлмаса, васл излаган жондин кечар,  
Ким юзию кўзи ўтлуғ, хори мужгондин кечар.

Ошиқи содиқ қиё боқмас парилар ҳуснига,  
Тарк этиб жанноту ризвон ҳуру филмоидин кечар.

Ичмайин кавсар суйини оғзини айлар чучук,  
Зухд эли май тобидин гулдек очилгондин кечар.

Кимки топса жовидон юз ишқ ила айлар назар,  
Ким хазондек гул юзин совруб соқондин кечар.

Жонибидин ўзга ҳайрат бўлмағай, эй Машрабо,  
Кимки майни бир тотиб гулдек очилгондин кечар.

Ишқ чун ҳар дилға тушса аввало, жон ўртанур.  
Оҳи Мажнундин ҳама кўҳу биёбон ўртанур.

Осаф ибни Бурхиёдек олиҳиммат бўлмағай  
Тахти Билқисни кетиргунча Сулаймон ўртанур.

Кўҳларни саргарон айлар етушгон сўнгра ишқ,  
Бўйнига зуннор тоқгон Шайх Санъон ўртанур.

Ноумидлик куфр эрур, Машраб, умид этмоқ керак,  
Ким умидин узди ҳақдин, жону имон ўртанур.

**Ишқингда мени волаю ҳайрон яратибдур.  
Тарсобачани ғорати имон яратибдур.**

**Бу дашту биёбонда ўларман, нетай, охир.  
Лутф айлагучиким мени уммон яратибдур.**

**Жонимни олур бўлсанг, ол, эй дилбари раъно,  
Биз ғамзадаларни сенга қурбон яратибдур.**

**Тақдири қалам бошима етти, нетайин, ох,  
Ҳажринг ғамида бесару сомон яратибдур.**

**Арзимни сенга айтайин, эй шоҳи жаҳоним,  
Бизларни гадо, ким сени султон яратибдур?**

**Ғам лашкари ичра мени ҳайрону харобу.  
Лаб ташна ю дилхаста-ю сарсон яратибдур.**

**Мастана сифат ишва била нозу карашма,  
Парвона сифат шамъига сўзон яратибдур**

**Девонаю Мажнун не қилур, йўқдур иложи,  
Аз рўзи азал бағрини бирён яратибдур.**

**Девонаи Машраб не демиш эрса ёронлар,  
Айб айламангизлар, они нодон яратубдур.**

Парда кўтариб ул шўх, ҳар лаҳза итоб айлар,  
Ноzi билан ул дилбар ошиққа азоб айлар.

Куйдирди мани ишқи, кўнглумда анинг завқи,  
Ҳижрон ўтиға дилбар бағримни кабоб айлар.

Ғоҳ ғамза билан чиқса, ишваси билан боқса,  
Зулфи занжирин ҳар дам бўйнуmға таноб айлар.

Ҳушимни тамом олди, ишқ оташи куйдурди,  
Соқчй кадаҳин сунмай махмури шароб айлар.

Қад сарву юзи — гулзор, Машрабни қилиб афгор,  
Ҳар жавру жафо айлар, шул хонахароб айлар.

Чиқсам кўчаларга шоҳсуворим келаду,  
Гул гунчасидек лола узорим келаду.

Ҳар ёнга боқиб кирпик ўқин халқга отиб,  
Жонимга ўтни ёқиб нигорим келаду.

Гулгунлигидин ишқ майин элга сунубон,  
Ўз мастлигидан кўзи хуморим келаду.

Жонимга етиб ҳар соридин рашк қиличи,  
Гўёки манга янги баҳорим келаду.

Садбарг гул каби қон илкида дилбарни,  
Ким дафъи хуморимга туморим келаду.

Бегонаю ошноси йўқ барчага ул тенг,  
Мужгон ўқини ҳар ён оторим келаду.

Утлар сочарлар тақи зор била,  
Ез ёмғиридек оҳ ила зорим келаду.

Келмай неча кун қайда қарор этти эканким,  
Қўнглумдин олиб сабру қарорим келаду.

Улмайму бу дарди била, эй ёру ёромлар,  
Жоним уйига ўтни ёқорим келаду.

Ҳам зоҳиду фотиқ ўзина сажда қилурга,  
Ҳар лаҳзада минг динни бузорим келадур.

Кундуз кечаси ҳеч маҳал келган эмас ул,  
Бул турфа кўрунг, лайлу наҳорим келадур.

Гул барги каби ғам била сарғайди бу Машраб,  
Не ғам манга эмди ғамгусорим келадур.

Гулгун май ичиб лела узорим келадур,  
Ҳарён сузулиб кўзи хуморим келадур.

Тишлаб лабини, ўқларини менга отибон,  
Чоғлаб юрагимни дилфигорим келадур.

Зулфини тараб бошдан-оёғ зевар этибдур.  
Сунбул ила гул боғу баҳорим келадур.

Илқида қилич, тийру садоқини олиб ҳам  
Чобмай букун жоним озорим келадур.

Бул Машраби бечорани зор айлади-кетди,  
Ишқ ўтига жонимни қийнорим келадур.



Дилбар юзини кўргали келибдур.  
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Юз жоним агар бўлса, тасаддуқ анга айлай,  
Рафтори билан кўзлари мастона келибдур.

Девонаи шўрида, бу жонингни фидо қил,  
Кокиллариким белина чулғона келибдур.

Зарроти жаҳон ичра куюб ташналаб эрдим,  
Жонона била соҳиби паймона келибдур.

Жонингни фидо айлагил, эй хастаи Машраб  
Лаблари шакар, тишлари дурдона келибдур.

Шаҳду шакардин ортуқ, ороми жоним келдилар.  
Кўнгул уйини кўргали, руҳи равоним келдилар.

Кетиб эди ақлу ҳушум, билибтур зору нолишим,  
Йўқтур алардек ҳеч кишим, ширин забоним келдилар.

Соқий манга сунди қадаҳ, махмур эдим ман ишқида,  
Шаҳри вужудим шаҳрина шоҳи жаҳоним келдилар.

Доим мудом ҳайрон эдим, ишқида саргардон эдим,  
Ман Машраби гирён эдим, бир ёри жоним келдилар.

На ҳожат ҳажжи акбар Қошғар узра мазорим бор,  
Зиёи чашмима хоки даридин сурмазорим бор.

Миҷам жоруб этиб кўз косасила сув сепай, дерман,  
Биҳишти адн ёнглиғ саз этмак ихтиёрим бор.

Манга қисмат азалдиндур емак дарду бало кутин,  
На ишрат гулшанида зулм элидин ғамгусорим бор.

Ити ичкан ялогиди манга ҳам тўма бергай деб,  
Тилаб кавсар шароби зуҳд эли янглиғ хуморим бор.

Мани кўрса қочадур шайхулислом Аҳраман янглиғ,  
Нечун, бўйнулга зулфи тори чирмашган туморим бор.

Азалдин мен дили ғамгин халойиқ ҳайлини севдим,  
Шаҳид қонини сибқармиш шаҳаншоҳлардин орим бор.

Таним таронғидур ҳар ёнда юз минг сояи ар-ар,  
Кўзунгдин оҳуе, ғам тоғи узра сарвзорим бор.

Мани Машрабни бўйнини итинг занжирига боғлаб,  
Эрур давлат аёғ остида судратсанг на орим бор.

Қайси парини сан каби дилбари гулъузори бор?  
Қайси чаманни гул уза тири мужгонча хори бор?

Утти жаҳондин яхшилар, тобмадим ман гадо сани,  
Сан каби, эй жаҳон гули, ишқ элини нигори бор.

Гар тиласанг ғам илкидин кетти бу жисм туфроғи  
Сурма қилурга тиргузур офати жон хумори бор.

Учти назар қуши юзунг қозди кўнгулда чоҳлар  
Оҳуи ишқни ажаб лолау чашмасори бор.

Машрабингни кўзлари хотами ишқ айлади  
Маҳзун кўнглидин ани итлари айтса, нори бор.

Мани бу арзи ҳолимга ўшал пайки сабо йиғлар,  
Саҳарлар нола айлаб келган ул шоҳу гадо йиғлар.

Ушандоғ тожу тахтини бериб нурунаи анвоъ  
Сулаймон ҳамдамимга Осаф ибни Бурхиё йиғлар.

Ушал нозик баданни ҳар киши олса хаёлига,  
Мураххас айлабон бағри куюб ҳар бенаво йиғлар.

Агар маҳшар кун «Во ҳасрато!» деб сийна чок этсам,  
Шафоат аяламасдин илгари ул Мустафо йиғлар.

Тушуб омуза даштига сусаб дарди фироқингда  
Бўлуб бесабру бетоқат бу Машраб бенаво йиғлар.

Зоҳид, мени айб этма, гул юз била доғ ўртар.  
Парвонани кўрдингму, ҳар кеча чароғ ўртар.

Наргис кўзи бир дамда оламини қатл айлар,  
Лаъли лаби майгуни доғ устида доғ ўртар.

Зоҳид каби бўлгонлар, ишқ ўтиға куйгонлар,  
Ўт олдиға боргонлар бир дамда йироғ ўртар.

Дилхаста бу Машрабни ҳар кечаю ҳар кундуз,  
Гоҳ бизни фироқ ўртар, гоҳ бизни йироғ ўртар.

Оҳи дилимга, зоҳидо, масжиду минбаринг куяр,  
Қочмасанг эмди, зоҳидо, тасбеҳу дафтаринг куяр,

Боз рукуъу саждада ғайрати шуҳратим келиб,  
(Мобаруварни) кўзила Жабранло, паринг куяр.

Жаннат ичида гул юзинг бўлмаса оҳ тортаман,  
Тўби куюб, фано бўлуб, чашмаи кавсаринг куяр.

Бодан лаъл изласам, ёр муяссар айламас,  
Бир нафасимни тафтига ояти озаринг куяр.

Машраби зору нотавон кўйида лоф урмагил,  
Боадаб ўл бу йўл аро бошдин аёғларинг куяр.

Бўюнгни, эй пари, монандаи сарви расо, дерлар,  
Малоҳатлиқ юзунгни офтоби ваззуҳо, дерлар.

Тамоми халқни бир ғамза бирлан банда айлабсан,  
Сенинг дастингдин ошиқлар ҳама «Во ҳасрато!» дерлар.

Бу нозу ишва бирла ҳар замон уйдин қулуб чиқсанг,  
Киши ўргулмаса сендин, ани юзи қаро, дерлар.

Агар кифрик ўқи бирлан бу қонимни тўкар бўлсанг,  
Магар ишқ йўлида ўлсам, шаҳиди Карбало, дерлар.

Сочинг тоби била, жоно, кел эмди сен мени ўлдур,  
Худо қози бўлуб сўрса мени, ким додхо, дерлар.

Бу сўзни йиғлаб айди кеча-қундуз Машраби мискин,  
Бу оламда мени юз минг балоға мубтало, дерлар.



Сени Лайли раънодек ажойиб дилрабо, дерлар,  
Мени Мажнуни шайдодек кўйингда бир гадо, дерлар.

Кеча-кундуз эшигингда фиғону нолалар қилсам,  
Ки ҳарчанди наво қилсам, ҳанузам бенаво, дерлар.

Юруб сўрдум табиблардин: «Бу дардимга даво борму?»  
Табиб айтурки: «Эй нодон, бу дардни бедаво, дерлар!»

Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан Фарҳод?  
Алар ўтди бу оламдин, бу олам бевафо, дерлар.

Иткни хоки пойиники Машраб кўзига суртти,  
Нидо келдики оламдин кўзига тўтиё, дерлар.

Сетор деманг, ҳоли дилим сўргучи танбур,  
Кўнглум гиреҳин, ғамларини ёзғучи танбур.

Бир неча рақиблар сўзидан ғамзада бўлсам,  
Ҳамдард бўлуб оғушима киргучи танбур.

Кўтоҳназар халқ муни қадрини билмас,  
Даргоҳи азалдин хабаре бергучи танбур.

Гар ёр жамолини кўруб пардаға солсам,  
Нагмаси они сийнахарош этгучи танбур

Ҳам ёр жамолидек они нашъаси бордур,  
Ҳайрат ўтидин маҳви санам қилғучи танбур.

Ошиқ юрагини чиқиб ўттек келибон ул,  
Бир учқунига жумлани куйдургучи танбур.

Машрабни тамом ақлин олиб ул бути хунрез,  
Жонимни ёқиб сийнахарош этгучи танбур.

Латофат бѳги ичра қоматинг сарви хиромондур,  
Кўнгул қумриси тинмай доимо дар шўру афғондур.

Кўзунг жаллоддур, қошинг ҳилолу кипригинг — ханжар,  
Лабинг лаълу даҳонинг — гунчаи садбарги хандондур.

Сен, эй зоҳид, менинг дарди дилимни ҳеч билмассен,  
Юрокимга назар қилсанг, тамоми захми пайкондир.

Биҳишт ичра қадам қўймам йўқ эрса ваъдаи васлинг,  
Ки сенсиз менга бу жаннат мисоли нори сўзондур.

Ки сенсиз найлайин ушбу жаҳонни, эй вафодорим,  
Азоби қабр ҳижрон дардидин албатта осондур.

Ўмиди кўп эди ранжур қилди ишқ Машрабни.  
Агар мақсадга етмай ўлса, вовайло, не армондур.

Золи дунё устина бир турки заррок ўлтурур,  
Тарки дунёдин уруб дам завқи тарёк ўлтурур.

Қиблаю меҳробни ишқи кулли хотирдия чиқиб,  
Чун зару сийм иштиёқи мум ила лок ўлтурур.

Боги найранги баҳорон шўри тўфон бирла хуш,  
Ханда этган гулларини шаш жиҳат хок ўлтурур.

Ишқ аро тушқон гириҳлар базми торожи жаҳон,  
Зоҳиди худбинни охир фашу мисвок ўлтурур.

Булҳавасни мағзи йўқдур, пўстдур безътибор,  
Маънипарвар одамини ишқу идрок ўлтурур.

Дайр фаҳмлар хонақоҳни ошиқи пўсидалар,  
Чун савоби вирду аврод базми дардноқ ўлтурур.

Хатту холу оразидур мушкилоти масъала,  
Қийлу қоли беҳудаға неча кўпроқ ўлтурур.

Дайр бўстонида, Машраб, зарра йўқтур фонда,  
Ошён эт аришу курси, анда бебок ўлтурур.

Агар ҳар қайда бўлсанг сан, мани кўнглум жудо бўлмас,  
Агар юз йил умр кўрсам сани дардинг адо бўлмас.

Бориб айтинг ўшал ёрга, неча йиллар юруб сарсон,  
Дуо айтинг ўшал ёрга, жудолиғдек бало бўлмас.

Халойиқларки айтурлар: «Бу дардингга даво йўқму?»  
Ўзидин ўзга, эй дўстлар, манга ҳеч муддао бўлмас.

Манам Машраб кеча-кундуз фироқ ўтига йиғларман,  
Ки маъшуқ юзини кўрмак бу дунёда раво бўлмас.

Малаксан ё башар ё ҳуру филмонсан, билиб бўлмас,  
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўҳи ситамгарсан,  
Чароғи ҳусни рўйингдин кўнгулни ҳам узуб бўлмас.

Юзунгни офтобини кўриб ҳайрон бўлуб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб шамси анварни олиб бўлмас,

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,  
Бу гулни ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел эй Машраб, агар ошиқ бўлубсен бўлмагил ғофил,  
Бу ғафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

Менинг рози дили зорим фаровондур, битиб бўлмас,  
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас.  
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.

Хаданги тийри мужгонинг мени сийнамга жо бўлди,  
Кўнгул захмин очиб бедардларга кўрсатиб бўлмас.

Узоғ эрмиш ўшал зебо санамни қасри, эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг, бу манзилга етиб бўлмас.

Чун қўлим бирла аёғим боғламоқ ҳожат эмас,  
Ман ўлумга розиман чун тургали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама  
Баски, одам қони тўкмак санга ҳам тоат эмас.

Умр чун боди ҳаводис, ғофил одам билмади,  
Ок кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас,

Лашкари хунрез бўлса сабру ором қайда бор?!  
Мажнуни девоналарнинг шоҳига роҳат эмас.

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,  
Хўб иш бўлди сенга жон берганинг офат эмас.



Етмаса боди сабо ғунчаға, хандон ўлмас,  
Ишқдин төпмай асар кабк сухандон ўлмас.

Гул юзин кўрмагунча гулшан ичинда булбул,  
Айланиб ҳаргиз ўшал ерда хуш илҳон ўлмас.

Ишқ иши юзини сориг айлади, мен — зор,  
Жонни куйдурмаса, ошиқ юраги қон ўлмас.

Кўзи — оташ, юзи — маҳваш, сўзи дилкаш, назар —  
Тушмагунча қаро тош лаъли Бадахшон ўлмас.

Икки зулфи ичинда гул юзи тобон ўлди,  
Васли шамъи ўлмаса ҳижрон тун тобон ўлмас.

Йиғлаб дедим: «Менга фурқат тун ой юзинг оч!»  
Ул деди: «Меҳр ёғин бўлмаса, рахшон ўлмас».

Дема, васлим хушу ҳажрим аламиндин дема сўз,  
Ошиқ улдур асари тан, хабари жон ўлмас!

Анга айтдим: «Нетайин куйдуруб ўлдурди дард,  
Бу нечук дардки, анга ҳаргиз дармон ўлмас!»

Машрабо, гар сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,  
Ғам ема, лаъл неча порадур арзон ўлмас.

Ишқ мазҳабиға тақвию тоат чидаёлмас,  
Тасбиҳу сано зуҳду ибодат чидаёлмас.

Ким кўрса агар дилбари раънони баякбор,  
Бетоқат ўлуб, айшу фароғат чидаёлмас.

Фарёду фиғонлар қиладурман кеча-кундуз,  
Ҳайратдан агар салоту қомат чидаёлмас.

Адҳам сифат кирса киши фақр йўлиға,  
Осойиш ила хайру саховат чидаёлмас.

Арбоби муҳаббат битибон келса санамға,  
Ақли кетару сабру қаноат чидаёлмас.

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал моҳлиқони,  
Зуҳду вараъу кашфу каромат чидаёлмас.

Девона қилур ишқи санам васли чу Мажнун,  
Номусу ҳаё айбу қабоҳат чидаёлмас.

Дил жоми муҳаббат майидин журъа ичбдур,  
Шоҳона ҳашам, иззату ҳурмат чидаёлмас.

Бу ишқ элини зикру саносиға, аё шоҳ,  
Бешубҳа билинг, дасти иродат чидаёлмас.

Машраб келибон кўнгул ила хайру сахо қил,  
Ишқ мазҳабида оби таҳорат чидаёлмас.

Хуршид юзунг шуъласиға жон чидаё 'маҳ,  
Ксфир кўзишги зулмиға имон чидаёлмас,

Лайли лабини таърифини шарҳ қилурга,  
Ҳам лавҳи қалам, котиби девон чидаёлмас.

Ул нозанин ар ноз ила жилвагар ўлса,  
Кўз солса анга оқилу нодон чидаёлмас.

Бул ҳол била ул шўхи паризод гузар этса,  
Ҳуру парию одаму ризвон чидаёлмас.

Мен ютқан аламларни агар заррас ютса,  
Дорои жаҳон хисрави даврон чидаёлмас.

Уммонга агар қатраи ашким дури ёғса,  
Маллоҳ аҳлида донан маржоч чидаёлмас

Ул ишқи санам дардига Ҳайдар чидаёлмас,  
Қақнус куяру балки самандар чидаёлмас.

Маъшуқ юзидин берса агар зарра зиёе  
Тоғлар куяру мўе паямбар чидаёлмас.

Бир жилва қилиб чиқса агар олам ороси  
Девона бўлуб мўмину кофар чидаёлмас

Ошиқ элини наъраи фарёдин эшитиб,  
Масжид куяру вонзу минбар чидаёлмас.

Ишқ ҳайратидин кирса чаман ичра гар ошиқ,  
Ҳолини кўруб сарву санубар чидаёлмас.

Машраб магар ишқи санам васфани этсам,  
На Макка, Хўтан, сунбулу анбар чидаёлмас.

Шарҳ айласам, ишқ дафтарини жон чидаёлмас,  
Ҳам жону жаҳон, одаму ҳайвон чидаёлмас.

Авроди муҳаббат ўқубон масжида кирсам,  
Масжид куяру тоқи фарозон чидаёлмас.

Майхона кириб васли санамдин хабар олсам,  
Зоҳид куяру оқилу нодон чидаёлмас.

Чун барқ урубон чиқса ўшал кўҳга Мажнун,  
Дўзах куяру жаннату ризвон чидаёлмас.

Ишқ оятидин гар ўқусам сура баякбор,  
Бешубҳа билинг, ояти қуръон чидаёлмас.

Гар наъра уруб тавсани ҳиммат мина колсам,  
Девона бўлуб шўриши афгон чидаёлмас.

Машраб, сен агар даъви ишқи санам эттинг,  
Биллоҳки, анга жисминг ила жон чидаёлмас.

Дардим ўтиға ёру биродар чидаёлмас,  
Дард аҳли қочар ҳазрати довар чидаёлмас.

Дардимдин агар зарра асар қилса фалакка,  
Утлар чақилур чархи мудаввар чидаёлмас.

Сўз гавҳарини фош агар қилсам ўшанда,  
Даллол баҳо айлару муштар чидаёлмас.

Сирри дилим изҳор агар бўлса малакка,  
Ул моҳ била шамси мунаввар чидаёлмас.

Ул рўз хабар берса, макотибни қўлумға,  
Очиб ўқусам мажмаи маҳшар чидаёлмас.

Дардимни агар солса тарозун амалға,  
Они кўрубон мўмину кофар чидаёлмас.

Воиз бўлубон ваъз десам масжид элиға,  
Ваъзим эшитиб, масжиду минбар чидаёлмас.

Ашъори лазиз ила жавоб айтди бу Машраб,  
Они ўқубон кўрса, Музаффар чидаёлмас.

Найлайн, дилдордин бегона бўлдум оқибат,  
Юз гаму ҳасрат билан ҳамхона бўлдум оқибат.

Бу жудолиғ ҳасратидин тоқат этмай бир замон,  
Ҳажр жомидин ичиб мастона бўлдум оқибат.

Неча йил кўйида юрдум, етмадим васлиға ҳеч,  
Ҳажр хамридин ичиб девона бўлдум оқибат.

Ёрни васлиға етгайманму деб шому саҳар,  
Ўртаниб ҳажр ўтиға парвона бўлдум оқибат.

Ҳаддин ошди бу мени расволиғим олам аро,  
Халқи олам ичра кўб афсона бўлдум оқибат.

Хонаи айшу нишотини ҳама барбод этиб,  
Чўғздек дар кунжи ҳар вайрона бўлдум оқибат.

Хонақо-ю Каъбадин, Машраб, мурода етмадим,  
Май ичибон сокини бутҳона бўлдум оқибат.

Қилди бу чархи фалак расвои даврон оқибат,  
Бору йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат.

Гуссаю ғамдин қутулмайдур ғариб бошим мени,  
Кимни ҳамдардим, дедим, қилди паришон оқибат.

Охири, билмам, қаерга элтадур бул мотамим,  
Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат.

Сарви озодларни қаддин чархи гардун қилди ҳам,  
Шерларни корини марг этти сомон оқибат.

Уртанурман оташи дижронига мисли сипанд,  
Менга келганда қуруб қолди гулистон оқибат.

Тарки суҳбат айладим ҳамроҳи ноқобил билан,  
Роҳи ободини тутдум, бўлди вайрон оқибат.

Кимга дард айтайки мунда меҳрибоним бўлмаса,  
Ўртаса оламни кори бопушаймон оқибат.

Хона-хона ҳасратим мулки дилимда жўш урар,  
Қилмадим арш устига бир вақти жавлон оқибат.

Жон чиқар вақтига етти-ю узилди тори умр,  
Бир сўраб келса на бўлғай номусулмон оқибат.

Васлинг етмакка ошиқни иложи йўқ учун,  
Дард бўлди охири Машрабга дармон оқибат.



Эй сабо, борсанг дуо давлатли султонимга айт,  
Мен учун ғамбода дил бўлгон паришонимга айт.

Бир чучук сўзни гадоси мен жаҳонда бекасам,  
Қайғулуқ кўнглумни олгон яхши меҳмонимга айт.

Моҳтоб эрдим жаҳондин баҳра олмай бораман,  
Тийра бахтимдин бориб хуршиди тобонимга айт.

Чугздек вайрона топмай бош уруб мен ҳар тараф,  
Дасту пойини йитурган хонавайронимга айт.

Сели меҳнат охири қилди бу жисмимни хароб,  
Менки ўлган сўнг бу мотамни гўристонимга айт.

Дафтар оч бехонумонлиғдин ўшал маҳбубга,  
Лайлини доғини Мажнуни биёбонимга айт.

Дилни мендин узди, қандоқ дилни обод айлади,  
Ҳам амирим, ҳам вазирим, пайкари жонимга айт.

Ғам тарозусига тушган бора вазминмен букун,  
Шояд ул дардимга етгай, моҳи давронимга айт.

Эй насими мунисим, жоним, азизим, ҳамдамим,  
Мустаҳиқлардин дуою Шоҳи мардонимга айт.

Хошумонимни они йўлида торож айладим,  
Арзи ихлосу дуо мендин у султонимга айт.

Нангу номусдин кечиб кирдим маломат йўлига,  
Ҳам кўзимни оқи, ҳамда шамъи нуронимга айт.

Рост келмайдур улуг дардимни изҳор айласам,  
Жон фидо қилдим они йўлида, жононимга айт.

Машрабо, умрумни охир қилди бу чархи фалак,  
Ул сухансанжи, суханфаҳми сухандонимга айт.

Не савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмазму?  
Ки банд эттинг аёғларни, яна бандлар ёзилмазму?

Паёми васл эшитиб мен юрарман шаҳрдин ылаҳра,  
Саги даргоҳ бўлгонлар бу саглардин қутулмазму?

Сари зулфига банд бўлгон жаҳон даври тасалсулдур,  
Ки асбоби жаҳон торин: бирисидин зулмазму?

Ки ишқ дарёсига банд солмағинг бисёр мушкулдур,  
Ки тоқи рўйи олам садди роҳ этсанг сурулмазму?

Тавофи эламин дил қил жаҳонда ҳар башардин сен  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмазму?

Жунунни қўзғат, эй Машраб, булар маҳкуми таҳқиқдир,  
Ки таҳқиқ сирридин фаҳм этки, зулфидек тугулмазму?

Тирикликда жудо бўлгон киши ёричи кўргайму?  
Фироқи ҳасратида сарғайиб ё кўрмай ўлғайму?

Куюб бирён, бўлуб ҳайрон, висолингни тилаб топмай,  
Баҳор айёмида булбул киби гулга қўшулғайму?

Нечук бедодлиг иш бўлдиким, сендин жудо бўлдум,  
Оқарғон кўзларимға давлати дийдор бўлғайму?

Мен айтурман кўнгил узғил, бу кўнг тум кўнгул узмайцур,  
Кўнгул айтурки: «Эй нодон, кўнгул узсам узулғайму?»

Кел эй соқий, қадаҳ сунғил, бўлайин масти мустаграқ  
Иноят бўлмаса сендин тўкулган коса тўлғайму?

Сени ишқингда, эй дилбар, ки менда қолмади тоқат,  
Яна ишқингда оҳ урсам, гузори ёр бўлғайму?

Азалдин ошно бўлмоқ ба тақдири, худо, Машраб,  
Бу ҳижрон илгини, эй дўстлар, жоним қутулғайму?

Намангон шаҳридин кетсам, мени йўқлар кишим борму?  
Гариблик шаҳрида юрсам, мени йўқлар кишим борму?

Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,  
Кўзумдин оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?

Муҳаббат шарбатин ичтим, қазондек қайнабон тоштим,  
Бу фоний дунядин кечтим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузи ишқдин ғавго,  
Узига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Турарга тоқатим йўқдур, юрарга ҳолатим йўқтур,  
Юракда ишқ ўти чўхдур, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,  
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини сўрмайдур,  
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

Мени жонимни куйдурмоқ учун оромижон гулрух,  
Дилимини гуссадин куйдурди ул номехрибон гулрух.

Кўнгул доғи очилди, тўбин бахтим самар берди,  
Ҳидоят гулшанида андалиби бўстон гулрух.

Қадалса кўксума тири бало пайкони мужгонинг,  
Мени жонимға жон бердики, ул офатижон гулрух.

Менингдек неча саргардон бор йўлида ўлтурган,  
Қилиб Мажнунни мотам шаҳриға бехонумон гулрух.

Камон абурулариға жон қуши сайд ўлди, найларман,  
Менга, ул шўх чашми фитнаи охир замон гулрух.

Муяссар бўлди менга аввалу охир ҳақиқатдин,  
Қадам қўйди кўнгулни кулбасига меҳмон гулрух.

Тамошо қилғудек фурсат керак тоқат қилиб турса,  
Юзин очиб такаллум айлади ширин забон гулрух.

Аламли Машраб эрдим, ул парини дардидин куйдум,  
Мени охир дамимда қилди беному нишон гулрух,

Сани ишқингда, эй дилбар, жаҳонда ҳеч адо борму?  
Етибдур ҳалқума жоним, санингдек пуржафо борму?

Санам ишқинг, мани охир, бу умримни хазон этти,  
Юрак пора, кўзи ёшлуқ, манингдек бенаво борму?

Агар маҳшар кун и чиқсам, сани ишқингда «ҳу» айлаб,  
Қиёмат қозиси бўлсанг, санингдек додхоҳ борму?

Ҳама ошиқларинг ичра эрурман гавҳари якто,  
Манингдек остонингда ки ўлғон ҳеч гадо борму?

Утубдур Лайлию Мажнун, эшит олдингда бу қиссам,  
Куюб ҳажринг билан ўлғон манингдек оҳу во борму?

Утуб Фарҳод ила Мажнун кўролмайд қолди ишқида,  
Фироқингда адо бўлғон манингдек мосуво борму?

Тамоми ошиқу зоҳид ҳама мақсудиға етти,  
Висолингга етолмоғон манингдек бенаво борму?

Зулайхою Юсуф ҳам ўтти дунёдин фиғон айлаб,  
Қўшуб бир-бирига они санингдек дилрабо борму?

Мани мунча фироқингда адо қилди азим Жаббор,  
Муродига етолмоғон манингдек рўсиёҳ борму?

Дедим девоналик бирлан бу сўзни билмайин, дилбар,  
Хатоларни кечиргучи санингдек подшоҳ борму?

Кел эй Машраб, хато қилдинг, ёниб даргоҳига борғил,  
Ёриб боқсанг юрокимни манингдек ҳеч адо борму?

Тасаддугинг бўлойин, эй пари, жамолинг оч,  
Заволи жон тиласанг ҳусни безаволинг оч.

Зилол чашмасидин Хизр топди умри тавил,  
Менга бақолиғ учун чашмаи зилолинг оч.

Қадду юзингни қилиб орзу кўнгул қондур,  
Бу қонни ичмак учун сарви навниҳолинг оч.

Икки зулфинг ила қадинг мисоли «жон» дерлар,  
Ки «жим», «алиф» ила «нун», юзунгда холинг оч.

Ҳилоли ийдки бир йил ичинда икки тугар,  
Бир ой бошида туғулган икки ҳилолинг оч.

Кўнгул арзини, эй жон, суроҳи май дерлар,  
Менинг муфарриҳима лаъли бемисолинг оч.

Келурму ўтрусида ҳажри шои бошига  
Қилурда фаҳм буқун Машрабингга холинг оч.



Мани оввора бўлгонга фироқ ўти даво эрмиш,  
Куюб ишқинг билан ўлмак бу ошуққа раво эрмиш.

Боқубон сўз қотиб ўтсанг мени саргаштага дилбар,  
На айлай жаннату ҳурни, менга шул муддао эрмиш,

Аё олам аро юрган, жаҳонни ўтда куйдурган,  
Тараҳҳум айлабон кўргил камина бенаво эрмиш.

Етибдур ҳалқума жоним печукким сабр этай мен зор.  
Ғариб жоним олур бўлсанг, нигоро, марҳабо эрмиш.

Сени дарди фироқингдин юроким таҳ-батаҳ кондир,  
Кўзум ёшлиқ, дилим ғамлиқ, чу рангим қаҳрабо эрмиш.

Бу оламдин мени мундоғ гирифтори бало қилдинг,  
Қиёмат қозиси бўлсанг ғаму ҳасрат гувоҳ эрмиш.

Тамоми олами зоҳид қўлига тухфасин ояса,  
Куюб ҳайрон бўлиб ошиқ ниёзи оҳу воҳ эрмиш.

Намозу тақвисин зоҳид қилур олам аро манҳур,  
Угуруб субҳасин тинмай иши доим риё эрмиш.

На айши жаннату ризвои, на парвои чаман булбул —  
Кезиб олам аро йиглаб сўроғи дилрабо эрмиш.

Агар маҳшар куни Машраб кўнгулни соф эгай десанг,  
Тасаддуқ айлагил жонингни усру подшо эрмиш.

Бир боқшингга жумлаи жонон тасаддуқ,  
Шахло кўзунгга оқилу девона тасаддуқ.

Бурқаъни агар очсаю дилбар менга боқса,  
Машғал юзига мен каби парвона тасаддуқ.

Соқий бўлубон сунса қадаҳ ноз ила ҳардам,  
Ул ғамзасига соғару паймона тасаддуқ.

Лаъли лабидин журъаи майни тилаб олдим,  
Дур тишларига гавҳари дурдона тасаддуқ

Юсуф сифат ул жилва қилиб келса қошимга,  
Мен ўргулайин Каъбаю бутхона тасаддуқ.

Жонингни агар бер, деса ул дилбари раъно,  
Жоним берайин йўлида мардона тасаддуқ.

Мижгон ўқиға қилса бу жонимни нишона  
Ҳайрон бўлайин йўлида ҳамхона тасаддуқ.

Гулгун кийибон чиқса ўшал дилбари раъно,  
Мажнун бўлубон ўргулайин ёна тасаддуқ.

Ваъда қилибон айди: «Жамолимни кўрарсан,  
Ваҳдат майидин ички, бу паймона тасаддуқ».

Машраб сари зулфинг тараса, рашки келодур,  
Зулфинг торидин боди сабо шона тасаддуқ.

Ғаму дардинг рафиқ айлаб мудом оқ урганим беҳроқ,  
Надоматда тўқуб ёш, васлинг излаб юрганим беҳроқ.

Жаҳон майдонида юрган, муҳаббат ўтиға куйган,  
Суяр қуллар изини ман кўзумга сурганим беҳроқ.

Ушал Мажнуни ҳайрондек юрак-бағрим оқиб кўздин,  
Санамни ҳажрида саҳроу чўлни кезганим беҳроқ.

Муяссар бўлмаса жаннат ичинда давлати дийдор,  
Биҳишттин кечибон дўзах ичинда куйганим беҳроқ.

Хазон бўлмай гулистонлар баҳори умр, эй Машраб,  
Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилганим беҳроқ.

Ломаконни шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,  
Анбиёу авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ...

Жилвасини кўрсатиб зоҳирда элга ранг-баранг,  
Ору номусдин кечиб оламга ғавғо қилди ишқ.


Ёши етмишга етиб соттурди ўзни Боязид  
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ?

Шайх Шиблий, Шайх Аттору аналҳақ суҳбатин,  
Қирди ичти бодани Мансурни дордо қилди ишқ.

Куфр айтти, деб Насимий терисини сўйдилар,  
Гўшту пўстини сўзлатиб оламга гўё қилди ишқ,

Шайх Санъондин бўлуб тўрт юз мурид сәҳибкамол,  
Қўрди тарсозодани хукбону тарсо қилди ишқ.

Билдию эшитти Машрабни қарори йўқ экан,  
Зоҳирин гўё қилиб, ботинни бино қилди ишқ.



МУЛАММАЪЛАР

**Дилбари хуш адои ман мунча сучук бўлурмусан?  
Омади дар канори ман бир даме ўлтурурмусан?**

**Пеши камон абрўят хаста кўнгул нишонадур,  
Сийнаи худ кушодаам ғамза ўқин отурмусан?**

**Фасли баҳори гул аро ёр ила чоғир ичиб,  
Ёри ҳарифи хешро лаҳза қучуб ётурмусан?**

**Аз сари ту чу кокулат ўргулубон, чўргулубон  
Заррае арз агар кунам ҳоли дилим сўрурмусан?**

**Куштани ман муроди ту ноз қиличини тортибон,  
Омада боши бар сарам қаҳр ила қайтарурмусан?**

**Оташи зулм хуш агар, қил манга раҳм, эй санам,  
Бандан зархаридро мунчаки куйдурурмусан?**

**Ишди нигоре тарк кун, Машраб ани бақоси йўқ,  
Ним назаре намекунад мунчаки телмурурмусан?**

Мендин саломе ба сўйи жонон  
Эй бод, еткур арзи ғарибон.

Ҳам дардмандам, бехонумонам  
Же ло, ту буди дардимга дармон.

Ҳарчанд моҳи ҳаж қурбон келодур.  
Ҳардам қилурман жонимни қурбон

Эй дўст, ту рафти, то дида рўят  
Елғуз қолубман дар шаҳри хирмон.

Аз дурни ту намонда сабрам.  
Эмди кетарман тахти Сулаймон.

Бечора Машраб куйди ғамингдин,  
Монанди зулфат ҳолим паришон.

Қалмоқбачаро дидаму гуфтам: Бачаки ноёби!<sup>1</sup>  
Гуфто бачаи ножи шаржин-шаржин ба ноёби,  
Ман ножи эконин билиб эрдим, бачи ножи,  
Бир кўк дарахи ичра ножи шарҳи ноёби,  
Дар ханда бўлуб гуфт, ки дар жое биёби!

Сўрдумки, отинг на, деюр, бигуфт: Офоқ.  
Яъни аном қиргизу, атом — қалмоқ.  
Тангрим санга берди кўз этма йироқ.  
Ножи бўлай, дедим, ўзингни этма йироқ,  
Бизиги бир-ла ёпди юзини бир наёби.

Гуфтам, ки диҳи бўса, бигуфто: Бўлай ножи,  
Гуфтамки, бўлай, садқа, бигуфта: Кўр ножи,  
Гар қошлариға деса рақиб қўл узотай-чи.  
Гуфтамки, бўлай садқа, бигуфта: Гар нойжи.  
Дар гирья бўлуб оҳу фиғоним сур нойжи.

Шул кечаву кундуз туттум ўшал Офоқни,  
Ҳақдин тиладим ёвуқ қилса йироқни,  
Эрта била кўрди манга шуғроқни,  
Мандин пешада бу булоқни, бу налоқни,  
Гуфтам, дедим: Ҳай-ҳай, ножи эди ноёби.

---

<sup>1</sup> Мазкур муламмаъ ўзбекча, тожикча ва қалмоқча сўзлардан иборат.



Икки юзини қизилдур себи Самарқанд,  
Гуфто: бидиҳам бўсайе Машраби дилбанд,  
Гуфтамки: қуни ноз била жавру жафо чанд?  
Девонадуман зор юзунга бенаво тоби.



МУСТА ЗОДЛАР

Ногоҳ кўрубон кўчада ул сарви хиромон  
Қош қоқти-ю кетти,  
Қош учида имо қилибон жайбаси ларзон  
«Юргин» деди кетди.  
Ул шўх пари, кўзлари офат, сўзи оташ,  
Ҳай-ҳай не жавоҳир,  
Бир шева қилиб этти мени ўзига ҳайрон,  
Ҳушим бори кетти  
Ул зулфи паришон солибон чиқса баякбор,  
Мен шукр этарман.  
Юз марта бу жонимни қилай мен анга қурбон,  
Ут ёқтию кетти.  
Ҳам жилва билан борур эди уйига ул шўх,  
Бағримни қилиб қон,  
Минг мартаба таъзим ила ул сарви хиромон,  
Жон олди-ю кетти.  
Машрабни бу дунёда хароб этган ўзингсан,  
Эй кўзлари шахло,  
Айди сўзини ёйди бу дунёда фаровон,  
Жондин гузар этти.

Бу хаста вужудимни мени ўртади буткул,  
Ул зулфи паришон,  
Ул гул юзини ишқида мен — волаю булбул,  
Ул — ғунчам хандон.  
Бир раҳм қилиб сўрмади ҳолимни нечук деб,  
Ул орази гулгун,  
Юз ваъда қилиб бирга вафо қилмади бир йўл,  
Ул ваъдаси ёлгон.  
Парвона бўлиб ишқ ўтида куйса бу жоним  
Қўб мунча аламдин,  
Ўтларни ёқиб келса мени хонама бир кун,  
Ул оташи жавлон.  
Ишқинг ўтиға куйди, не қилсинки бу жисмим,  
Йўқ сабру қарорим.  
Овозан ҳуснунгки солиб олама ғулғул,  
Эл барчаси ҳайрон.  
Сенсиз не қилай ушбу жаҳон, куйди бу жоним,  
Сен менга маҳваш,  
Айтур аламин қияса қабул ул моҳи тобон.  
Жоним анга қурбон  
Бир неча маҳаллар орубон рози дил айтдим  
Девонан Машраб,  
Бераҳм экан, келмади бир дам қошим узра  
Ул золими даврон.

Кўрдум яна бир моҳлиқо офати жоне,  
Гулдек лаби хандон,  
Бир ишва била олди кўнгул шўҳи замоне.  
Бесару сомон.  
Гар кўрсам ўшал жавру жафопешани бир йўл.  
Дўстлар, аламиндин.  
Изҳор қилиб айтайинну неча забоне?  
Ойдек юзи тобон.  
Ўлдум ситаму жавру жафонгдин мени ноком,  
Раҳм айла бу ҳола.  
Бир лутф қилиб ҳолима боқсанг-чи ниҳоне,  
Қолмас менда армон.  
Сен шоҳга мен — хаста бўлуб зор югурубман,  
Васлингни топай деб.  
Бир муфлиси бечора гамингдин ногироне,  
Ҳар кўчада ҳайрон.  
Ишқинг алами кўнглума ўтлар ёқа қолди,  
Валлоҳ, нетарман,  
Йўқдур аламу кулфату фарёдими сони,  
Ҳам нолаю афгон  
Савдон сари зулфингга девона бўлурман  
Тоқат қила олмай,  
Ҳайрон бўлубон, оҳ урубон, нола қилурман,  
Дар дашту биёбон.  
Топмай юрагим дардига дармон югурубон,  
Жоним бера қолдим,

Сен лутф қилиб бергил ўшал дардга давони,  
Эй дилбари хубон.  
Ранжурлигим ҳаддин ошиб кетти, даво қил,  
Васлингги майинди,  
Ҳар лаҳза мени жонима зулм этма аёне,  
Бўлди юрагим қон.  
Ошуфта бўлуб зор юруб ғамзада Машраб.  
Дар кўйи маломат  
Савдои сари кўча-ю бозор ёмоне,  
Аввора бўлубман.

Кўрдимки букун паривашу дилбағу раъно,  
Иўл узра шитобон.  
Хуш суврату хуш хильату хуш рафтори эсбо,  
Чун кабки хиромон.  
Пур ишва-ю пур гамза-ю сиймин зақандур,  
Даҳр ичра пур ошуб,  
Ҳам офати жон, жумлаи маҳвашлара якто  
Сарфитнаи даврон.  
Ҳай-ҳай, не бало офати жонимдур париваш,  
Бедоду ситамгар,  
Бир боқишига қилди мени бесару поким,  
Ул сарви хиромон.  
Шамшод қаду жилвагару жомаси гулгун  
Заррина кулоҳи,  
Кокил била гисуларидур анбари соро,  
Ойдек юзи тобон,  
Ширин сухану писта даҳан, рухлари чун гул,  
Қошлари ҳилоли  
Лаъли шакару тишлари дур, кўзлари шаҳло,  
Чун ҳусни фаровон  
Ногоҳ бу сифат бирла ўшал шўҳи балони,  
Кўргач мени бедил.  
Бўлдум анга вобастаю ҳам волау шайдо,  
Ошуфтаи ҳижрон,  
Айдим: «Санам», қўй кафи пойинг кўзум узра!»  
Аччиққланиб айтур:

«Бўлмасму фиғор ул варақи лолаи ҳумро  
Санчилса муғилон»  
То бўлди кўнгул ҳалқан зулфиға гирифтор,  
Ул шўҳи балони,  
Хунобан ҳасрат бўлуб эрди менга, маъво —  
Ғамхонаи ҳижрон.  
Жоно, тутарам ганжинани меҳринги пинҳон,  
Вайрон кўнгул ичра  
Ореки, хуш ул ганжки вайронада бўлса  
Эл кўзида пинҳон.  
Деди кулубон: «Келгилу ўпғил оёғимни!»  
Эй Машраби маҳжур,  
Чуст ўлғилу ўпғил аёғин гар ваъдасиға  
Бўлмаса пушаймон.



Айтай сенга дарду аламин, олими доно,  
Фикр айла ўзунго,  
Оҳим эшитиб мен сариға бир боқа кўргил,  
Эй дилбари якто.  
Оламда менингдек сенга ҳайрон бўлан йўқтур,  
Англаг муни, дўстлар  
Девоналигимни кўра-кўра бути раъно,  
Мен Мажнуни шайдо.  
Ошиқлик иши душвор экан ўлмак ишидин,  
Ҳайрона бўлубман.  
Гул ишқида қонлар томадур ушбу кўзумдин,  
Мен булбули шайдо.  
Бошимға агар минг бало келса сен учун  
Сендин кечарим йўқ,  
Қайдин кечайин, кўнглума меҳрим сенга кўпдур,  
Мен ошиқи расво.  
Девона бўлуб ишқ ўтиға куйса, ажаб йўқ,  
Қилмаки маломат.  
Машраб ўзини этти фидо ёр учунким,  
Дил, жон сенга гўё.

Ишқингда санинг куйдumu ўчтум хабаринг йўқ,  
Эй дилбари айёр,  
Қонларни ютуб заққум ичиб бир назаринг йўқ,  
Эй золими хунхор.  
Аввалда на деб кўнглум аро ваъдани бердинг,  
Кўб золим экансан  
Зори қиламан кечаю кундуз хабаринг йўқ,  
Ҳар кимга жазо бор.  
Сансиз агар минг йил юрсам бу жаҳонда  
Бир кунча кўрунмас,  
Кўрсат кўрайин ушбу жамолинг қарорим йўқ  
Мен санга гирифтор.  
Машрабнинг агар кўзларидин қонлари оқса  
Шукронаси кўбтур.

. . . . .<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қўлёзмада шеърнинг охириги мисраси йўқ.

Эй маҳваши гулчеҳран симинсоқ, нигорим,  
Қўнглум санго шайдо,  
Жабру ситаминг кўбтурур хоссаи айёр  
Ошиққа ҳувайдо.

Нуқра бадану лола руху зулфи сумансо  
Сарви сиҳи қомат,  
Султону салотини жаҳон бориға яқсон  
Сап хубу дилоро.

Бу гардиши дун буқаламун нилуфари ранг  
Ғаддору ситамгар,  
Юз турли жафо қилса анго зоре низора  
Саргашта нигунсо.

Бул учқун агар тушса юрогимдин баногоҳ  
Олам борин ўртар,  
Лек ишқинг бирла кўнглумнинг қарори йўқ,  
Жисмимга на парво.

Ҳажрингда куюб кул қилибон жону кўнгулни  
Бечора бу Машраб,  
Бир йўла хаёлингга яна сўзу гудозим,  
Ким дилбари раъно.

Сенсан мулуку салтанатинг олама тўлғон,  
Ким барчадин аъло.  
Бу жону кўнгул ишқинг аро волаю ҳайрон,  
Эй орази зебо.  
Кўзумға қадам қўйғил агар кулбама келсанг,  
Эй шўх пари пайкар  
Мен босған изинг туфроғини сурма қилурман,  
Мисли гули раъно.  
Мен ўлдиму ишқингда жафоларни чекиб кўб,  
Эй шўхи жаҳоним,  
Дилбар сени юзингни кўрай деб юрагим кон.  
Мен ошиқи шайдо.  
Асрори жаҳон сенсен, ўзга ким билур эрмиш,  
Сен барчани шоҳи,  
Ҳар кимки билурман деса, ул барчаси ёлғон,  
Ул бўлғуси расво.  
Дунёни тепиб, ишқингда девона келибмач,  
Гурбатзада Машраб,  
Танбур олибон қўлға қилур нолаю афғон,  
Ҳажр ўтиға лайло.

Ҳар дам мени қўйдургучи ул ишванамодур,  
Мавзун қади шамшод,  
Сиймин зақану лола руху моҳ лиқодур,  
Чун ҳури паризод.  
Лаъли лаби агёрға жонбахш ва лекин  
Бахтимни кўрунгким,  
Ҳар лаҳзада минг мартаба жонимни олодур,  
Минг оҳ ила фарёд.  
Ҳижрон черики қилди хусумат сенга, эй жон,  
Бўлгил анга воқиф,  
Оҳим — ўқу хам қаддим ани отғали ёдур,  
Бўл анга дарафтод.  
Ҳар қайси саро узра хиром этти шитобон,  
Чун учти кўзимдин.  
Оре, кишини ёри пари бўлса учодур,  
Суръат била чун боқ.  
Қилди мани шу пари пайкар волау ҳайрон  
Дар дашту биёбон,  
Бу дашти Хўтан узраки ул илқи боқодур,  
Бул соати дилшод.  
Токи манга бедод ила жавру ситам эттинг,  
Бул сўзни шиткил:  
Маҳбубларин расми бори меҳру вафодур,  
На зулим ила бедод.

Машраб бу сифат тоза сухан айласа изҳор.

Сен қилма таажжуб,

Ғойибдин они кўнглига илҳоми худодур.

Бўлгил анга муқод.

Эй моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади расво  
Девона бўлубман,  
Ишқинг ўти сийнам узадур, сенга на парво,  
Парвона бўлубман.  
Ул дамки, ўшал моҳ юзин бир йўла кўрдум,  
Чун хобу хаёлдек,  
Найранги рақиб ўлдими ё тақдири олло,  
Бегона бўлубман.  
Мен бандаи мискинки ғамгину ҳазинман  
Сен пушти паноҳим.  
Уммиди тараҳҳум била кеча-кундуз санго,  
Фарзона бўлубман.  
Фурқатда кезиб кеча-ю кундуз мени маҳжур  
Ғам даштида доим,  
Фарёду фиғон ила чекиб нола ила оҳ  
Ғамхона бўлубман.  
Машраб ҳолини сўрғали оламда кими бор  
Ким додига етгай?  
Йўқдур бу бузуғ даҳр аро маҳрами доно,  
Мастона бўлубман.





Оҳим ўтини шиддатидин берди садое,  
Ул гунбази давзор.  
Иилларки ани кўйида ҳар дам югурубман,  
Васлиға етай деб  
Ҳам оҳу фиғон айлабу фарёду навое  
Ҳажрида юруб зор.  
Парвона сифат шамъи жамолинг сари бордим  
Ургулғали, лекин,  
Кўргузмади бурқаъни очиб зарра зиёе  
Ул дилбари маккор.  
Эй боди сабо, қўпғилу суръат ила боргил,  
Жононима еткур,  
Дилхасталигим бирла саломею паёме,  
Бисёру бисёр.  
Гар сўрса киши: «Қим сени девонаваш этти?»  
Бу сўзни деюрман:  
«Бир шўх пари пайкару заррин қабое,  
Ҳам лаъли шакарбор».  
Ҳажринга ҳаётимни нисор этсам, ажаб йўқ,  
Машрабдек бўлуб маст,  
Булбулга нетонг жонини гар қилса фидое,  
Кўргач гулу гулзор.

Ногоҳ кўрунуб, жилва қилиб ўтти паризод,  
Бағримни қилиб қон,  
Фурқат ила ғам даштида дил айлади ношод,  
Ул ваъдаси ёлғон.  
Йиғлаб югуруб орқасидин эргаша қолдим,  
Бир раҳм қилур деб,  
Бераҳм вафосизга қилиб умрни барбод.  
Саргаштау ҳайрон.  
Девона бўлуб юрса киши ҳеч ажаб йўқ  
Ҳар ерда мусофир.  
Ошиқларини ўлтурубон қилмади парво  
Кўзлари олур жон.  
Ғам тунлари то субҳ куярман кеча-кундуз  
Ишрат ила сен-сен,  
Ўлутфи била ғам лашкаридин айласа озеда,  
Шаънига не нуқсон.  
Парвона сифат ўргулойин ҳар қадамнингдин  
Ғар бўлса муяссар,  
Бир лаҳза тараҳҳум юзидин айламади лод  
Ғамзанг била, эй жон.  
Бурқаб солибон гуллара ғар юзини очса,  
Кўрмоққа не имкон.  
Қатлимға анинг кўзларидур кофиру жаллод  
Тўкмоқа рағи қон.  
Имонини бир ишвасиға сотти бу Машраб,  
Тарсобача учун,  
Зуннор солиб бўлди бараҳман ила Шаддод  
На куфру на имон.

Нозук бадано, сунъи худованди жаҳонсан  
Эй офати даврон!  
Айёри мусалсал, қоши чун ғамза балосан  
Жон тахтига султон.

Ҳам икки қоши ўсмалиғ эрди кўзи жоду  
Сарфитнаи даврон  
Билмам на бало кўз учидин гоҳ боқарсан,  
Банданга на фармон?

Гоҳ кўчада ғамза, гаҳи ишва қилурсан  
Эй кўзлари офат  
Гаҳ кулгу била қайрилибон қошни қоқарсан  
Эй сарви хиромон.

Машраб сани деб кечти яна икки жаҳондин  
Раҳм этгил илоҳим,  
Бир лаҳзада юз кишини кўнглини оларсан  
Эй қудрати Раҳмон.

Кўрмакка сани тун-кечалар уйғонадурман,  
Эй моҳи жаҳоним,  
Оҳиста юруб дарғаҳингга ман ёнадурман,  
Эй кўзи хуморим.  
Бир шева билан юз жон олиб лаҳза танимдин,  
Эй хўби дилорой,  
Бир кўрсам агар ман санго қурбон бўладурман,  
Эй қадди ниҳолим.  
Ишқ дарди тандину жондин гузар айлаб  
Монандаи Мансур,  
Ишқ тиғи била кесголи бошим ҳавас эттим,  
Йўлунгга нигорим.  
Кўнглумни қилиб соя каби осиладурман  
Эй зулфи нигорим,  
Қошинг қиличи бирла равона қиладурман  
Ҳар қатраи қоним.  
То ўлгунча мақсудум эрур ёр висолинг,  
На жаннату ризвон,  
Бу ҳоля ила ман хастау бемор ўладурман,  
Эй руҳи равоним.  
Ишқ доманини қўймай илик бирла тутубман,  
Бечораи Машраб,  
Эмди бу жаҳон лаззатидин кўнгул узарман,  
Эй марҳами жоним.

Раҳм айла манго эмди аё руҳи равоним,  
Жон чиқғоли етги,  
Тузди бу имон ишқ ўтиға қуйғали жоним  
Боқсанг манго нетти?

Кўнглум гулидин йитирубон тобмодим асло  
Ҳайрона бўлубман,  
Олибсан ани журм турур ерда гумоним  
Ҳушум бори кетти.

Раҳм айламансанг кўча қулунгга бу замони  
Бир раҳм қилибон.  
Раҳм этгусидур раҳми келиб манго у жоним  
Файзи саҳар этти.

Ҳолини сўруб кўнглини олсанг на бўлғай,  
Эй тош бағирлик,  
Бу Машраби дилхастаға, эй шоҳи жаҳоним.  
Сўзини тугатти.

Хуршиди жамолинга бу олам чидаёлмас,  
Сан бир маҳи тобон,  
Ногаҳ адашиб шаҳри вужудинга тушубман,  
Пурфитнаи даврон.  
Билмонки, нечук зот сани қилди муҳайё,  
Эй шамъи шабафрӯз,  
Наққоши бу нашқинга ажаб таҳсин этибман,  
Гӯё гули хандон.  
Бспарда агар чеҳраи рухсор кӯрунса,  
Бо нозу ба ишва,  
Минг жон гард ҳар боқишинга нега бўлмас,  
Эй шамъи шабистон?!  
Юзумни қўюб хоки раҳингда берайин жон,  
Ёр оина кўргил,  
Босгон қадаминг бўса олиб тожи сар эгтим,  
Ман бесару сомон.  
Бечора бу Машраб юрубон излаб тополмай,  
Ҳайрон бўлуб эрмиш,  
Ҳозик табибим, қайда турурсан, қила кўргил,  
Бу дардима дармон.

Мужғони хадангинг юроким қилди макони  
То жо бўлайин деб,  
Обод кўнгул кишварини бузди замони  
Бежо бўлайин деб.  
Шамшод қадинг рахнагари боги дилимдур.  
Бо нозеу ишва,  
Кумрилайин ул сарв қилур турфа фиғони  
Шайдо бўлайин деб.  
Овоза бўлуб манга хати накҳати зулфунг,  
Ҳар боди сабодин,  
Чин қофиласи келди била бори гарони  
Савдо бўлайин деб  
Туйғун қарашинг қилди мани қайди балое  
Ҳасратга қолибман,  
Лочин юрушинг ўртади саҳрои жаҳонни  
Танҳо бўлайин деб.  
Оинаи ҳуснунгга қараб қилди сухан соз  
Бечора бу кўнгул,  
Тўти бўлубон лаъли лабинг қилди баёни  
Гўё бўлайин деб.  
Бир лаҳзада девона бўлуб бехуду ҳушёр,  
Мастона кўзунгдин,  
Утдек тутошиб келди ўшал соқин даврон  
Саҳбо бўлайин деб.  
Кўрдумки: юзунг лоласифат тоза бўлубтур,  
Эй нахли муродим,

Ишқингда ажаб бўлди юзум ранги хазони  
Раъно бўлайин деб.  
Ризвонки зулфунгга сани шонасифатдур —  
Муштоқи жамолинг,  
Жаннат қадамингга бўлубон хуш нигарони  
Маъво бўлайин деб.  
Доғинг юроким ҳасратидин танг бўлубтур,  
Ҳажринг ўти анда,  
Кўксумда бўлуб лола манга берди нишони,  
Сахро бўлайин деб.  
Машраб сани васлинг учун бесару сомон,  
Ҳар лаҳза келиб кўр,  
Ишқинг ўтини қилди юрак ичра ниҳони  
Расво бўлайин деб.



Васлингни топай деб, санамо, фикри ғамим бор,  
Бир неча замондур,  
Ҳижрону фироқу аламу дарди дилим бор,  
Бағрим тўла қондур.  
«Валлайл» ўқуб иштиёқим сенга тушубдур,  
Ҳаргиз хабаринг йўқ,  
Ҳасратли юрак, дарду маломат ватаним бор.  
Ҳажринг чу ёмондур.  
Гаҳ Мажнун ўлуб дашту биёбонга чиқарман,  
Ҳамроҳларим оҳу,  
Гаҳ Лайли бўлуб ҳусну латофат чаманим бор,  
Хуш гулшани жондур.  
Гоҳи бошима тож қўюб, шоҳ бўлурман,  
Ул давлати васлинг,  
Бул турфа ажаб фақр элига салтанатим бор,  
Жамшиди замондур  
Ишқ мазҳабида савму славот ҳама мақбул,  
Ҳаргиз анга шак йўқ,  
Зоҳидлар аро тоату тақво хижилим бор,  
Уз йўлим омондур.  
Лайли санамим кўрдиму жоним бера қолдим,  
Осон қутулай деб,  
Девоналигим ҳолати Мажнун асарим бор,  
Ишқ йўли ёмондур.  
Бир кеча дедим: «Эй санамо, қошима боргил!»  
Ер айди: «Сабр қил!»

Деди: «Нетайин ёнима, оҳ шум рақибим бор,  
Ул билса ёмондур».  
Тасдиқи сўзим бирдур вале икки эмасдур.  
Валлоҳию биллоҳ.  
Аммоки халойиққа ажаб икки тилим бор,  
Бул сирри ниҳондур.  
Васлингга етай деб яна дилхаста бу Машраб,  
Донм жадал айлаб,  
Йиғлаб югуруб кеча-ю кундуз талабим сор,  
Кўксум тўла қондур.



**МУРАББАЪЛАР**

Булбулдайниким фарёд этарман,  
Ишқ дафтарини бунёд этарман.  
Қўнгулларимни мен шод этарман.  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри қилди мавжини бунёд,  
Ишқингда қилдим юз оҳу фарёд,  
Утти нигорим чун сарви озода,  
Ёрга етар кун борму ёронлар?

Ҳажр аҳли келди тутти ёқамдин  
Бағримни тилғил пайкони ғамдин,  
Минг доду фарёд ушбу аламдин,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг кўксумда ёнди,  
Кўз ёшим оқиб бағримға томди,  
Ғафлатда қолган Машраб уёнди,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Банданг эрурман, валлоху биллох,  
Шому сахарлар мен сенга шайдо.  
Келдим эшикка деб «шайъалиллоҳ»  
Кўрдум юзингни, алҳамдулиллоҳ.

Боқсанг менингдек девоналарга,  
Ақлу ҳушидин бегоналарга,  
Исён чўлида аввораларга,  
Кўрдум юзингни, алҳамдулиллоҳ.

Мастона қилган шахло кўзингдур,  
Девона қилган ширин сўзингдур.  
Афсона қилган ойдек юзингдур,  
Кўрдум юзингни, алҳамдулиллоҳ.

Излаб юрурман Шому Ироқи,  
Топмадим асло ёрни сўроқи,  
Куйдурди дўстлар, ёрни фироқи,  
Кўрдум юзингни, алҳамдулиллоҳ.

Машрабга тегди оҳу надомат,  
Ҳар ерда бўлсанг бўлғил саломат,  
То рўзи маҳшар айтур давомат:  
Кўрдум юзингни, алҳамдулиллоҳ.

...Ул меҳрибондин ўлдум жудое,  
Ишқида куйдум бўлдум адое,  
Тошларни ёрди кўксимни оҳи,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўрмай юзини девона бўлдум,  
Халқи жаҳондин бегона бўлдум.  
Юз дарду гамга ҳамхона бўлдум,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрим қошимдин ул кунки борди,  
Тиғи жафолиғ кўксумни ёрди,  
Кетти дил учиб, жон қуши қолди,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрдин жудо мен ўлгунча бўлдум,  
Қонларни ютдум, ҳасратга тўлдум,  
Дарду гамингдин, валлоҳки, ўлдум,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Нома битарман ул қора қоша,  
Узоғлиғидин кўз тўлди ёша,  
Ҳар дам урарман бошимни тоша,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўксумни дардин тоша битарман,  
Ҳасратда бошни олиб кетарман,  
Сени қўлингдин, валлоҳ, ўларман,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Қайдин топарман ул шамъи хўбон,  
Дарду ғамингдин бўлди юрак қон,  
Кўрсат юзунгни, эй моҳи тобон,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кийган тўнимни дардона бичдим,  
Заҳробаларни мардона ичдим,  
Гурбат суйидин мастона кечдим,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ҳар кеча-кундуз тинмай юрурман,  
Вайроналарда итдек улурман:  
Во ҳасрато, деб кўрмай кетурман,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ишқингда Машраб афғон этодур,  
Бағрини ҳарён бирён этодур,  
Кўзини ҳар дам гирён этодур.  
Эй бод, еткур ёра саломим.



МУХАММАСЛАР



Ишқингда куймас ҳеч ким девона бўлмағунча,  
Шамъингга ёнмас ошиқ парвона бўлмағунча,  
Бел боғламас йўлига, мардона бўлмағунча  
Бошга олиб маломат, афсона бўлмағунча.  
Севмас садафни ҳеч ким дурдона бўлмағунча.

Сенсиз менга, нигорим, икки олам керакмас  
Тахту бахти Сулаймон менга хотам керакмас,  
Хизр умри зиндалигу оби замзам керакмас  
Сенсиз ўлай дуо қил, менга бул дам керакмас,  
Танда жоним қолмади пайкона бўлмағунча.

Аршинг куяр оҳимдин тонгла бўлса қиёмат,  
Инсу малак титрашиб йиғлаб этур надомат,  
Чиқса оҳим зарраси ҳеч ким қолмас саломат,  
Ҳуру ғилмон биҳиштинг айтур: «Нечук аломат?»  
Қолмас молик дўзахдин сўзона бўлмағунча ..

Тушти бошимға ишқинг ларза қилиб йиғладим,  
Тақдир азал шундоғ деб белим маҳкам боғладим,  
Ошуқ иши қаттиғ деб оҳу воҳлар айладим  
Дардинг беҳад зўрлади даргоҳингга йиғладим,  
Раҳм айламас нигорим гирёна бўлмағунча.

Ошуқ бўлсанг туну кун жонни қурбон айлагил,  
Дарди меҳнат жафоси тегса пинҳон айлагил,

**Зулфи чин-чин куфрини зуннор имон айлагил,  
Ҳажру фурқат дардида тинмай фиғон айлагил,  
Жонига жон улашмас жонона бўлмағунча...**

**Вақти баҳор май ичкил, билгил ишрат ғанимат,  
Соқий сунгил қадаҳни, фурсат — суҳбат ғанимат,  
Зоҳид айтур, ёронлар, тасбеҳ, тоат ғанимат,  
Машраб қаландарингга дарду меҳнат ғанимат,  
Кўрмас маъшуқ юзини афсона бўлмағунча.**

Юзунгни кўрғоли келдим, кўтаргил шардани, эй моҳ,  
Фироқинг даштида қолдим, тополмай ман сани, барно,  
Бу дарду меҳнатинг бир ёқ, ғамингдин юз туман савдо,  
Сенинг ишқингда, эй дилбар, юрурман волау шайдо,  
Манга раҳм айлабон боқғил, аё эй дилбари раёно.

Тушубман йўлунга танҳо ўзунсан манга ғамхорим,  
Йиқилғонда қўлум тутғил мадад қилғил мададхорим,  
Ҳама олам рақиб бўлса, ўғоним манга жабборим,  
Муҳаббат ўтига солдинг худойим сансан, эй ёрим,  
Шукр, юз шукр, эй жон, санинг ишқингда ман гўё...

Қуёшдек шуъласин кўрмай ўзумга келмадим ҳаргиз,  
Машаққат тоғидин тойлиб ажалдин ўлмадим ҳаргиз,  
Дариғо, ўтти бу умрум, висолин кўрмадим ҳаргиз,  
Санинг ишқинг манга тушди ўзимни билмадим ҳаргиз,  
Кўйингда ўртаниб ёниб қилурман оҳу вовайло.

Қулоғимга деди муршид: «Майи жонбахш тота кўргил,  
Намозу рўзадин ўтгил, муҳаббатга бота кўргин»,  
Агар сан марди оқилсан, бу дунёдин ўта кўргил,  
Ажаб кўнглум паришондур, нигоро, раҳм эта кўргил,  
Итингни хоки пойига юзум сурдум мани расво..

Кўрсат юзинг, ўларман, манда тоқат қолмади,  
Меҳрибоним, қайдасан, жонда роҳат қолмади,  
Бало ёғди бошимга, элда офат қолмади,  
Чектим жафони акнун дилда роҳат қолмади.  
Кездим биёбон ичра манда ҳурмат қолмади.

Ошиқ бўлуб юзингни кўрмай кетсам нетарман?  
Боязиддек ўзумни кунда юз минг сотарман.  
Мункар-накир келганда лаҳад ичра ётарман,  
Ҳарна қилсанг, қил, зоҳид, жоми майдин тотарман,  
Барбод бердим май учун қўлда тоат қолмади.

Ошиқ бўлсанг шундоғ бўл: олам куфринг битсунлар,  
Расво бўлғил халқ ичра номинг олиб кетсунлар,  
Яксон бўлғил оламда, сандин баҳра олсунлар,  
Туфроғ бўлғил йўл узра сани босуб ўтсунлар,  
Кофирликдин ўзга ҳеч манда одат қолмади.

Кофир бўлсанг ишққа бўл, аҳли дунё бўлмағил,  
Зоҳидсифат дунё деб ҳаргиз мурдор бўлмағил,  
Адҳамсифат дунёни ҳеч кўзунгга илмағил  
Мажнунсифат беҳуш бўл, ҳеч ўзунгга келмағил,  
Қўлум олғил, ё пирим, манда ҳайрат қолмади.

Ишққа қадам қўймасанг, биллоҳ, маъшуқ топилмас,  
Мунда расво бўлмасанг, анда роҳат топилмас,

Бағринг кабоб ўлмаса, кўздин ёшинг тўкилмас,  
Йўл устида йўл бўлмай, нафс макони топилмас,  
Пири муғон май берди, дилда чиркат қолмади.

Зоҳидсифат шайхлар масжид сари борғуси,  
Қўлларида тасбиҳу риё тоат қурғуси,  
Тили бирла зикр этиб ҳамду дуруд сурғуси,  
Бир-бир босиб қўл солиб ҳаво бирла юрғуси,  
Анинг учун ёронлар манда ибрат қолмади...

Дилрабо, ҳуснингни кўрган бормукин,  
Кўрмайин ҳасратда қолгон бормукин,  
Ҳасрату дардига сўлгон бормукин,  
Васлига етмайму ўлгон бормукин,  
Ғам била ҳасратга тўлгон бормукин?

Ман паримни топмадим иттак бўлуб,  
Рахналар бўлди юрак қонлар тўлуб,  
Заъфарон бўлди юзум гулдек сўлуб,  
Ташна бўлдум, ҳасратида оҳ уруб,  
Термулиб йўлларда қолгон бормукин?

Ҳасратимга тоғу тузлар йиғлағай,  
Қил дуо шоядки ёрим англағай,  
Ҳеч ким йўқтур сўзумни тинглағай,  
Зулфини бандига чирмаб боғлағай,  
Ман каби ҳайрона бўлгон бормукин?

Топмадим ўзумга ҳамдам бир санам,  
Маҳраме йўқ, босди, найлай, кўҳи ғам.  
Бормукин дунёда мандин пур алам?  
Дилрабо, қилма манга жавру ситам,  
Бевафо дардида ўлгон бормукин?

Доғ-доғ устигадур бағримда қон,  
Сансизин манга керакмас бу жаҳон,

Истасам топқаймунан, эй бемакон,  
Йўқтурур сандек манга бир меҳрибон,  
Меҳрибон излаб юругон бормукин?

Машрабинг маҳшарда йиглаб дод этар  
Топмаса васлинг, ўзин ношод этар,  
Ҳасрату дарду алам бунёд этар,  
Уз яқосин чок этиб фарёд этар,  
Топмайин шодмон юругон бормукин?

Тулуи партави шамъи жамолинг кўрганим беҳроқ,  
Бошингдин чарх уруб парвонадек ўргулганим беҳроқ,  
Рақиблар жаврини тортгунча, жонон, ўлганим беҳроқ,  
Надомат ёш тўқуб васлингни излаб юрганим беҳроқ,  
Ғаму дардинг рафиқ айлаб мудом оҳ урганим беҳроқ.

Шариат шарбатин ичгон, тариқат ҳалқасин тутқон,  
Ҳақиқат шоҳини сургон, адолат кўзини ўйгон,  
Маломат кўйида юргон, шарофат шавқини сургон,  
Жаҳон майдонида юргон, муҳаббат йўлида куйгон,  
Суяр қулларни изини кўзумга сурганим беҳроқ.

Юрурман зор йиглаб ҳар замон беҳуд бўлуб ўздин,  
Надомат ёшини ҳар дам тўкарман термулиб кўздин,  
Манга йўқ маҳраме рози дилимни айласам сўздин,  
Ушал Мажнуни ҳайрондек юрак-бағрим оқиб кўздин,  
Санам деб оҳ уруб бутхоналарни кезганим беҳроқ.

Қаро кунлар бошимға, ҳеч етмас ёр додимға,  
Мани ҳолим кўруб раҳм айламас рўйи сиёҳимға,  
Фалак юзи қаро бўлди, мани бу дуди оҳимға,  
Қиёмат ҳашргоҳида гуноҳлар тушса ёдимға,  
Ёқомни чок этиб, валлоҳ, у кун дод өтганим беҳроқ...

• • • • •  
Бадан ақфоси ичра мурги жонни асради сақлаб,  
Муҳаббат жомини ичига солди, айла деб ишраб,  
Хазон бўлди гулистони баҳори умр, өй Машраб  
Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилганим беҳроқ.



Илоҳи раҳм қил ман хастаға, кўп нотавондурман,  
Қизил гул ғунчасидек таҳ-батақким бағри қондурман,  
Қилурға шарҳ тил йўқтур забони безабондурман,  
Ғарибу бекасу беманзилу кўп бемакондурман,  
Ғадои хонабардўшики расвои жаҳондурман.

Бало даштида Мажнундек ажаб ҳайронадур кўнглум,  
Жунун бозорида Мансурдек афсонадур кўнглум,  
Муҳаббат шамъиға юз айланиб парвонадур кўнглум,  
Тушуб зиндони ғам ичраки банди хонадур кўнглум.  
Асири ғам бўлуб банд ичра ранги заъфарондурман.

Мунаввар моҳ эди бахтим тўлубдур гардуни ҳола,  
Бу янглиғ тийра бахт ўлғон кўнгул паргола-паргола,  
Чароким кипригим устидадур монандан жола,  
Муҳаббат шавқидин ҳардам қумридек минг бир нола,  
Кечодин то саҳар ман ҳамдами оҳу фиғондурман.

Жаҳонни бевафо, дерлар қани ганжу сури Дороб,  
Қани Жамшиду Искандар, қани Рустам, қани Суҳроб,  
Қани жумла паямбарлар, қани ул соҳиби меҳроб,  
Қани Сиддиқ, қани Бу Бакр, Умар, Усмон дури ноёб,  
Қани Ҳайдар, дер эрдиларки, соҳибқирондурман?

Тамоми мулки оламни ажални чокари кўрдум,  
Ҳисолимға назар қилдим, ўзумни лофари кўрдум,  
Бориб бутхоная боқтим, ўзумни озари кўрдум,  
Бу дайри кўҳнаға боқтим, бузулғен лангаре кўрдум,  
Қи ман йўл ўтгучи мундин ғариби корвондурман...

Гулгулан сурудкаш бўлди мани шарофатим,  
Ул санамимга пешкаш оҳим била надоматим,  
Хона-бахона юрганим нафс учундур одатим,  
Зилзилаи замину арш эрур мани касофатим  
Кўнглум ичинда дарду ғам — бахт ила саодатим.

Қўзума кўринур мани дилбарим ҳар қабнада,  
Ишқини ёр айладим ўзума бу замонада,  
Куфр йўлига бош уруб бордим лотхонада,  
Бат қилиб оташи ғаминг тунда шаробхонада,  
Журъае берса, айласа маст — мани саодатим.

Бат қилиб оташи ғаминг, ё санамим, десаммикин?  
Ҳам ўзуму фидо этиб, ё санамим, десаммикин?  
Ўзига илтижо қилиб, ё санамим, десаммикин?  
Ҳар саҳари наво қилиб, ё санамим, десаммикин?  
Қори каломин айтадур бат дегоним одатим.

Мажнуни бенаволайин ишқ жунунини қуруб,  
Кўча-бакўча юрсам кўксума неча тош уруб,  
Энди бу фони дунёдин ҳаволайин юз ўгуруб  
Ишқни мажлисин қуруб, давлатни фақрини суруб,  
Ҳам билиб, ҳам кўруб юрмагим саъдатим...

Фақр излаган эл давлати шоҳонани кўрди,  
Тарк этти бу оламники, жононани кўрди.  
Сарроф муни билди-ю дурдонани кўрди,  
Ул дурлар аро гавҳари якдонани кўрди,  
Гул юзли, сузук кўзли мастонани кўрди.

Саҳледур агар билса киши илми нужуми,  
Аллогани гар зоҳирида бўлса улуми,  
Таҳсил эмас тегмаса бир зарра ҳужуми,  
Яъники, «Шитоб айла» деди Мавлави Румий,  
Султони тариқат шаҳи мардонани кўрди.

Мардона борур ҳар тарафи борғони йўлдур,  
Мардонаи зор ила қулунг олғони қўлдур.  
Дарвеш надур олами фоний била кулдур,  
Намруд ўтига кирди Халил бонси улдур:  
Ногаҳ кеча ул ғайрати парвонани кўрди.

Кўрдилар ани ҳар тараф анворини кўргон,  
Жон кўзгусида жилваи дийдорини кўргон,  
Ҳожи дер эмиш маст ўшал ёрини кўргон.  
Мақсуд эрур ганжида ул борини кўргон,  
Ман ул эгаси бирла ўшал хонаи кўрдум.

Расвои жаҳон қилди мани ул қаду қомат,  
Рафтори ани ёди ёди жўши қиёмат,

Таън этма жунунимга мани аҳли саломат,  
Мансурни дор узра кўруб қилма маломат,  
Жон пардасидин илгари жононани кўрди...

Ногаҳ бу кўнгул лавҳидадур қол ила қийли,  
Якранг керак софи ўшал гумбази нили,  
Ваҳдат майидин касрат эрур тотғоли майли,  
Умридаки ёлғуз эмас ул Машраби сели,  
Айди бу мухаммаснию хумхонани кўрди.

Йиғламай найлайки, рўзимни сиёҳ қилди фалак,  
Ошноларни манга ноошно қилди фалак,  
Кавкаби бахтимни мундоғ безиё қилди фалак,  
Охири умримда бахтимни қаро қилди фалак.  
Подшоҳи вақт эдим соҳиб азо қилди фалак.

Хонавайронман букун жисимда жоним йўқ мани,  
Дарбадардурманки бир ерда маконим йўқ мани,  
Чуғзи ҳар вайронадек бир ошеним йўқ мани,  
То пидим қилмас назар ҳеч соябоним йўқ мани,  
Не диловарларни тупроқ ичра жо қилди фалак.

Телбаман меҳнат аро ман ҳам букун қон йиғласам,  
Сийналарни чок этиб оламда чандон йиғласам,  
Дўсту душман айб этар ҳар дам фаровон йиғласам,  
Азбаройи мотами он моҳи Канъон йиғласам.  
Дийдаи Яъқубни мундоқ нобино қилди фалак.

Йўл адошиб ғамға тўлдим ҳамсафардин айрилиб,  
Мисли булбулдек букун ман болу пардин айрилиб,  
Модару ёру биродар ҳам падардин айрилиб,  
Қолмасун ҳеч ким менингдек раҳбардин айрилиб,  
Кўҳна дунёни манга мотамсаро қилди фалак...

Улуг дарёи раҳматдин ҳамиша хушқлаб бўлма,  
Ки сан ҳар ерга борсанг, эй азизим, бетадаб бўлма.  
Накулар хизматиға борсанг эмди беадаб бўлма,  
Мабодо қўрқаман монанди Бу Жаҳлу Лаҳаб бўлма,  
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Билиб кетгин жаҳони кўҳнадин суду зиёнингни,  
Ўзингни хоки роҳ қил барҳам ургил хонумонингни,  
Пишургил маърифат бирлан тамоми устухонингни,  
Такаббур йўлиға барбод уруб кетма имонингни.  
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Бу дун дунёға эмди қўйма асло имтиёзингни,  
Абас ўткармағил дунё йўлида қишу ёзингни.  
Дилингдин канда қилма дам-бадам сўзу гудозингни,  
Ажал маълум қилур, эй дўстлар, сирри ниҳонингни,  
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Азиз аблодман, деб қўймағил хайру саховатни,  
Кўзунг борида ахтаргил, ки бир аҳли ҳидоятни  
Такаббур саҳв эрур, бўйнунгга олма тавқи лаънатни,  
Бошингдин канда қилғил дам-бадам бу хоби ғафлатни,  
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Кел эй Машраб, сухан кўтаҳ қилғил, яхшилар кетти.  
Жаҳон зиндонидин охир ҳама хунин жигар кетти,  
Санам бир кун кетарсан, жумла олам чашми тар кетти,  
Ки ул дунёға яхшилар ўзидан бохабар кетти,  
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Чидамай қилиб пушаймон, на учун ночор қилдинг  
Аюртиб бир юртумдин, мани бедийёр қилдинг,  
Нега фироқинг ўтида мани хору зор қилдинг?  
Ишқни жонга солиб, мани беқарор қилдинг.  
Висолини фироққа солиб нўла никор қилдинг.

Мани риндлар вуболи санга бўлди бесаранжом,  
Бўлубон харобу ҳайрон бу халойиқ ичра бадном,  
Ҳамдамим эрур дафу най, ҳарифим суроҳию жом,  
На қилай кўзумини юммай, сани кўрмасам дилором,  
Қош отиб рақибларға мани бадхумор қилдинг...

Нечун унутаи, нигоро, сани илтифотларингни,  
Айтиб эл тамом қилолмас сани бу сифотларингни,  
Тутошур жонимга ўтлар агар айтсам отларингни,  
На учун тотурмадинг сан шакари наботларингни.  
Эл аро ғариблигимда нега бунча зор қилдинг?

Яна гулча кўнглим ичра дард бирла қонга тўлди,  
Бир гул узмасдин, ҳануз риштаи кўнгул узумди,  
Кенг тутуб оғзини қулди, арақи ҳаё тўкүлди  
Таблбози ишқ солди мани бу оҳимга бўлди.  
Ком бермайин лабингдин, нега нитизор қилдинг?

Бу жаҳонда эрди бисёр ишва бирла маҳлиқолар,  
Лаби гулча, рухлари гул, кўзи шўх бевафолар,

Бориси оламдин ўтти ишқидин солиб балолар,  
Бор экан ниҳояти йўқ ўла билмайин жафолар,  
Борини ғариб карамдин манга гул-ўзор қилдинг.

Ёру ман ҳамдам бўлоли ки мудомо май ичоли,  
Хонақоҳ уйин бузоли, раз қизин олиб қучоли,  
Ҳар кишини бир хаёли, мадрасалар қийлу коли:  
«Дунё қизидин кечоли, ҳур қизин олиб қучоли»  
Даҳа ичинда важду ҳоли Машраб ихтиёр қилдинг.



Менингдек интизору йўлда ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўкаргонда қуруб ер бирла яксон бўлмасун ҳеч ким,  
Мисоли андалиби бегулистон бўлмасун ҳеч ким,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Қани бир дард кўргон роздон ҳолимни сўргудек,  
Гирифтори ғами бисёр иқболимни сўргудек,  
Табиб ғами тирику бемор аъмолимни сўргудек,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Фироқи дарди бирла қоматим монанди «нун» бўлди,  
Кўзимни нури кетти, ҳол кун-кундин забун бўлди,  
Қиёмат ошкоро, сендин айрилдим, букун бўлди,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Улуб кетсам не мушкулдур бу дунёда самар топмай,  
Узумдек дард кўрган аҳли дардлардин хабар топмай,  
Не мушкул термулиб қолсам бу йўлда болу пар топмай,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Рафиқим йўқ мени рози дилим изҳор қилгудек,  
Юрогим дафтарини олдида такрор қилгудек.

Гарибдурман, кишим йўқ дардими изҳор қилгудек,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Мени бахти қародин кўл ювди қавму қариндошим,  
Букуи захроба бўлди ҳар замон оғзимдаги ошим,  
Дуо айланги, мен тезроқ ўлай, ҳеч йўқду бардошим,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Тамошо қилгудек фурсат керак бемуттаколарға,  
Ўзумни мен ўзум солдим бу кун мундоқ балоларға,  
Бошим бекаслигимдин тушди чандин можароларға,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Азизи вақт эдим охир дамда хор бўлгонман,  
Юрак-бағри туташган ғам билан бемор бўлгонман,  
Кишим йўқ сўрагудек минг балога ёр бўлгонман,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Мусибат бирла яксон айлади чун бод гардимни,  
Умид эттим қабул этгайму шояд оҳи сардимни,  
Қани бир дард кўрган айласам изҳор дардимни.  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Юракни кавламанглар, лек сартопо жароҳатдур,  
Бошимға ҳар замон ҳангомаи шўри қиёматдур,  
Бу мотам бирла мен борсам жаҳондин кони ҳасратдур  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Кел, эй Машраб, сени дунёда келтурди амал қил деб,  
Ҳар ишни вақтидин ўткарма мунда, дар маҳал қил деб,  
Диловарлар ҳама кетти, сенам тинмай жадал қил деб,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч ким.

Мени оламда Мажнуни дарбадар қилдию кетти,  
Бошимга солди савдони қаландар қилди-ю кетти,  
Дилимни қалъасини бузди, абтар қилди-ю кетти,  
Юрогимда қўюб оташ, самандар қилди-ю кетти,  
Кўзум термулгузуб расвои маҳшар қилди-ю кетти.

Кўзум чун баҳра олмай борадур дурри хушобидин,  
Жаҳон нолишга кирди бағрими дуди кабобидин,  
Насибам йўқ экан, афсус, ҳусни бениқобидин,  
Уқунглар олдима бир дард кўрганлар китобидин,  
Мени йўл устида якбора музтар қилди-ю кетти.

Тараҳҳум бирла асло сўрмади «Зорим, нечуксан?» деб,  
«Мен учун мубтало бўлгон гирифторим, нечуксан?» деб,  
«Юрак-бағри адо бўлгон дилафгорим, нечуксан?» деб.  
«Бу вайрон хонада муштоқи дийдорим, нечуксан?» деб.  
Менинг бошимга юз жавру жафолар қилди-ю кетти.

Вафолиғ ёр агар бўлса паришонини сўрмасму?  
Адашган, интизору хонавайронини сўрмасму?  
Туташган, бағри куйган, йўлда ҳайронини сўрмасму?  
Дили садпора бўлгон чашми гирёнини сўрмасму?  
Бошим тепиб қаро ерға баробар қилди-ю кетти.

Қўлингдин келса, дўстим, бевафога асли дил берма,  
Кўнгул шаҳрина тушган ноошбога асли дил берма,

Ситамгар бемурувват пуржафога асли дил берма  
Жаҳонни моҳи бўлса порасога асли дил берма,  
Дилимга солди оташни, мукаддар қилди-ю кетти.

Адолатли амирим, балки, ҳоқоним деб, арз қилдим,  
Бало кўброқ тегарда шоҳи султоним деб, арз қилдим,  
Сўрар аҳволи зоримни Сулаймоним деб, арз қилдим,  
Вужудим кишварига мамлакатдоним деб, арз қилдим.  
Яроқдин арз қилдим, гўшини кар қилди-ю кетти.

Кўзимга торикистон қилди охир рўзи равшани,  
Ёқуб ҳар соати сийнам аро савдои гулхани.  
Мени мотамга солди, шод этиб олдимда душманни,  
Они мақсуди ўлдурмоқ менингдек бағри куйгани,  
Синуқ хотирларимни сарфи мажмар қилди-ю кетти...

Яқомни чок этиб ҳар соати бисёр йиғларман,  
Менингдек йўлда қолғон йўқ, дили афғор йиғларман,  
Ўзумдек хонавайронларни кўрсам зор йиғларман,  
Мени арзим эшит, эй воҳидул Қаҳҳор, йиғларман,  
Мусибат тоғини бошимга лангар қилди-ю кетти.

Тутуб эрдимки домонини Искандар бўлурман деб,  
Шабу рўзим муқими кўйи ул дилбар бўлурман деб,  
Етушсам соясига жумладин беҳтар бўлурман деб,  
Агарчи санги хоро бўлсаму гавҳар бўлурман деб,  
Назардин ташлади ҳолимни абтар қилди-ю кетти.

Қани бир дард кўрган, бевафони дардини айтай,  
Яқомни чок этиб ноошнони дардини айтай,  
Лаҳаддин бош кўтарсам маҳлиқони дардини айтай,  
Букун шўридаман, нозик адони дардини айтай,  
Қилиб хокистарим барбод, ахгар қилди-ю кетти.

Юракни дардини ҳар дўсту душмандин ниҳон туттум.  
Балони тахтини ўзимга неку ошён туттум,

Қочиб ҳар неку баддин остонига макон туттум,  
Бориб бир гўшаеда йиғлабон оҳу фиғон туттум,  
Ҳама сирри дилимни халққа дафтар қилди-ю кетти.

Йўлингда мунтазирман токи пайгом айласам ҳар шаб.  
Сафар — дур, дарду ранж — қўб, ҳосил бўлмади матлаб,  
Кўнгулни захмини мен ашки хунолуд ила тузлаб,  
Агарчандики дилгирсан, кўнгулни узмагил, Машраб,  
Азалдин мис эдим тиллои аҳмар қилди-ю кетти.

Бориб айтинг азизимга, кўзимга тўтиё келсун,  
Мени бедаступони кўргали ул подшо келсун,  
Солиб бўйнига зулфи анбарин мушки Хито келсун,  
Мени кулбамни равшан қилғали ул пурзиё келсун,  
Умидим борки, ранжурларни излаб ҳар сабо келсун.

Камон абрўлари ҳар қайсиси бир шўхи жаллоди,  
Юрур бўлса чаманда қаддидур монанди шамшоди,  
Дубора келмағай оламда мундоқ сарви озоди,  
Билолмайман нечук пайдо қилибдур аршни устоди,  
Дилимда юз жаароҳат бор, бермакка даво келсун.

Баҳори файзбахш келди, жаҳон рангин чаман бўлди.  
Буқун мажлис тузунглар навбати гулпираҳан бўлди,  
Аёғ босган ери сарсабз бўлди, ёсуман бўлди  
Машомим бўйидин ҳар соати мушки Хўтан бўлди,  
Бу йўлда дўсту душман айб айлар, гоҳ-гоҳ келсун.

Бориб айтинг ўшал зебо санамга: «Ёринг ўлди» деб,  
«Сени ҳажрингда куйган ошиқи дийдоринг ўлди» деб  
«Тешилган тийри ғамдин сийнаси афгоринг ўлди» деб,  
«Ғарибу хаста-ю ҳажру фироқи зоринг ўлди» деб,  
Агарчи вақти ишрат келмади, вақти азо келсун.

Чунон беҳудлигимдин субҳиму шомимни билмайман,  
Кетибдур ақл мендин пухта-ю хомимни билмайман,

Билолмасман нечук ўтқардим, айёмимни билмайман,  
Бу йўлда мисли Мажнундек саранжомимни билмайман,  
Чароги дилни равшан қилғали нури сафо келсун.

Вафодорим, дедим, охир дамида бевафо бўлди,  
Билолмайман не айб кўрдик, ул мендин жудо бўлди  
Кўзимни кавлаган халқларга бориб ошно бўлди.  
Бошимга хонавайронлиғ тушуб, қаддим дуто бўлди,  
Мани рўзи сиёҳни кўргали ул дилрабо келсун.

Кўзимни оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,  
Мени жон мулкида ороми жонимдин аюрдилар,  
Бошим устида турғон соябонимдин аюрдилар,  
Тешиб бағримни охир устухонимдин аюрдилар,  
Кўзумни косасига тўлди нақши бурё, келсун.

Узини билмаганлар айтадурлар: «Ўзга ёр ахтар!»  
«Кўнгулни бевафога бермагил, бир ғамғусор ахтар!»  
«Агарчи дилрабони топмасанг, дигар диёр ахтар!»  
«Кўнгулни муддаосин билгудек бир дилфигор ахтар!»  
Мен айтурман: «Кўзимни ўйса ўйсун, ошно келсун!»

Ушал вақтики анга аҳд қилдим асли ҳамдамдур,  
У мендин кўнгул узса, то тирикман кўнгул узмамдур,  
Дигар ёр ахтариб мен дашту саҳроларни кезмамдур.  
Қиёмат субҳи отгунча бу паймонимни бузмамдур,  
Бошимни кесса кессун, отланиб нозик адо келсун.

Будур аҳдимки, то қаддим дуто бўлгунча айрилмам,  
Лаҳад туфроғи то дийдамга жо бўлгунча айрилмам,  
Ду рўза эски оламдин фано бўлгунча айрилмам,  
Бошимга нўҳ фалак то осие бўлгунча айрилмам,  
Ки бўлди нўҳ фалак бошимга мисли осие, келсун.

Мени бедасту по ул ёр кўйина етолмайман,  
Чу ҳар номаҳрамега рози дилни кўрсатолмайман,

Сари зулфиға қўл солсам, қўлимни беркитолмайман,  
Рашии роҳи расмин бемехрга ўргатолмайман,  
Бориб айтинг, мени кулбамға гоҳи бевафо келсун.

Нечук бўлдики Искандар эдим, иқбол паст тушди,  
Қўнгулни ганда айлар ошға чун бир магас тушди,  
Не мушкулдур, биродар, хонаи нокасга кас тушди,  
Агарчи подшоҳ эрдим чу бўйнимға марас тушди,  
Бу мушулларни осон қилғали мушкулкушо келсун.

Карашма бир тараф, хулқ бир тараф, куйдирди доғидин,  
Магар ҳуре тушубдур кулбама жаннатни боғидин,  
Қўлини туттиму қилдим тавоф, ўпдим аёғидин,  
Чароғе анга пайдо айладим дийдамни ёғидин,  
Умидимдур мени тиргузгали аршдин Исо келсун.

Жаҳонни хубларини бевафо қилмоқғадур қасди,  
Қилиб беҳонумон, соҳиб азо қилмоқғадур қасди,  
Ҳазорон дарду ғамға ошно қилмоқғадур қасди,  
Таги деворларға мубтало қилмоқғадур қасди,  
Олов ёқсун бошимға то тирикман муддао келсун...



Не гурбатларини чектим, чархи бевунёд, дастингдин,  
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдин,  
Мудом мотамда бўлдум, бўлмадим дилшоод дастингдин.  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Кўзумни оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,  
Дилимни қуввати руҳи равонимдин аюрдилар,  
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдин аюрдилар,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин.  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Чаманда булбули бехонумонман, ошеним йўқ.  
Мисоли чуғздек вайронада ҳаргиз маконим йўқ,  
Азизимдин жудо бўлдум, бошимга соябоним йўқ,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Бу олам халқи ичра дил паришон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзи ҳам телмуруб йўлларга, ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Бу дунё дийдасига торикистон бўлмасун ҳеч ким,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Илоҳи менга еткургаймукин хуршиди матлабни,  
Саодат вақтида бошимга чун иқболи кавкабни,  
Илоҳи, сен етур ҳиммат йўлига хаста Машрабни,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод дастингдин!

Эй мусулмонлар, нетай, мен ёрдин айрилмишам,  
Фитна чашму шўхи хуш рафтордин айрилмишам,  
Булбули шўридаман гулзордин айрилмишам,  
Қошлари ё, кўзлари хунхордин айрилмишам.  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Ул баҳори ҳусндин охир жудо бўлдум, нетай?  
Ғам ила меҳнат қўлинда мубтало бўлдум, нетай?  
Васл шоҳидин жудо бўлгач гадо бўлдум нетай?  
Дарди фурқатга гирифтори бало бўлдум нетай?  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Ҳар пари бўлғон била андоғ шакаргуфтор эмас,  
Ханда айлаб гул масаллик сарви хушрафтор эмас.  
Лабларидин жон берувчи кўзлари хунхор эмас,  
Қеча-кундуз бу тилимга ғамдин ўзга ёр эмас.  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Гул хазон бўлдию булбулға гулистон қайдадур?  
Бу кўнгул тахтига ўлтурмоққа султон қайдадур?  
Моҳ талъат бўлди ғойиб, нури имон қайдадур?  
Ҳақни ботилдин айирмоққа сухандон қайдадур?  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Богъ олам гуллари ул ҳуснига шайдо эрур,  
Кечани кундуз қилурга гавҳари якто эрур,

Шўху таннозе, жаҳон ичра ажаб барно эрур,  
Фурқатингда зор йиғлаб, кўзларим дарё эрур,  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Сайди домингни солиб кеттинг на деб, эй шоҳбоз,  
Мен кезиб қайдин топарман бир сенингдек сарвиноз,  
Сарви хушрафтор эрдинг фақр элига дилнавоз,  
Маҳв этибсан Машраби девонани, эй бениёз,  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Ваъда қилди бир келай деб кўзга уйқу келмади,  
Термулуб йўлида турдум шўхи бадхў келмади,  
Неча келди шум рақиблар ул парирў келмади,  
Дардидин ўлдум, табиб, дардимга дору келмади,  
Мен шаҳиди ишқ бўлдум қатраи сув келмади.

Додхоҳман рўзи маҳшар қошима бир келмаса,  
Дард билан ўлдум буқун бир лаҳза ҳолим сўрмаса,  
Ҳаммага қилган вафони менга дилбар қилмаса,  
Йигламайму оҳ уруб ҳаргиз кўзига илмаса,  
Барчага ширин забон, бир менга — бадгў. келмади.

Оҳу воҳ айлаб ғариблик шаҳрида беморман,  
Пардани юздин кўтаргил ошиқи дийдорман,  
Соқиё, тўйғунча май бер неча кун хумморман,  
Гар олур бўлсанг равоним, дилбарим, тайёрман,  
Барча мажлисни гули сарви суманбў келмади.

Ташналаб ўлдум ғамингдин, меҳрибоним қайдасан?  
Оҳ уруб истаб юрубман, жонажоним қайдасан?  
Истасам йўқтур маконинг ломақоним қайдасан?  
Маҳрами сиррим мани, эй роздоним, қайдасан?  
Юз туман савдои бўлди маслаҳатгў келмади.

Йигламорим бесабаб йўқ, ул нигорим келмади,  
Сўз қотиб юз лутф ила боғу баҳорим келмади,  
Икки дунёдин кечибман шоҳсуворим келмади,  
Ғам билан буқчайди қаддим лоззорим келмади,  
Меҳрибон улфатнишини ширин суҳангў келмади.

Уртади жөними, дўстлар, ёрни ҳар бир сўзи,  
Боққач имоними олди оҳудек ўйнар кўзи,  
Гул учун булбул қафасда, зоғлар айлар бози,  
Жон берур вақтда келай деб ваъда кўп қилди ўзи,  
Жалқума етти бу жоним, чашми жоду келмади.

Ийглабон кўйида юрдим, додима ҳеч етмади,  
«Эй ғариби хоксорим» деб бу ҳолим сўрмади,  
Бир замон ғайр илтифотидин юзин ўгурмади,  
Бул сабабдин додхоҳим лаҳза келиб кўрмади.  
Кўнгли қаттиғ тошбағир, дардимга дору келмади.

Кўрмасам ҳар дам сени байтулҳазонни найлайин?  
Қолғон Иброҳимдан ул эски дўконни найлайин?  
Ҳам биҳишту кавсару ҳуру ғилмонни найлайин?  
Етти афлоку сакиз авжи қусурчи найлайин?  
Бул сабабдин ёд этарға тилга «ёҳу» келмади.

Куйгуси тонгла қиёмат дуди оҳимни кўруб,  
Қолгуси маҳшар эли ҳайрон гуноҳимни кўруб,  
Тийра бўлғай ер юзи рўйи сиёҳимни кўруб,  
Шояд ул раҳм айлағай, бу арзи ҳолимни кўруб,  
Зор ўлдум ҳажрида қошимга ҳақгў келмади.

Қўб юроким ғамга тўлди, гульузорим, келсано,  
Қон тўлибдур кўксума қошимга, ёрим, келсано,  
Ҳарна қилсанг сан ўзинг қил, дилфигорим келсано,  
Жумлаи шоҳлар улуги номдорим келсано,  
Дилни зангорини очқон оинарў келмади.

Зоҳидо, Машрабга дединг: «Масжид ичра қўй қадам!»  
Ултуруб меҳробда дединг: «Хотирингни айла жам!»  
Фаҳшдин қилдим ибо, ҳеч урмадим мен анга дам,  
Турфа ишдурким, кўрунг масжидга кирмиш дарду ғам,  
Неча кун зоҳид бўлуб кўнгулга бир «ҳу» келмади.

Токи мени бечорага бу дарду аламдур,  
Васлингни тилаб кўнглума андишаю гамдур,  
Ҳасрат ичида мунча менга жабру ситамдур,  
На дарди фалак бўлди, на тақдири қаламдур,  
Бул ғуссада ўлсам, бошимга оҳим аламдур

Сен дилбари жононау мен — ошиқи шайдо.  
Жонимни берай васлинг учун, айла томошо.  
Нетгум, мени ишқинг бу сифат айлади расво,  
Мажнунга тушуб доғи ғаминг бўлди басаҳро,  
Васлингга етиб ўлса бу ошиқга не гамдур?!

Мен сенга етолмай, санамо, хаста бу жоним  
Тун-кун сени излаб югуруб ташна забоним  
Бир неча маҳалдурки жафога хеш бу жоним,  
Етмасму сенга мунча мени оҳу фиғоним,  
Бу хастани доим тилаги лутфу карамдур.

Жон қийнамайин восили жонона бўлурму,  
Найсонки садафсиз дури якдона бўлурму,  
То шамъ куйиб ёнмаса парвона бўлурму,  
Оғзини очиб сўзламай афсона бўлурму,  
Васлинг асалу, доғи ғаминг — захри зақамдур.

Ҳайратда юрубман, санамо, васлингни излаб,  
Боқиб бу назар кўзи била мен сени кўзлаб.  
Ҳайрону саросима юруб, телбали сўзлаб,  
Нафс эгрисини тиғи муҳаббат била тузлаб,  
Охир бу ўлимнинг қўлидан барча адамдур.

Санамо, юзинг биҳиштин гул очиб баҳор қилдинг,  
Нега ғайр ила тузуб базм, мени беқарор қилдинг?  
Отибон ғаминг ўқини, юрагим фиғор қилдинг,  
Мени, эй хумор кўзлик, нега мунча зор қилдинг,  
Тилагач жамолинг, эй гул, кўчаларда хор қилдинг.

Чидамай ситамларингга кетайин олиб бу бошим,  
Дарау даштлар кезибон оқизай ҳамиша ёшим,  
Ғаму дард этса туғён куядур ичиму тошим,  
Кўпидин тазаллумингга на илождур чидошим,  
Ситаму аламларингни бир эмас ҳазор қилдинг.

Тилиму дилимда, жоно, туну кун эрур сифотинг.  
Бу ажаб эл оғзидадур шаккару асал, наботинг,  
Кечибон бу жисму жондин тиладим сенинг ҳаётинг,  
Улуримга рози бўлдум нега келмади уётинг?  
Эшикинг тубида юз минг осилурға дор қилдинг,

Садафинг дури мунаввар, ани сен ниҳон тутубсан,  
Сен эмассан насли одам, пари хайлидин ўтубсан,  
Сен ўзинг узоқ ташлаб, мени бунда овутубсан,  
Менга бир нигоҳ қилмай, неча ўзгани кутубсан,  
Мени бадхумор айлаб кими ихтиёр қилдинг?

Эла илтифотинг ўлса, юрагимда доғ сендин,  
Ўзинг ар очулса гулға тутулур димоғ сендин,

Нега ўлсаму йўқолсам йўқ эрур сўроғ саядин?  
Инқилиб қўпиб турурман менга йўқ аёғ сендин,  
Мени ўлтуруб гаинингда ўйла жон нисор қилдинг.

Гоҳи сайр учун чиқибон ҳама ёққа қош қоқарсан,  
Мени телба итни кўрсанг қувмоққа тош отарсан,  
Менга тийра тун бўлурсан, элга юз қуёш этарсан,  
Менга гоҳи ўқ ёрилса элиннга талош этарсан,  
Эла юз карамлар айлаб, мени нега зор қилдинг?

Базминг бўлди боғу май учун қилиб гулгун хум,  
Менга қилмадинг тараҳҳум на учунки, толеим шум,  
Бу тириклигимдин ортуқ ер ичинда бўлганим гум,  
Мени қил ҳазор пора, эл ичинда қилма маҳрум,  
Мени йўқ қилиб жаҳонда душманини бор қилдинг.

Туну кун тилаб, нигоро, ики зулфинг айладим дом,  
Бахту толеинг бўлуб ёр, қўймади бу домға гом,  
Элга бўлса васл ҳосил, менга бўлди хушк бадном,  
Менга басдур ушбу давлат, деди Машраби гумном,  
Не учун бурун ўзиннга мени дўстдор қилдинг?



**Хонумонидин жудо бўлган кишидин дард сўранг,  
Уртаниб қадди дуто бўлган кишидин дард сўранг,  
Бул зулмга ошно бўлган кишидин дард сўранг,  
Бекасу бемуттако бўлган кишидин дард сўранг,  
Мисли мен бедасту по бўлган кишидин дард сўранг.**

**Телмуриб қолдим бу йўлда ҳамсафардин айрилиб,  
Йўл адошиб ғамдадурман роҳбардин айрилиб,  
Бахт қаро келдим бу йўлда яхшилардин айрилиб,  
Андалиб эрдим қолибман болу пардин айрилиб,  
Мен каби бахти қаро бўлган кишидин дард сўранг.**

**Онадин туғмиш куним рўзе ҳаловат кўрмадим,  
Бу работи кўҳнада мен истиқомат кўрмадим,  
Ғарқ бўлдум неча бор меҳнатга роҳат кўрмадим,  
Ғуссадин ўлдум даме хоби фароғат кўрмадим,  
Хонабардўши гадо бўлган кишидин дард сўранг.**

**Даст хушку бибизоатман жаҳондин бесамар,  
Волидайиндин айру тушганман, қолибман муштипар,  
Бекасу бемуттако бўлган кишини ким сўрар,  
Ичганим захроба бўлди, моҳазар — хуни жигар,  
Уртаниб соҳиб азо бўлган кишидин дард сўранг.**

**Бул менинг рози дилимни зор бўлганлар билур,  
Дард кўрганлар билур, бемор бўлганлар билур,**

Ғуссалар бирла дили афғор бўлганлар билур,  
Бир азиз бош филмасал кўп хор бўлганлар билур,  
Йўл аро бераҳнамо бўлган кишидин дард сўранг.

Мисли қақнусдек бу оташ ошёнимдин чиқар,  
Нола қилсам оташи сўзон забонимдин чиқар,  
Шўриши маҳшар менинг оҳу фиғонимдин чиқар,  
Дард кўрганлар баёни достонимдин чиқар,  
Уртаниб қадди дуто бўлган кишидин дард сўранг.

Муддате бўлди бу йўлда истироҳат менда йўқ,  
Қашфи ҳолдин ориман, нури каромат менда йўқ,  
Лоладек сийнамда доғим бор, фароғат менда йўқ,  
Рози дил изҳор қилсам аҳли суҳбат менда йўқ,  
Ранги зарди қаҳрабо бўлган кишидин дард сўранг.

Ғуссадин афсурдаман, бағримда қоним қолмади,  
Бўлди хокистар вужудим устухоним қолмади,  
Онқадар ўртанди жисми нотавоним қолмади,  
Ҳажру ғам бирла фано бўлган кишидин дард сўранг.

Машрабо, зулматга ғарқ бўлди менинг обу гилим,  
Бу сабабдин танг келди боратурғон манзилим,  
Ҳар замон, ҳар лаҳза, ҳар соат паришондур дилим,  
Изласам ёнимда йўқ бир ғамгусори қобилим,  
Уртаниб қолган, адо бўлган кишидин дард сўранг.

Эй санам, гулгул ёнубсан май ичиб, рахшонмусан?  
Барқ уродур юлдузинг, ҳай-ҳай, маҳи тобонмусан?  
Хуш кулуб берғил жавобим жонмусан, жононмусан?  
Оллоҳ-оллоҳ, пора қўнглум тахтиға султонмусан?  
Шишаи жонумға тушган бир пари жавлонмусан?

Силкиниб бир-бир келурсан бул ажаб мастонасан,  
Май ичибон, тир чекибсан, турфа гулгун ёнасан,  
Бу назокатда турурсан сен начук жононасан?  
Гулмусан, райҳонмусан, ё дурмусан, дурдонасан?  
Лъалмусан, маржонмусан, ёқути жоножонмусан?

Оразинг анвар хатинг — анбар, лабинг — шаҳду шакар,  
Пистаи хандондур, оғзинг, қўзларинг — бодоми тар,  
Оразинг саҳни аро холу хатингдур жилвагар,  
Бу назокат бирла, ҳай-ҳай хуш келибсан дар назар!  
Гулмусан, булбулмусан, сунбулмусан, райҳонмусан?

Икки рухсоринг қизил гулдурми ё барги суман,  
Донаи райҳон — қаро холу хатинг — саҳни чаман,  
Сийм тан, гул пираҳан, ширин сухан, нозик бадан,  
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан,  
Ҳурмусан, филмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан?

Гул юзинг, наргис кўзунг, райҳон хатинг, гулғунча лаб,  
Маҳв бўлдум, эй пари, тобон жамолингга қараб

Қоматинг нахли биҳиштидур, занухдонинг — рутаб,  
Зулф ила холинг юзунг узра ярошубдур ажаб,  
Мисрга лашкар тўкубсан, шоҳи Ҳиндистонмусан?

Лаъли рахшондур лабинг, қурси сабоҳи — рабғабинг,  
Ой юзунгга хўб ярошур дона-дона кавхабинг,  
Доғлар қўйди юракка ул қаро холу хатинг,  
Муячча доғ этмак недурким, эй ситамгар кўларинг,  
Ултурурсан, тиргизурсан, Исои давронмусан?

Чун қадам қўйдинг чаман саҳнига, эй бехор гул.  
Бўлди пояндоз шамшодингга ол рухсор гул,  
Қарқаранг сунбул, кулоҳинг — гунчау дастор — гул.  
Қилди авродингни Туру Синода такрор гул,  
Қоматингдур турфа нозук химчан ларзонмусан?

Турфа зулфунг ҳам эгилди чин-чин устига чин,  
Чинийлар келди бу чин савдосига Чин мулкидин,  
Силкиниб уйдин чиқарсен сарв бўйлуқ нозанин,  
Мен нечун қилмай фидо жону дилу имону дин,  
Хуш кулуб жоним олурсан, офати давронмусан?

Сўзларинг шаҳду шакардур, лабларинг қанду асал,  
Қоматингдур найшакар, бошдин аёғинг — бебадал,  
Бир наво айлай, қулоқ солғил эшитгил бу масал,  
Булбулингман, сен — гулимсан ҳам гулистони азал,  
Машрабинг ўртанди, эй гул, оташи сўзонмусан?

Бергил худо йўлига, соқиё, бир аёр,  
Ултурма, кўб хумор ила, тоза қил димор.  
Тарк этти хонумонни девона қилди соғ.  
Улдум тажалли бирлаю қолди юракда доғ.  
То ломаконга етмади жон тобмади сўроғ.

Тортсам бир оҳ дард билан маҳшаринг куяр,  
Қилсам фиғон булоқинг қуруб, кавсаринг куяр,  
Қоч осмон, панаға ёшурун, пайкаринг куяр  
Эй Жабраил, йиғ эмди ўзунгни, паринг куяр,  
Бедардсану фариштасан, ишқдин йироғ.

Сая-сан кўнгул манозилия моҳи дилфиреб,  
Дардимни айтайин санго, эй меҳрибон табиб,  
Гулзори боғи ҳуснида, эй жон сан андалиб,  
Доруи раҳматингни манго айлагия насиб.  
Булбул гамингда ўлдию, қолди фароғатда соғ...

Эй қодир қариму карамбахши зулжало  
Раҳи эт бу хаста ҳолима, эй шоҳи безавол.  
Утти тамоми умр гуноҳ бирла маҳу сол.  
Азбаройи ғам букулди қадим бўлди мисли дол,  
Бу Машрабингни ғуссау дардига сол қулоғ.

Этагимни елпишидин юз худо пайдо бўлур,  
Бу дилимни кавламанг оташкадо пайдо бўлур,  
Ҳар тарафдин наъраи «воҳасрато» пайдо бўлур,  
Зухд элига ғулгули «ҳой-ҳу» нидо пайдо бўлур,  
Аҳли тақволар аро «вовайлато» пайдо бўлур.

Дил туташди куфр ўтига шайх ғавғосин кўруб,  
Ул ситамгар ришвахўрлар зуҳду тақвосин кўруб,  
Фақр элидин музд олур муфти таманносин кўруб,  
Шармсор зуҳҳод элини халқни яғмосин кўруб,  
Бу тилимдин найлайин аччиқ садо пайдо бўлур.

Хўжа, саййид, бегу хон сардорлар бадкор эса,  
Зулм тигин тез этурда ҳар бири номдор эса,  
Косалес каззоб шайхлар бу ватанда бор эса,  
Мазлум эллар инграшубким парча нонга зор эса,  
Куфр элига Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур.

Зиҳи расволиғим оламға солди шўру шар танҳо,  
Наҳанги нуҳ фалак дарёси бўлди алҳазар танҳо.  
Нигорим бирла мен бир пираҳанда халқи бар танҳо  
Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо,  
Чу семургеки парвоз айлағай беболу пар танҳо.

Биҳишт айвонида бўлмоқ иложин орзу қилмай,  
Сотарға дину дунёни ривожин орзу қилмай,  
Яна Руму Хито божу хирожин орзу қилмай,  
Шаҳи рўйи заминни тахту тожин орзу қилмай,  
Гадои фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо.

Дили тиғи ситамдин пора бўлгон халқни кўрдум,  
Тани дарду аламдин ёра бўлгон халқни кўрдум,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлгон халқни кўрдум.  
Муҳаббат даштида овора бўлгон халқни кўрдум,  
Жунун тугён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо.

Аё, эй толиби содиқ, будур арзи баён билгил,  
Вале оллоҳни ғойибларини бегумон билгил,  
Қаро туфроқ ўзунга, дилни хуршиди жаҳон билгил,  
Назар то қутби олам бўлмағунча бегумон билгил,  
Нучук бўлғай жавоҳир баҳридин соҳибназар танҳо.

Гараз кавну макондин ишқ эди, на кону, на гавҳар,  
Мусулмонзода бўлсанг, эй биродар, айлағил бовар,

Танингда бўлса жонинг, тинмайин сан истагил раҳбар,  
Муҳаббатдин насими субҳи содиқ бўйи гул истар,  
Қани ул булбули шўридадин оҳи саҳар танҳо...

Бу кун махмур учун пири муғон олдиға бош қўйдум,  
На шайх олдиға бордим, на бараҳман сўзида турдум  
Йўлингда гоҳ югурдим, гоҳ йиқилдум, гоҳ ўлтурдум  
Сени то кўргуча, эй нозанин, тангрига топшурдум,  
Мени мундоғ мусофир айлади даври қамар танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасига суҳбати маъшуқ,  
Муяссар бўлмаса маҳрамсарои хилвати маъшуқ,  
Вужудингни адам қилмоғлиғингдур миннати маъшуқ  
Йўқ эткил ўзлигингни келмагай то ғайрати маъшуқ,  
Киши маҳрам бўлолмас ўрига бўлмас агар танҳо.



Кўргали ҳусни жамолинг мен гирифтор ўлмишам,  
Фурқатингда ҳажр аро тунларда бедор ўлмишам,  
Ул қаро зулфинг тори бўйнуғга зуннор ўлмишам,  
Иштиёқи ёрдин Мансури дар дор ўлмишам,  
Тиғи зулмингдин бошимға бир ситамкор ўлмишам.

Сафҳан ҳуснунгда кўрдум бир малоҳат дафтари,  
Ораз узра хатту холинг эрди мушки анбари,  
Жисму жонимни фиғор этти ғамияғни лашқари,  
Кўзларинг жаллод этиб, киприқларчингни наштари,  
Қумри янглиғ сарв қаддингга гирифтор ўлмишам.

Ой юзунгни кўрдиму кўяғлумни мен шод айладим,  
Хоки пойинг излаюб ҳар кунда фарёд айладим,  
Бу жунун бозорида ақлимни барбод айладим,  
Вомиқу Узрою Ширинни чу бунёд айладим,  
Халқи олам ичра бир ёри вафодор ўлмишам.

Кўзда ашким сел этиб ҳар дам фаровон йиғладим,  
Бир висолинг ёдида дард ичра пияҳон йиғладим,  
Ғушча янглиғ лабларингга оҳ уруб қон йиғладим,  
Кўйида Мажиҳун бўлуб дашту биёбон йиғладим,  
Лаълиғ узра хатти мушкичингга дилдор ўлмишам.

Доғи ишқинг лоладек сийнамни қилмиш чок-чок,  
Ханжари мужгон ўқи қилди юракни дардноқ,  
Олам ичра ҳеч йўқдур бир сенингдек зоти пок,  
Раҳм этиб лутф айлагил, кўюнда бўлдум эмди хок,  
Кирди Машраб йўлиға бир яхши гуфтор ўлмишам.

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар эттим,  
Сийнамни маломат ўқиға ҳам сипар эттим,  
Бу манзили беҳуда кўруб ман сафар эттим,  
То олами зоҳирға келиб ман гузар эттим,  
Тарк айладиму жумлани қатъи назар эттим.

Хижрон кечаси нола қилиб ҳамдаме топмай,  
Аҳволи кўнгул айтғали бир маҳраме топмай,  
Хижрон тўғининг захмига мен марҳаме топмай,  
Озору ситамдин нафасе ораме топмай,  
Зулмунгни қариндошу ғамингни падар эттим.

Эй ёр, сени лаъли лабинг қанду асалдур,  
Ҳар бир боқининг тийри бало жонга халалдур,  
Рум халқини Занг этти асиру не масалдур,  
Савдои сари зулфинг учун неча маҳалдур,  
Жон кишварини буздиму зеру забар эттим.

Қилди бу фалак шуъбадаси хастау дилреш,  
Ошиқ кишилар билса они, душман эрур хеш,  
Бир йил ўн ики ою ҳамал ёзина ҳам қиш,  
Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,  
Бас жандани кийдим ўзимни дарбадар эттим.

Ғам кечалари бўлди менга мунису дамсоз,  
Ул шўҳи бало сайд қилур кўзлари шаҳбоз,  
Ғам хайли жафо бирла ёди ҳамдаму ҳамроз,

Васлинг ҳаваси бирла кўнгул этгали парвоз,  
Ҳар ўққи юрак узра эди, болу пар эттим.

Оҳим ўқини шум рақибларга отай деб,  
То кўйи муҳаббатни дилим бирла чолай деб,  
Қийдим кафанинг фақр ила гулханда ётай деб,  
Душманки дучор ўлса анга ҳарб қилай деб,  
Дўстим қўлини туттиму тиғу табар эттим.

Бир дилбари жононани ҳамроз этай деб,  
Жонимни бериб жонига дамсоз этай деб,  
Жон тўтисини ишқ ила шаҳбоз этай деб,  
Бир қушки чўлоқ сониде парвоз этай деб,  
Гул ғунчалари белга суқуб болу пар эттим.

Мен бунда хароб ўлдиму сен анда саломат,  
Дунёи дағо ичра менга йўқтур ҳаловат,  
Жон мулкида ҳижрони келибдур не аломат,  
Афгору кабоб ўлгали ул аҳли сабоҳат,  
Хуни жигарим жамъ қилиб моҳазар эттим.

Ялдо кечаси бўлгали ёрим била ҳамгап,  
Бир ғамзага торож этибон дин ила мазҳаб,  
Сиррини ниҳон этти будур боиси матлаб,  
Кўтаҳназар бўлмаса деб хаста бу Машраб,  
Минг маънини бир нуқта била мухтасар эттим.

Ерни кўйиға мен бормоқ эдим,  
Ҳар неча жавру жафо тортмоқ эдим,  
Қона тўлгон юрагим ёрмоқ эдим,  
Ой санамни кўйида юрмоқ эдим,  
Қоқулини кўзимга сурмоқ эдим.

Салтанат тахтини ҳар ким оладир,  
Бунда навбат нақораси чоладур,  
Ерни ҳажр ўти жонға ёрадур,  
Утлуғ оҳумдин бошимға жоладур,  
Неча йилу неча ой турмоқ эдим.

Риштаи жоним била сочбоғиман,  
Оёғ остиға киёр бошмоғиман,  
Кечасин ичидаги чақмоғиман,  
Ишқиёлар ичра бағри доғиман,  
Ҳинду Шому Руму Чин сурмоқ эдим.

Кўк баширға ярашур лола қизоқ,  
Таҳ-батаҳ қондур юрак, борму пичоқ,  
Ернинг ойдек юзи қизилу оқ,  
Эй санам тегди ўқу қолди бошоқ.  
Гардини мижам билан қоқмоқ эдим.

Кўҳи ғам остида қолғондур таним,  
Қайси ғурбатда бўлубдур маҳрамин,

Дарбадар ҳар ёнға бориб ўлганим,  
Сен олур бўлсанг қилич бирла жоним,  
Толпиниб қонумни ман сочмоқ эдим.

Севсам фойдаси йўқ сув сойдоқи,  
Эмди билсам сув топилмас қайдоқи  
Бўтакўз ёримни ўйнар тайлоқи,  
Сан мино рахтингни қўйсанг ёйлоқи,  
Ўҳруқ олиб илқи қайтармоқ эдим.

Тиғи ғам кўксумни қилди ёрақу,  
Ер суюб боқиб ўтар ман тирақу,  
Тангридин кўбтур умидим тилақу,  
Кўкбашир устиға тиктум гирақу,  
Чўб олиб таблингни ман қоқмоқ эдим.

Олмани қўшса бўлурму норға,  
Ҳақ ризо кўнгулни қўшғай ёрға,  
Бир назар қилсанг бу Машраб зорға,  
Ургулуб арзимни айтай ёрға,  
Ястаниб кўйинг уза, ётмоқ эдим.

Гул-гул сочингни ёзиб кел сайри бога дилбар,  
Нозу карашма бирла келгил қучога дилбар,  
Анбар исингни ҳар дам келтур димога дилбар,  
Гул чеҳралар бошингдин бўлсун садога дилбар.  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Эй гул, мани бу жоним бўлсун санга тасаддуқ,  
Бу жисми нотавоним бўлсун санга тасаддуқ,  
Йўлунга хону моним бўлсун санга тасаддуқ,  
Руҳим била равоним бўлсун санга тасаддуқ,  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ишқингдин, эй паризод девоналар бўлубман,  
Жоми муҳаббатингдин мастоналар бўлубман,  
Сабру қарорим олдинг, сарсоналар бўлубман,  
Шамъи руҳингда, эй моҳ, парвоналар бўлубман,  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Қаддинг алифга ўшар, қоши қаро нигорим,  
Куйдум ғамингда, эй жон, сўрсанг-чи ҳоли зорим,  
Ҳар дам мушавваш айлаб, олдинг мани қарорим,  
Ишқингдин ўлдум, эй жон, раҳм айла, гулўзорим,  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Бошингдин ўргулайин, икки қизил юзунгдин,  
Ҳам тарзи қоматингдин, ҳам кўзу ҳам қошингдин.

Ул холи лаб ярашган авроқи оразингдин,  
Жисмига жон талошур ҳар бир санинг сўзингдин,  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ҳолимни сўрмадинг ҳеч, эй маҳваши шакарлаб,  
Эй маҳваши шакарлаб, эй шўхи сийм ғабғаб,  
Жон куйди тан ичинда, афсурда бўлди қолаб,  
Куйдурма, эй нигорим, мунча мани жафолаб,  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Соғар элингда, жоно, келгил иков ичойлук,  
Масти муҳаббат ўлуб сўз дафтарин очойлук,  
Минг бир мухаммас девон майхонада сочойлук,  
Лутф айла қўш аноринг сийна узра қучойлук,  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Олмак кўнгулни, эй жон, ҳай-ҳай на дилрабосан,  
Сангиндилу жафожў пурхашму пуржафосан,  
Хубони олам ичра бир ҳури бевафосан,  
Найлайки, эй паризод, гайр ила ошносан.  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ҳолимга қил тараҳҳум, эй сарви қадди раъно,  
Қил чашми марҳаматдин Машрабни бир дам парво  
Ҳур ўлса сандин ўзга қилмам они тамошо.  
Ғамзангни ўқи бирла тушти жаҳонга ғавго,  
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доға дилбар.



Бу кун ҳар ким билан мен ўлтуруб қон йиғласам арзир  
Яқомни чок өтиб, ҳар дам фаровон йиғласам арзир,  
Юруб дашту биёбон то рамақ жон йиғласам арзир,  
Қўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Жаҳон айвонида чун беалам ўлтурмаган жоним,  
Мудом ноком ўлуб, бир рўзи равшан кўрмаган жоним.  
Жаҳонни роҳатидин бир даме хуш бўлмаган жоним,  
Қўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Ажаб дилгир мен, арз айлагудек роздоним йўқ,  
«Сенинг ҳолинг нечук бўлди» дегудек меҳрибоним йўқ,  
Мисоли чуғдек вайронадин ўзга маконим йўқ  
Қўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Мисоли най қуруқ жисмимда фарёду фиғоним бор,  
Агарчи сабзасизман, кундадин боди хазоним бор,  
Фироқу дарду ғамдин хона-хона достгоним бор,  
Қўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Оёқ остида қолган ожизу бедасту пойман,  
Бошим ҳеч ерга сиғмай, мен чучук сўзни гадойман,

Чунон лабташнаман, дарё лабида мисли чоҳиман,  
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Агар мен наъра урсам, қўрқаман, маҳшар куяр дерман,  
Ғушуб дўзахда оташ мўмину кофар куяр дерман,  
Дилимни дардига жаннат била кавсар куяр дерман,  
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Кўзумни ёшини Жайхунча дарё қилмасам бўлмас,  
Узумни мисли Мажнун элга расво қилмасам бўлмас,  
Жаҳон мақсудидин дастимни кўтоҳ қилмасам бўлмас,  
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Ғаму андеша охир ашкими мужгонга еткурди,  
Бу мотам бора-бора шўриши тўфонга еткурди,  
Юрокимни алам чок этти ғўристонга еткурди,  
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Аламли Машрабам, доғи фироқинг тушди бошимға,  
Кўзум очтим қиёмат можароси тушди бошимға,  
Қиёмат лашкарининг минг балоси тушди бошимға,  
Кўзумдин қон тўкуб, чун абри найсон йиғласам арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Қанъон йиғласам арзир.

Эй сафобахши баҳори бўстони қайдасан?  
Нури дийдам, мушфиқим, оромижоним, қайдасан?  
Эй тириклик боиси ороми жоним қайдасан?  
Ғам тиғи бирла ўларман меҳрибоним қайдасан?  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Хотирим васвосдур, девона дерлар сўзласам,  
Эмди манга фарздур, байтул ҳарамни кўзласам,  
Дашту саҳрони кезиб етим қўзидек бўзласам,  
Ман сани қајдин топарман тоғу гузни изласам,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу жаҳонда лаҳза ором топмадим бир дам тиниб,  
Булбули бехонумондурман пару болим синиб,  
Бенаводурман бу боғ ичра аномдин айрилиб  
Мен етим ўлдум, нетай, қолди қанотим қайрилиб,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Дўстлар, айб айламанглар хотирим васвосдур,  
Бу ўлумни ханжари бурроси туз олмосдур,  
Сабр қилгил бандалар сархайли хайрунносдур,  
Бу ўлум Одам Атодин бизга бир меросдур,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлумни дастидин, эй дўстлар, ҳайрондуман,  
Тобмайин чорамни ман ҳар ерда саргардондуман,

Найлайин ман бандан шонстан Раҳмондуман  
Дардим афзуно, дилим ғамдийда, бесомондуман,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлумни дастидан мандин забунроқ йўқ киши,  
Зорилаб ҳар кун бу ғамда сарнигунроҳ йўқ киши,  
Меҳнати ҳижронида мандин забунроқ йўқ киши,  
Ман етимдин бенаво беҳонумроқ йўқ киши,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Найлайин, ёлғуз манга йўқ, барчага келгон ўлум,  
Ҳазрати Одам Атомиздин мерос қолгон ўлум,  
Барча одам жисмини ер остига солгон ўлум,  
Ёлғузун манго эмас, эл жонини олгон ўлум,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлум зор йиғлатиб қилди мани барги хазон,  
Танда дармон қолмади бўлдум заифу нотавон.  
Бу оғир юк остида бўлди қадим мисли камон,  
Бўлмағой олам ичида ман киби беҳонумон,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Эрка ўстим дардмандлик бирла одат қилмадим,  
Ҳар тараф елдек юруб тўқлуққа тоқат қилмадим,  
Ҳарза юрдум бир шаҳарда истиқомат қилмадим,  
Эй азизим, ман санга жон бирла хизмат қилмадим,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?



**МУСАДДАС**

Эй пари юз кўрсатиб минг ноз ила боққонмусан?  
Хирмани умрумга ишқинг ўтини ёққонмусан?  
Меҳрдек ҳуснунга зулфунг абрини ёпқонмусан?  
Ўзга юзга боқмасун деб кўзга миҳ қоққонмусан?  
Қатл айларга мени (сен) тийр отиб, чопқонмусан?  
Айланиб ҳар ёнга ғамзанг ўқини отқонмусан?

Сунбулу райҳон сочар ҳар дам паришон коқулинг,  
Барчани булбул қилур ул тоза очилган гулинг,  
Маст этар агёрни лаб жомидан гулгун мулинг,  
Лаълу маржонлар тўкар кўз махзанидин булбулинг,  
Илтифотинг махзанидин топмади маҳзун қулинг,  
Толёимга лутфу эҳсон эшугин ёпқонмусан?

Шодлик даври сангодур масканинг майхонадур,  
Туну кун ишрат майидин кўзларинг мастонадур,  
Лаългун май тобидин юзунгда минг дурдонадур,  
Жон умид айлаб ўшал дурлар учун парвонадур,  
Дарду меҳнат тошидин кўнглум мени вайронадур,  
Нотавон кўнглумга ҳар дам доғлар қўйғонмусан?

Танда шакли тирноғинг ийди ҳилолимдур манинг,  
Қим анга ҳайронлигим дафъи малолимдур манинг,  
Кўзни ҳайрон ҳуснунга қилмоқ хаёлимдур манинг,  
Итларинг сониди ўлмаклик камолимдур манинг,  
Танда ҳар ён ўқларингдин навниҳололимдур менинг,  
Кўнглум олуб ўртамакка жон аро солғонмусан?

Мандин ўлдинг не учун эй дилрабо, ошуфта ҳол?  
Барча эл кўнгул қушин тутмоқ учун айлар хаёл,  
Лола янглиғ юзларинг узра хатинг, ойдек ҳиллол,  
Дам-бадам сув ўрнига ул лаълинг тўкти жоми бол,  
Сарв шохин ҳар тарафга мойил эткандек шамол  
Жилва айлаб қайрилурсан химчан ларзонмусан?

Хўб ярашур, эй нигорим, бошинг узра қарқаранг,  
Ушбу зийнатлар била бул нотавонга бир қаранг,  
Тарки зулм эт лаҳзае раҳм айла, эй шоҳи фҳранг,  
Қораси хубдур қошингга ўсма бирла сурмаранг,  
Турфа нозик гул юзингдур кирпичинг санчиб хаданг,  
Барча маҳваш ишқ аро қул, ҳусн аро султонмусан?

Соғар ичгач гул очилғондек қилурсан хандалар,  
Жон топар қаҳ-қаҳ унингдин қайтадан жонкандалар,  
Тийри ғамзангдин йўлингда ҳар тараф афкандалар,  
Барча қотиллар сени кўрса бўлур шармандалар,  
Лайлию Ширин каби кўйингда юз минг бандалар,  
Барча юзни нопадид этган маҳи тобонмусан?

Қатл учун кийгон тўнунгни гул билан гчкконмудур,  
Ултуруб боқти элин андин сочилғон қонмулур,  
Ҳар бири гулдак юз очиб сан каби жононмудур,  
Тиг сурсанг қочмайин қолғон қулинг нодонмудур,  
Нозу ғамзанг тиғи бирла ўлмагон ҳам жонмудур,  
Утмусан, ё гулмусан, ё лаълмусан, маржонмусан?

Оташин лаъли майингдин журъае қилдим талаб,  
Ваъда қилдинг лутфу эҳсондин беройин лаҳбалаб,  
Боқмадинг, билмам гуноҳим, кўз учи бирла қараб,  
Бул ажаб маҳрумлуқдур бизга бўлди рўзу шаб,  
Не сабабдин қувладинг мен хаста қулни ташналаб,  
Айтғил тангри учун сўзи чину, ёлғонмусан?

Қатл этар ҳар кунда мен бечорани кофир кўзинг,  
Кеча ишрат бирла, қон тўкмакда ўтти кундузинг,  
Қайси шоҳни ҳадди манъ этмоққа — ҳочимсан ўзинг,  
Лаҳзада юз минг кишига жон берур ширин сўзинг,  
Ғунчадек оғзинг очиб, Машраб қулингни тиргузинг,  
Улдурусан, тиргузурсан — Исон давронмўсан?



## МУСАББАЪ

Эй гунчан навхези гулистони малоҳат,  
Эй тоза ниҳоли чаманорон назокат,  
Зулфи сияҳинг фитнаю, холу хатинг — офат,  
Иўлингда тегар бошима минг санги маломат,  
Мақбулсан, эй дилбари хуш лаҳжа, бағоят,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Ул холки кунжи лаби жонона тушубдур,  
Жон олмоқ учун кўзлари мастона тушубдур,  
Ҳинду бачае мулки Сулаймона тушубдур,  
Ул чоҳи занаҳдонига бир дона тушубдур,  
Чун Юсуфи Яъқубки зиндона тушубдур,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Гулгунчан нозик баданим, лола узорим,  
Шамшод қадим, сийм таним, чашми хуморим,  
Ҳусн мулкида жонона бўлан шоҳсуворим,  
Кел олдима, жон садқа қилай сенга, ниғосим,  
Ҳам сабру қарор қолмади кўнглумда мадорим,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Ҳуснуиғ нарақида бағлиб турфа ажиб хат,  
Эким ясамишлар табақи лаъли забарҷад,

Бир шеваи ноз ила агар неку агар бад,  
Рафторинг ила қоматинг, эй тўбини хушқад,  
Жоним беройин зулфи сиёҳингга мужаррад.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Эй мугбача, маргублуғунг ҳаддин ўтубдур.  
Овози ҳуснунг ҳама оламини тутубдур,  
Гулзори жамолингга хату лола бутубдур,  
Машшотаи тақдир сени хуш ясатубдур,  
Юзингни кўруб одами жаннат унутубдур,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Бул турфа хироми қилибон неча таманно,  
Куйдум мени ёд этмадинг, эй маҳвашим, асло,  
Лаълингга ёзилган хати сабзанг гули раъно,  
Бир тарз нигоҳингга қилибсан мени шайдо,  
Қошинг қаламу шамъи жамолинг чаманоро,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Даврон эли бир тарзи нигоҳингга тасаддуқ,  
Оҳун Хўтан чашми сиёҳингга тасаддуқ,  
Жононаи Чин зулфи дутоҳингга тасаддуқ,  
Бағдод ила Рум тарфи кулоҳингга тасаддуқ,  
Мен ҳам бўлайин рўйи чу моҳингга тасаддуқ,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Ҳар дам мани бечора қилиб дод ила афғон,  
Қўйингда юрибман неча йил бесару сомон,  
Ул сарви қадинг ёдина қумри каби нолон,  
Қурбонинг ўлай мунча мени қилма паришон,  
Сенсан шоҳи хоҳону жононаи даврон,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!

Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

Кокулларинг ҳалқасин чун ой кўрубман,  
Жон виштасин хар торига баржой кўрубман,  
Киприкларинг ўқларини ёй кўрубман,  
Гисулару, чин зулфини барпой кўрубман,  
Машрабни ўзум ошиқи худрой кўрубман,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат!

## ҚИСҚАЧА ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

А б а с — беҳуда.

А б л а қ — ола-була от. «Аблақи лайлу наҳор» — кеча ва кундуз оти. Шоир кечаси ва кундузини (*суткани*) тезучгр от сифатида жонлантириб талқин қилмоқда.

Аблақи лайлу наҳорингга миниб чопмоқ эдим.

А б т а р — 1. Бахтсиз, шўрлик. 2. Юлуқ, бузуқ, потамом.

А в р о д — «вирд» сўзининг кўплиги; вирдлар, такрорланадиган дуолар; донмий вазифалар.

А з а л — бошланиши номаълум бўлган узоқ ўтган аزمون.

А з в о ж — хотинлар, никоҳланган хотинлар, эрли аёллар.

А й ю б — яҳудий ва христиан динлари китобларида Иов тарзида юритиладиган пайгамбар. Айюб исми шарқ классик адабиётида жабр-зумлга сабр-тоқат рамзи сифатида қўлланилади. Гўё худо синов учун унга узоқ муддатли (*73 йил*) касаллик берганда Айюбнинг танидаги жароҳатлар қуртлаб кетган эмиш. Мабодо бирорта қурт ерга думалаб тушса; у «очликдан ўлмасин» дея олиб яна ўз жароҳатига қўяр эмиш...

А к к а — ҳакка, зағизгон.

А л а м — байроқ.

А л и л — иллатли, нуқсонли, жароҳатли, касал; бемор.

А л и ф — эски ўзбек ёзувидаги биринчи ҳарф. Машраб «алиф»ни «бир» маъноснда ҳамда қад тиклиги рамзи сифатида қўллайди.

А л л о м у л ф а ю б — гойиб алломаси, яъни худо.

А л ʼ а т а ш — чапқоқлик, сувсамоқ.

А м в о ж — мавжлар, тўлқинлар.

А н б и ё — набилар, пайгамбарлар. Бирлиги — наби.

А н б о з — шерик, жуфт, тенг.

А р б а д а — шовқин-сурон, тўполон, ғавғо-ғазаб.

А р з — ер.

А р и ф й ў л — тўғри йўл.

А р ш — 1. Осмоннинг энг юқори қисми. 2. Мажозан: энг юқори ўрин.

3. Мажозан: тахт.

**Арш усто ди** — худо, оллоҳ, тангри.  
**А х г а р** — чўғ, лаққа чўғ.  
**А х т а р** — юлдуз.  
**А ъ м о л** — амаллар, ишлар, қилғиликлар. Диний маънода бу дунёда қилинган савоб ёки гуноҳ ишлар.  
**А қ ф о с** — қафас.  
**А ҳ р а м а н** — девлар бошлиғи; афсонавий ёвузлик оламининг сардори.  
**Б а д г ў** — 1. Емон сўзлар айтувчи киши. 2. Емонловчи, гийбатчи.  
**Б а й т у л ҳ а р а м** — Макка шаҳридаги Каъба зиёратгоҳи.  
**Б а л б а л а** — 1. май кўзачаси, май идиши. 2. Идишдан май қўйилаётганда қулқиллаб чиқадиган овоз.  
**Б а р** — 1. Ҳосил, мева. 2. Мақсаднинг амалга ошгани. 3. Қуруқлик, ер юзининг қуруқлик қисми.  
**Б а р ж о** — ўринлатмоқ, бажармоқ, жойига қўймоқ.  
**Б а р қ** — яшин. **Б а р қ и т а ж а л л и** — худо аксининг ярқ этиши (*гасаввуфий тушунча*).  
**Б а с е** — жуда, роса.  
**Б а с о н и** — сингари, каби, симон.  
**Б а с т а л и к** — боғлиқлик, боғланганлик, берклик.  
**Б а т** — 1. Оҳор. 2. Урдак. 3. Урдак шаклидаги май идиши.  
**Б а т и** — она қорни, ҳомила турадиган жой.  
**Б а т ҳ о** — 1. Маккага яқин тоғ оралиғидаги бир дара. 2. Мажозан: Макка.  
**Б а я к б о р** — бирданига.  
**Б а р а й р а з м е ҳ н а т** — азобдан бошқа; ғамдан ўзга...  
**Б а ҳ р у б а р** — сув ва қуруқлик; денгиз ва қуруқлик.  
**Б е б о к** — раҳмсиз шафқатсиз, қайтмас, ҳайиқмовчи.  
**Б е д и л** — 1. Мафтун, маҳлиё. 2. Қўрқоқ, юраксиз.  
**Б е д и л а р з о н** — титровчи тол, титраб турган тол.  
**Б е н и ё з** — 1. Эҳтиёжсиз; 2. Эркин, озод, ҳур. 3. Мажозан: Худо.  
**Б е м у т т а к о** — суялчиқсиз, кимсасиз, ҳомийсиз.  
**Б е р и ё** — иккиюзламачиликсиз.  
**Б е с а р у п о** — 1. Бош-оёқсиз, телба. 2. Бебош. 3. Бечора, довдираган.  
**Б е ғ а ш** — қуйқасиз, соф, тиниқ.  
**Б и л қ и с** — Сулаймон пайғамбарнинг парилар юрн Кўҳи Қофдан келтирган суюкли хотини. Сулаймон ва Билқис муносабабларига доир жуда кўплаб қизиқарли ҳикоялар тўқилган.  
**Б и р ё н** — қовурилган.  
**Б и р у б о р** — айнан: бир ва мавжуд, яъни худо.  
**Б и с т а р** — тўшак, кўрпа.  
**Б и ҳ и л** — кечириш, афв, баҳридан ўтиш, бағишлаш.  
**Б и ҳ и ш т и а д н** — абадий яшаб қолинадиган жаннат.  
**Б о д а и М а н с у р** — Мансур Халлож қисмати ва унинг маслаги-га ишора.

Бодоми тар — янги узилган бодом, янги пўчоғи артилган бодом.  
 Боз — 1. Иш, машғулот. 2. Яна. 3. Қийғир.  
 Бози — ўйин, эрмак.  
 Болло — баланд, юқори. «Қади болло» — қомати тик, қадди адил.  
 Болу пар — қанот ва пат.  
 Бор — 1. Юк. 2. Қабул. 3. Мева. 4. Марта, карра. Боригаро — оғир юк.  
 Борималомат — маломат юки, маломат азоби.  
 Борон — ёмғир.  
 Босамар — мевали.  
 Ботил — беҳуда, хато, бузуқ, бекор қилинган, асоссиз; нотўғри.  
 Ботин — ички (*дунё*).  
 Буд — бор, мавжуд.  
 Булҳавас — ишқсиз, ҳар нарсага беҳуда қизиқаверадиган, тутуриқсиз киши.  
 Бурқатъ — чиммат, юзга тутиладиган парда, ниқоб.  
 Бурҳон — далил, ҳужжат.  
 Бухл — бахиллик.  
 Вазъ — тарз, важоҳат.  
 «Валлайл» — «Қуръон»даги бир суранинг номи.  
 Валлоҳ — худо, худоё, эй худо, худо ҳақи!  
 Вараъ — ман қилинган ишлардан чекиниш; тақво талабларига амал қилиш.  
 Васвос — йўлдан оздирувчи.  
 Ваҳдатмайи — бирлик майи. Тасаввуфий тушунчаси: худо ва олам бирлигини тан олиш концепциясидир.  
 Ваҳшию тайр — ҳайвонлар ва қушлар.  
 Вирд — тарк этмай бажариладиган вазифа, такрорланадиган дуо.  
 Во — очиқ.  
 Вожгун — тескари.  
 Воиз — ваъз ўқийдиган киши; теистик ва этик нутқлар сузлайдиган нотик.  
 Вола — мафтун, берилган, ҳайратда қолган, маҳлиё.  
 Волоғухар — олийнасаб, олижаноб.  
 Восил — эришган, уланган.  
 Воҳидул қаҳҳор — яккаю ягона худо.  
 Вубол — 1. Гуноҳ. 2. Зарар, зиён. 3. Мажозан: азоб, қаттиқчилик.  
 4. Юлдузга қараб фол кўришдаги наҳс — бахтсизлик белгиси.  
 Гавҳари якдона ёки гавҳари шоҳвор — йирик, энг кимматли гавҳар.  
 Гарон — оғир.  
 Гирих — тугун. Мажозан: жумбоқ.  
 Гом — қадам. Мажнунлик гоми — мажнунона дайдимоқ.  
 Гузаро — ўткир. Тиғи гузаро — ўткир ханжар.

Гулистони сняр — яхши хулклар чамани.  
 Гум — 1. Йўқолмоқ, йўқолган. 2. Мавж, тўлқин.  
 Гумном — айнан: номи йўқолган, оти ўчган, дараксиз унутлган.  
 Гўш — қулоқ.  
 Гўянда — айтувчи, гапирувчи.  
 Давриқамар — айнан: ой айланиши, яъни қисмат.  
 Дад — йиртқич ҳайвон.  
 Дарафтод бўлмоқ — ташланмоқ, устига отилмоқ, киришиб кетмоқ.  
 Дарафгонман — фгондаман.  
 Дардор — дорда, дорга осиглиқ.  
 Даржўш — қайнаб турган.  
 Даф — дойра, чилдирма.  
 Даго — макр, алдов, ҳийла, фириб, айёрлик, ҳийлагарлик.  
 Дигар — бошқа, ўзга.  
 Дийдабино — кўзи очиқ, кўрадиган кўз.  
 Дилситон — дилни олувчи, дилбар, севгил.  
 Дилфиреб — айнан: кўнгилни алдовчи; йўлдан оздирувчи. Мажозан: гўзал, маъшуқа.  
 Довар — ҳакам. Мажозан: оллоҳ.  
 Довуди нағмагар — Христианлар диний адабиётларида Давид деб юритиладиган киши. Довуд рус ва мусулмон диний китобларида пайғамбар тарзида гавдалантирилади. У эрамиздан аввалги ўнинчи асрда Исронл ва Иудеяни бирлаштириб; ягона яҳуд давлатини тузган тарихий шахс — шоҳдир. Довудга инебат берилган ривоятларнинг тарихий асосга эга эмаслиги маълумдир. Шарқ классик адабиётида теологик адабиётлар таъсирида бўлса керак, Довуд музика ижодкори сифатида талқин этилади. Шунинг учун ҳам уни «Довуди нағмагар» — музикачи Довуд деб аташ расм бўлган.  
 Дод — 1. Арз, шикоят. 2. Шоҳ, амалдор, қози. 3. Дод-вой, фарёд.  
 Додхоҳ — амалдор, қози (*даъвогар кишининг арз-додини эшитадиган киши*). Мажозан: шоҳ ёки худо.  
 Доман — этак.  
 Дороб — Каёнийлар табақасига мәнсуб Эрон шоҳи. У аёл шоҳ Ҳумойнинг ўғлидир. Доробнинг отаси Баҳмон шоҳ ўлган, эри тахтини эгаллаган Ҳумой, ҳукмронликни ўғлидан қизганиб, гўдакни сандиққа солиб, дарёга оқизиб юборади. Бир кир ювувчи киши сандиқни тўтиб олиб, сувдан топилгани учун болага Дороб (*суя тут*) исмини қўйиб тарбиялайди. Дороб улғайгач онаси армиясида Рум ҳужумида қаҳрамонликлар кўрсатади. Хатто Рум Қайсарини (*шоҳ*) асир олади. Лашкар ғалаба билан қайтгач, қаҳрамон Дороб шоҳ Ҳумой ҳузурига келади. Шу заҳоти она кўксига сут келади. Малика Доробнинг кимнинг ўғли эканлигини суриштиради ва йигитнинг ўз ўғли эканлигини билади. Ҳумой тахтини ўғлига тошширди. Дороб Румни олиб, шоҳ қизига уйланади. Бироқ кўп ўтмай, ундан совиб, хо-

тинини ота юртига жўнатиб юборадн. Айрим тарихчилар ўша аёл-  
 ни Искандарга ҳомиладор эди, деб ёзганлар...  
 Д у н — тубан, пасткаш, разил.  
 Д у р а х ш о н — порлоқ, чарақлаган.  
 Д у р р и х у ш о б — 1. Қимматбаҳо жавоҳир; 2. Мажозан. ёр тиш-  
 лари.  
 Д у р у д — мақтов, дуо, салом, яхшилик тилаш.  
 Е т т и и қ л и м — қадимий астрономик тушунчага кўра, ер юзи етти  
 иқлимдан иборат. Етти иқлим дейилганда ер юзининг ҳаммаси ту-  
 шунилан. «Иқлим» сўзи маъносига кўра қитъа тушунчасига баро-  
 бардир. Аммо қадимий тушунчага кўра, иқлим географик қитъага  
 нисбатан гоат кичикдир.  
 Е в м у л ж а з о — жазо кунн, қиёмат кунн.  
 Е в у қ — яқин.  
 Е з и — дашт, чўл, биёбон.  
 Е з у қ — гуноҳ, жиноят.  
 Е н м о қ — қайтмоқ.  
 Е ҳ у — 1. Эй сен. 2. Худоё! Эй худо!  
 Ж а б и н — манглай, пешона.  
 Ж а з б а — 1. Тортмоқ, жалб этмоқ. 2. Шимимоқ.  
 Ж а й б, ж а й б а — 1. Еқа. 2. Қўйин чўнтак.  
 Ж а й ҳ у н — Аму, дарёнинг қадимги номи.  
 Ж а м ш и д ж о м и — Афсонавий, жаҳоннинг исталган гўшаси  
 акс этадиган шоҳ Жамшиднинг жомн. Кейинчалик, жумладан, Али-  
 шер Навоий Жамшид жомини глобуссимон харита сифатида тал-  
 қин этган (қаранг: Алишер Навоий, «Фарҳод ва Ширин». Асарлар,  
 7-том, 137—138 бетлар).  
 Ж и н о н — жаннат.  
 Ж о л а — 1. Дўл. 2. Шабнам, шудринг. 3. Мажозан: кўз ёши.  
 Ж о н и б — ҳузур, олд, ён, яқини.  
 Ж о н к а н д а — жон узган, жонсарак.  
 Ж о р у б — супурги.  
 Ж о ҳ — амал, мартаба.  
 Ж у з з и л л и г у н о ҳ — гуноҳ соясидан ўзга...  
 Ж у р м — гуноҳ, ёмон қилғилик.  
 Ж у р ъ а — қултум, ютум.  
 Ж у с т у ж ў (ж у с т ж ў й) — излаш, қидириш.  
 Ж ў ё н а — излаб юрган, изловчи.  
 Ж ў л о н — судралиб юрувчи.  
 Ж ў я н д а — ё б а н д а — излаган топувчидир.  
 З а л о л а т — адашмоқлик, гумроҳлик, йўлдан озишлик.  
 З а л о л а т п е ш а л и к — йўлдан оздирувчи, гумроҳ этувчи, нотўғ-  
 ри йўлга бошловчи.  
 З а м з а м — Маккада зиёратгоҳ ёнидаги қудуқ ва булоқнинг номи.  
 З а р р о т и ж а ҳ о н — жаҳон зарралари.



З а қ а м — заққум, ўткир заҳар.

З е в а р — тақинчоқлар, безаклар.

З е р и п о — оёқ ости, топталган.

З е р у з а б а р — остин-устун.

З и к р и ё — ислом теологияси маълумотларига кўра: пайғамбар.

Гўё ғайридинлар уни таъқиб этганда дарахт қавагига яширинган;

таъқибчилар эса дарахт билан бирга унинг танини арралашганлар...

Машрабнинг тубандаги мисрасида шу воқеага ишора бор:

Зикриёдек резалар қилди бошимни арралар.

З и ҳ и — ажаб.

З о к и р — зикр этувчи, эсловчи.

З о л — қари, кекса.

З о н у б а з о н у — айнан: тизма-тиз, яъни ёнма-ён, жуда яқин, ёндош.

З у л а й х о — Яҳудий халқ оғзаки ижодида шаклланган Юсуф ва

Зулайхо эпосининг бош қаҳрамони. Бу сюжет «Таврот»га ўтиб ун-

дан «Инжил»га ва «Қуръон»га кўчиб жаҳонга оммалашгандир.

Юсуф ва Зулайхо севгиси ҳақида юзга яқин дoston (Фирдавсий,

Али, Дурбек, Абдураҳмон Жомий, Ҳозиқ, Андалиб...), драма (Но-

зим Ҳикматини «Гўзал Юсуф» асари) ва тетралогия (Томас Манн

«Яъқуб тарихи», «Навқирон Юсуф», «Юсуф Мисрда», «Юсуф —

халқ халоскори» романлари) яратилган. Барча классик ва ҳозирги

замон талқинларида Зулайхо ўз севгиси учун қатъият билан кура-

шадиган садоқатли аёл сифатида гавдалантирилади, Зулайхо образи

муҳаббатда активлик, биринчи севгига садоқат рамзи бўлиб келган.

З у л м и н а н — миннат соҳиб, яъни оллоҳ.

З у н н о р — айнан: чилвир, чармдан ясалган белбоғ. Урта Осиё ва

Яқин Шарқ мамлакатларида мусулмон бўлмаган кишилар (яхудий-

лар, христианлар, ҳиндлар) зуннор тақиб юришга мажбур эдилар.

Бундай диний камситув XIX асрнинг 60-йилларигача давом эгди.

И б р о — хазинага кириш йўли, муқаддас даргоҳ бўсағаси.

И б р о ҳ и м д а н қ о л г о н у л э с к и д ў к о н — Маккадаги Қаъба

зиёратгоҳи.

И д д а о — муддао, орзу, даъво, талаб.

И д р и с Н а б и ю л л о ҳ — Идрис—худо даракчиси. Идрис ислом

динидagi афсонавий пайғамбардир. Унинг исми яҳудийларнинг «Гав-

рот»идан «Қуръон»га ўтган (19-сура, 57—58-оятлар). Идрис гўё

кийим тикиш, сўз ва юлдузшунослик илмига асос солган эмиш. Му-

сулмон бидъатларига биноан, гўё Идрис биҳиштга борувчилар учун

жаннатда кийим-кечак тикиш билан банд эмиш...

И й д — ҳайит, диний байрам. Ҳ и л о л и й д — ҳайит ячги ойи

(ҳилоли).

И й ё р — (иёр)— 1. Олтин-кумуш саралигини аниқлаш. 2. Қим-

матли материалларни (металл ва минералларнинг спиралигини) аниқ-

лайдиган киши. 3. Мажозан: инсон қадр-қиммати даражаси

И л я к (илк) — қўл.

И л м и н у ж у м — юлдузлар илми, астрология, қадимги астрономия.

И л ҳ о н — 1. Қуш сайраши. 2. Қўшиқ куйлаш.

И с к а н д а р — Македониялик Александр (*милоддан аввалги 356—323 йиллар*) — буюк юнон саркардаси, Македония подшоҳи. 556 йили отаси Филип ўлдирилгач, тахтга чиқиб, умр бўйи Шарқ мамлакатларини забт этиш билан машғул бўлди. Македониялик Александр Юнонистондан бошлаб Ҳиндистонгача бўлган улкан территорияни ўз империяси составига олган эди. Жаҳондаги бирор шоҳ бунчалик территорияда ҳукм сурмаганлиги тарихий фактдир. Александр 323 йилнинг 13 июнида вафот этган. Шарқ адабиётидаги Искандарга Александр прототип ҳисобланса-да, Шарқ мутафаккирлари яратган Искандар образи тарихий Александрдан кескин фарқ этади. Искандар сюжетини қаламга олган классикларимиз Искандар сиймоси ва фаолиятида ўз идеалларини ифодалаганлар.

И с о — лақаблири ва исми рус теологиясида Исус Христос, мусулмон диний адабиётларида Исо Масиҳдир. У христиан динининг афсонавий асосчиси. Ислом теологиясида ҳам Исо худонинг пайғамбаридир. Христианлар тасавурича Исус Адам (*Одам Ато*) ва Ева (*Момо Ҳаво*)ни гуноҳлардан халос этишга далолат қилиш учун ерга жўнатилган худо фарзандидир. Шарқ классик адабиётида у ўликларни тирилтира оладиган буюк қудрат эгаси сифатида талқин этилади. Шунинг учун ҳам унинг номига Масиҳ — тирилтирувчи сўзи қўшиб айтилади. Лирикада кўпинча ёрнинг ҳаётбахш лаби мақтови сифатида Масиҳодам тушунчаси қўлланилади.

И х р о ж — сургун.

И ш р а б а й л а — (*ичимлик*) ич.

И ш қ и ё — ошиқлар.

И қ б о л и к а в к а б — саодат юлдузи, бахт юлдузи.

И қ т и д о — эргашиш, яяриш.

Қ а б к — каклик. Қ а б к и х и р о м о н — чиройли юраётган каклик.

Қ а в к а б — 1. Юлдуз. 2. Мажозан: юз безаклари, ҳалқа, тиллақош, бурунчак... 3. Мажозан: кўз.

Қ а в н — олам, дунё.

Қ а с — киши.

Қ а с р а т — 1. Кўп, кўплик. 2. Кучли.

Қ а н ʼ о н — Ливан мамлакатининг (*Арзу Канʼон*) милоддан аввалги номи. Канʼон Юнон адабиётларида Финикия тарзида юритилган. Ривоятлар бу мамлакат асосчиси деб Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Канʼон ибн Ҳомни кўрсатишади. Шарқ адабиётида Канʼон асосан «Юсуф ва Зулайхо» севги дostonларига доир ўрипларда учрайди. Қ а н ʼ о н — Яъқуб пайғамбар шоҳлик қилаётган мамлакат, унинг ҳусида тенгсиз ўғли Юсуф шу ерда туғилган. Шунинг учун ҳам гўзаллик рамзи бўлган Юсуфни «Моҳи Канʼон» ҳам дейишади.

Гўё худо ҳусни ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуфга, қолган бчр қисмини бутун инсониятга бўлган эмиш...  
 Қарбало — 1. Шаҳар. 2. Даштнинг номи. Машраб кўпроқ Қарбало даштини эслаб, бу ерда Муҳаммаднинг неваралари Ҳасан ва Ҳусанларнинг жанг майдоннда ўлдирилганлигига ишора қилади.  
 Кибриё — улуг, буюк, тўнғич.  
 Кирм — қурт.  
 Комкор — бахтиёр, мақсадига эришган.  
 Кор — 1. Иш. 2. Мажозан: жазо, таъзир.  
 Косан чўбин — качкул, қаландарлар осиб юрадиган «муқаддас» идиш.  
 Косалес — айнан: коса яловчи, яъни ялоқхўр, ювиндихўр.  
 Коҳиш — 1. Озайтириш, камайтириш. 2. Ориқлаш, нозиклашиш.  
 3. Таъна, танбеҳ. 4. Мажозан: азоб, азобламоқ.  
 Кулбанэҳзон — ғамхона.  
 Кулли сиво — бутунлай бегона, мутлақо ёт.  
 Кулли хотирдан чиқиб — бутунлай эсдан чиқиб, тамоман унутилиб.  
 Қулоҳ — бош кийими, қалпоқ. Мажозан: тож.  
 Қунж — гўша, бурчак.  
 Курси — 1. Курси, сандал, минбар. 2. Тахт. 3. Осмоннинг юксак қисми.  
 Қўс — катта ноғора.  
 Қўтаҳ — қисқа.  
 Қўтаҳназар — калтаби, узоқни кўролмайдиган.  
 Қўҳ — тоғ. Қўҳи Тур — Макка яқинидаги тоғ. Теологик маълумотларга қараганда, гўё Мусо пайғамбар ана шу тоғда турчи Сино тоғидан оллоҳнинг жамоли жилвасини кузатган эмиш..  
 Қўҳкан — 1. Айнан: тоғ узувчи; тоғда тош қазийдиган киши. 2. Фарҳод.  
 Лавҳ — 1. Ёйиқ нарса, тахта, доска. 2. Равшанлик.  
 Лайл — тун, кечаси.  
 Лангар — қўналга, работ, карвонсарой.  
 Ларзон — титрайдиган.  
 Ло — йўқ.  
 Лок — 1. Ёғоч товоқ, ёғоч коса. 2. Лак, ранг, бўёқ. 3. Пасткаш, тубан, аҳмоқ. 4. Беҳуда сўзлар, вайсақилик.  
 Лолагун — лоладай, лола ранг.  
 Ломакон — номавжуд жой. Мажозан: у дунё.  
 Потхона — бутхона.  
 Лоязол — абадий, мангулик, сўнгги йўқ.  
 Луоб — сўлак, тупурик.  
 Мавлавий Румий — Жалолиддин Румий. Асли Урта осиелик буюк шоир, олим, файласуф. Отаси Баҳоваддин билан болалигида Қичиқ Осиега бориб ўқиган ва мадрасада мударрис бўлиб қолган.

Отаси хоразмлик олим эди. Жалолиддин Румий 1207 йилда Балхда туғилиб, 1273 йилда Румда вафот этган. Жалолиддин Румий форс, араб ва туркий тилларда ижод қилган. Айниқса, унинг «Маснавийи Румий»си ғоят шухрат қозонди. Унинг «Маснавийи маънавий» асари ҳам аввалгидек фикрий тезис ва унинг исботига хизмат қиладиган шеърӣ ҳикоялардан иборат асар эди. Жалолиддин Румий тасаввуфнинг «Мавлавия» мактабига асос солди. Жалолиддин Румий асарларида ишқ-муҳаббат, ахлоқий поклик ва гуманизм талқини кучлидир.

**М а в л о** — пир, раҳбар, худо.

**М а ж м а р** — мушк-анбар каби хушбӯй ҳид таратадиган нарсалар солиб тутатиладиган идиш, исириқдон.

**М а ж м а ъ** — жамоа, йиғилган кишилар. **М а ж м а и м а ҳ ш а р** — маҳшар (*қиёмат*)да йиғилган омма.

**М а з а л л а т** — хўрлик, хорлик, тубанлаштирилганлик.

**М а з ҳ а р** — 1. Зоҳир бўлиш, чиқиш ўрни. 2. Чиқиш, эришиш, муваффақ бўлиш; кўриниш.

**М а к о т и б** — мактублар, хатлар.

**М а л л о ҳ** — кемачи, сузағон.

**М а м л у** — тўла.

**М а н о з и л** — манзиллар.

**М а р д у д** — рад этилган, қувланган, ҳайдалган.

**М а р ж у м** — 1. Лаънатланган. 2. Қувилган, ҳайдалан.

**М а р ғ у б** — ёқимли, дилкаш, маъқул, севимли.

**М а с а л л и к** — сингари, каби.

**М а с н а д** — 1. Суянчиқ. 2. Тахт. 3. Юксак ўрин.

**М а с т у м у с т а ғ р а қ** — қаттиқ маст, учиб қолган маст.

**М а ш о м** — димоғ.

**М а ш ш о т а** — қиз ва келинларни кийинтириб, безантирадиган маҳсус пардозчи аёл.

**М а ъ б у д** — худо, ёллоҳ.

**М а ғ ф и р а т** — кечириш, ярақаш, гуноҳидан ўтиш.

**М а ҳ д и** — 1. Тўғри йўлга етакловчи. 2. Ислом динидагилар эътиқодича, Маҳди ўн икки имомнинг сўнггиси бўлиб, қиёмат яқинлашганда тирилиб келиб, дажжолга қарши курашар эмиш.

**М а ҳ ж у р** — айрилган, жудо бўлган.

**М а ҳ ш а р и с т о н** — тўпланадиган жойлар, йиғилинадиган юрт.

**М е ъ р о ж** — 1. Шоти, нарвон. 2. Кўкка кўтарилиш. 3. Муҳаммад пайгамбарнинг Қуддусга бориб, у ердан Буроқда кўкка чиққани.

**М е ҳ н а т** — азоб, уқубат, алам, ғам.

**М е ҳ н а т з а д а** — алам ўртаган, ғам адоий тамом қилган.

**М и с в о к** — тиш кавлагич.

**М и ф т о ҳ** — калид.

**М о л и к** — 1. Эга, тасарруф этувчи. 2. Қуллар хўжаси.

**М о ҳ а з а р** — овқат, емак.

**М о ҳ и** — балиқ.

Мудаввар — айлана, доира бўлиб айланадиган.  
Мужаррад — бўйдоқ, уйланмаган киши.  
Мужобир (мужовир) — 1. Доим ўз жойида яшовчи, турғун.  
2. Макка ё бирор мазоратда хизмат қилувчи киши.  
Музд — иш ҳақи ёки хизмат ҳақи.  
Мукаддар — ғамгин, хафа, аламли.  
Мул — май.  
Мулук — малик, шоҳ, мулк эгаси.  
Мунa — мана шу, шу, ушбу.  
Мункир — инкор қилувчи, рад этувчи.  
Мунфaил — хижолат.  
Мунқод — бўйин эгувчи, бўйсунувчи, итоаткор.  
Муршид — 1. Йўлга солувчи, йўл кўрсатувчи. 2. Эшон, пир, диний раҳбар.  
Мурғисаҳархон — айнан: тонгда сайрайдиган қуш — булбул, хўроз ва бошқалар.  
Мусаҳхар — эгаллаган, измга олинган.  
Мусo — Яҳуд дини асосчиси деб қараладиган афсонавий пайғамбар. Гўё у худо Яхве билан алоқада бўлиб, Сино тоғида Яхвечинг ўн васиятномасини ҳамда «Таврот» китобини олган эмиш. Исломда у Муҳаммаддан илгариги пайғамбар сифатида тан олинади. Ислом бидъатлари маълумотича, худо Мусoга ўз жамоли жилвасини Сино тоғида кўрсатган эмиш. Қуйида Машраб шунга ишора қилади.  
Мисли Мусoдек ҳар замон нури тажаллини кўруб...  
Мусoҳиб — суҳбатдош.  
Мустағрақ — ғарқ.  
Мустаҳиқ — эҳтиёжманд, моддий ёрдамга муҳтож...  
Мусҳаф — 1. Саҳифа, варақ. 2. «Қуръон».  
Муттако — суянчиқ.  
Муфaрриҳ — шодлик, севинч, қувонч.  
Муфлис — қашшоқ, йўқсил.  
Муфт — текин.  
Муштар — муштари (*харидор*) сўзининг қисқарган шакли.  
Муқтадо — пешво, имом; бўйсунилган, эргашилган киши.  
Муҳит — денгиз.  
Муҳтасиб — диний назоратчи. Қишлоқ ёки маҳалла муҳтасиб (уни раис ҳам дейишган) аҳолининг беш вақт намоз ўқиши ва рўза тутишини назорат қилган. Намоз ўқимаган ва рўза тутмаганларни калтаклаб жазолаган. Май ичиш муҳтасиб томонидан тақиқланган. Майхўрлар таъкиб қилинган.  
Муъ — 1. Соч. 2. Зарра.  
Наби — пайғамбар, элчи.  
Набиюллоҳ — худонинг пайғамбари, оллоҳ элчиси.  
Набат — ноғора.

Найсон — апрель ойига тўғри келадиган ой помидир. Бу баҳор ойи серёмғирлилиги билан ажралиб туради.  
Найшакар — най — қамиш; шакарқамиш.  
Накў — яхши. Накўлар — яхшилар.  
Накҳат — ис, ҳид.  
Нанг — ор. Нангу номус — ору номус.  
Наргиси пурханда — жилмайган қўзлар.  
Нахл — ниҳол, дарахт.  
Нағмагар — сайроқи, қўшиқчи, музикачи.  
Нек — яхши. Неки — яхшилик.  
Некубад — яхши-ёмон.  
Нили — ҳаво ранг. Гумбазинили — ҳаво ранг гумбаз — осмон.  
Нишот — хурсандчилик, қувонч.  
Нобино — кўр, ожиз.  
Новак — 1. Қамоннинг ўқи. 2. Мажозан: киприк.  
Ноком — бахтсиз, шўрлик, муродига етолмаган, мақсадида эришмаган.  
Ноланда — нолийдиган, мунгли сайрайдиган.  
Нопадид — кўринмас, кўринмайдиган.  
Нор — 1. Олов. 2. Дўзах. 3. Анор.  
Норисўзон — дўзах ўти, дўзахдай куйдирувчи.  
Нукта — нозик, чуқур фикр.  
Нуктадон — нозифаҳм, ақли етук, баркамол, нозик фикрларни англайдиган доно.  
Нун — эски ёзувдаги «н» ҳарфининг номи. Шоирлар бу ҳарфни мажозан қўллаганда ёр қоши, няғи, ошиқ қаддининг эгилганига ишора қиладилар.  
Нўшон — ича-ича.  
Нуқра — кумуш.  
Нуҳ — яҳуд, ислом ва христиан динидаги афсонавий пайгамбар. Христианлар унинг номини Ной тарзида биладилар. Нуҳ ва оламни босган сув тўфони ҳақидаги ривоят эраимиздан аввалги иккинчи минг йилликда Шумер давлатида шаклланиб, унинг бадий ифодаси «Гильгамеш» эпосида берилган эди. Бундан «Таврот»га, унда «Инжил» ва «Қуръон»га ўтган бу воқеага Шарқ шоирлари қайта-қайта мурожаат этадилар. Бу ривоятга кўра, инсоният динни қабул қилмагани учун Нуҳ худодан жазо тилаган. Худо сув балосини юборган. Олдиндан огоҳлантирилгани учун Нуҳ ўзи ясаган улкан кемага барча жониворлардан бир жуфтдан олган эмиш. Сув бутун ер юзидан энг баланд тоғ чўққисидан ҳам бир терак бўйи баланд кўтарилган эмиш. Шундай қилиб динни тан олмаган халойиқ қирилиб кетган эмиш..  
Нўла — нега? Нетар?  
Нўҳфалак — тўққиз фалак, тўққиз қават осмон.

Обид — ибодат қилувчи.  
 Обиҳайвон — тириклик суви, обиҳаёт.  
 Одам Сафиюллоҳ — Одам Ато.  
 Озари — оташпараст, ўтга топинувчи зардуштий.  
 Озурда — эзилган, азобланган, қийналган.  
 Оина кўргил — аниқ кўр.  
 Оинарў — айнан; ойна юзли, кўзгу чеҳра, тиниқ юзли, юзи бсжи-  
 рим.  
 Олуда — беланган, булганган.  
 Онқадар — шунчалик.  
 Оре — ҳа, зотан, албатта.  
 Ориф — билувчи, доно, маърифатли.  
 Осафибни Бурҳиё — Сулаймон пайғамбарнинг вазири. У худ-  
 ди Ануширвон адолатда донг таратгани каби вазирликда, олиҳим-  
 матликда шуҳрат қозонгандир.  
 Осиё — тегирином.  
 Оташқада — зардуштийлар сигинадиган ўтхона (*ибодатхона*).  
 Оташхор — айнан: оловхўр. Шоир бу сўзда ошиқнинг куйиб ўр-  
 танишга тайёрлигини уқтирмоқда. Классик адабиётда ошиқни са-  
 мандарга ўхшатишади. Афсонавий олов мавжудоти бўлган саман-  
 дар гўё олов билан озиқланиб, вулқон олови ичра яшармиш.  
 Ошуб — ғавғо, тўполон, қўрқув.  
 Ошuftа — паришон.  
 Оят — 1. Нишон, белги. 2. «Қуръон» жумласи.  
 Паём — хабар, дарак. Паёмбар — даракчи, мухбир.  
 Пайваста абрў — қоши туташ.  
 Пайк — хабарчи, элчи, даракчи. Мажозан: шамол, шабада.  
 Пайкон — 1. Қамон ўқининг учигаги металл бошоқ. 2. Тикан.  
 3. Мажозан: киприк.  
 Паймона — қадаҳ, пиёла, коса.  
 Пайрав — издош.  
 Паргола — 1. Парча-парча, бўлак. 2. Титилган, юмдаланган.  
 Паргор — циркуль.  
 Пешкаш — тортиқ, инъом.  
 Пиндор — 1. Мағрурлик, кибр, такаббурлик. 2. Ўйлаш, фикрлаш,  
 йўймоқ, гумон қилиш. Тори пиндор — хаёл ичи, хаёл тори.  
 Пироҳан — кўйлак, устки кийим.  
 Пиримугон — зардуштийларнинг диний раҳбари.  
 Поянда — барқарор, доимий.  
 Пур — тўла.  
 Пурсандалар — сўроқ қилувчилар. Хурофий Мункар, Накир-  
 лар назарда тугилади.  
 Пурханда — серкулги, кўп куладиган.  
 Пуршарор — алангали, оловли, қаттиқ куяётган.  
 Пуштипо — тепки.

Пушти по урмоқ — тепмоқ.  
 Пўсида — чирик.  
 Равза — бог. гулшан. чаман, бўстон.  
 Равон — 1. Қон. 2. Юрадиган, одичловчи.  
 Раг — томир.  
 Раз — ток. Раз қизни — май.  
 Ранжур — қийналган, азоб чеккан.  
 Расан — ип, чилвир, арқон.  
 Рахш — Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги машҳур қаҳрамон Рустам Достоннинг оти.  
 Рахшон — порлайдиган, ярқирайдиган.  
 Раъду барқ — гулдурак ва яшин.  
 Раҳоқилмоқ — қутқармоқ.  
 Реза — майда-майда.  
 Реша — илдиз.  
 Рибо — 1. Яшнаш, ошиш кўпайиш. 2. Судхўрлик, фойда олиш, наф кўриш.  
 Ришва — пора. Ришвахўр — порахўр.  
 Ришта — ип.  
 Роздон — ички сирларни билувчи, доно сирдош.  
 Рофизи — 1: Ўз бошлиқларини ташлаб кетган гуруҳ ёки ҳарбий кишилар. 2. Шиа мазҳабидаги бир гуруҳ кишилар бир низо тўғрисида ўз бошлиқлари Зайд бинни Алини ташлаб кетганлар. 3. Шиалар Муҳаммаднинг аввалги уч халифаси (*Абубакр, Умар, Усмон*)ни рад қилганлари учун суннийлар барча шиа мазҳабидагиларни рофизи деб атайдилар.  
 Рустами Достон — Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари оғзаки ижодида ва мифологиясида шаклланган қадимий образ. У паҳлавонлик, халоскорлик ва жўмардлик тимсолидир. Туркий халқлар эпосида Рустам турк халқлари ҳимоячиси сифатида гавдиаланса, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Эрон юрти ҳимочиси тарзида талқин этилади. Рустами Достон «Шоҳнома»нинг энг асосий ва мукамал ишланган образларидан бўлиб, шу асар орқали бу образ янада кенг шўҳрат қозонди.  
 Рутаб — янги узилган мева.  
 Рутба — мартаба, даража, тўр.  
 Рўҳи равон — ҳаракатдаги қон, жон.  
 Рўз — кун.  
 Рўсиёҳ — юзи қора. Рўсиёлиғ — юзиқоралик.  
 Сабоҳат — гўзаллик, ҳусн, чирой.  
 Савдозада — телба, хаёли бузилган.  
 Садбарг — атир гул.  
 Садр — бошлиқ.  
 Салотин — султонлар.  
 Самаяк — балиқ. Бу сўз кўпинча «самоу самак» ёки «само то са-



**мак»** бирикмаларида қўлланилиб, юксак осмондан сувнинг тубигача деган маъноларни назарда тутлади.  
**С а м а н д** — от.  
**С а н о** — мадҳ, мақтов, таҳсин.  
**С а р в и р а в о н** — мажозан: маъшуқанинг ҳаракатдаги қомати.  
**С а р г а р о н** — гангиган, довдираган, қалтираган, боши айланган.  
**С а р д** — совуқ.  
**С а р н а в и ш т** — қисматда битилгани, пешонада ёзилгани.  
**С а р н и г у н** — оёғи осмонда, тескари, букик, эгик.  
**С а р п о б а қ а д а м** — бошдан оёқ, сидирға.  
**С а ф и д о р** — терак.  
**С а қ а р** — дузах.  
**С а ҳ б о** — алвои май, қизил май.  
**С а ҳ л** — осон, жуи, қулай.  
**С и в о** — бошқа, ўзга, ёт, бегона.  
**С и й н а х а р о ш** — бағирни тирнайдиган, таъсирчан.  
**С и л к** — 1. Давра. 2. Ип. Маржон тизиладиган тизимча. 3. Қатор, сира.  
**С и п а н д** — сириқ.  
**С и п а р** — қалқон.  
**С и р о т у л м у с т а қ и м** — тўғри йўл, ҳақиқат йўли.  
**С и ҳ и (с а ҳ и)** — тик, адл, хушбичим.  
**С о д а** — 1. Тоза, пок. 2. Сара, холис. 3. Соф, пок (*макр ва ёмонликларни қилмайдиган*). 4. Нодон, гўл.  
**С о д а в а ш** — содда кўринишли, гўзалсимон.  
**С о й и р** — сайр этувчи, кезувчи, сайёҳ.  
**С о к и н** — яшовчи.  
**С о м о н** — тартиб, саранжом-сарништа.  
**С о р о** — соф, холис, сара. **А н б а р и с о р о** — сара анбар.  
**С о ҳ и б и п а й м о н а** — қадаҳ эгаси, соқий.  
**С у ж у д** — сажда қилиш, топиниш.  
**С у к у н** — тинчиш, осойиш, тўхташ.  
**С у м а н б ў** — суман исли, оқ гул ҳидини берадиган.  
**С у н ь** — қудрат, санъат.  
**С у р** — тўй, тантана.  
**С у р о ҳ и (с у р о ҳ и й)** — май идиши, май шишаси, Суроҳий бўйни узунчоқ бўлади.  
**С у р у д к а ш** — қўшиқчи.  
**С у р у ш** — 1. Фаришта, худодан хабар келтирувчи фаришта, Жабранл. 2. Вақт, худодан келган дарак, ғойибдан келган нидо.  
**С у х а н с а н ж** — сўзамол, сўз қадрига етадиган, сўзни билиб гапирадиган, сўзда синчков киши.  
**С ў** — томон.  
**С ў з а н** — яғна, няна.  
**С ў з а н д а** — куювчи, куйдирувчи, ёқувчи.

**Сўзон** — куя-куя.  
**Сўзу гудоз** — куйиб ўртаниш.  
**Сўҳроб** — машҳур афсонавий қаҳрамон Рустам Достоннинг ўгли.  
**Сўҳроб** описини излаб бораётиб, ўз номини яширган Рустам билан яккама-якка жанг қилади ва ота ханжаридан нобуд бўлади. Сўҳроб образи классик адабиётда энг эзгу орзулари рўбга чиқмай бевақт хазон бўлиш рамзи бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам шоирлар фалакни «Сўҳробкуш» дея инсоният фарзандларининг бағрини тиладиган ваҳший сифатида талқин қиладилар.  
**Сўфиёни савмаа** — черков аҳллари.  
**Табл** — югора.  
**Табл уруб** — ногора чалиб, овчилар довулини қоқиб.  
**Тавил** — узун, узоқ. **Умри тавил** — узоқ умр.  
**Тавоно** — қудратли, бақувват.  
**Тавсанг химмат** — ҳиммат бедови, ғайрат самани.  
**Тажарруд** — бўйдоқлик, уйланмаслик. Тажарруд сўфиёна покликни сақлашнинг талабларидан бири бўлган.  
**Тазаллум** — 1. Зорланиш, зулмдан шикоят. 2. Зулм қилиш.  
**Тайр** — ҳуш.  
**Тай қилмоқ** — босиб ўтмоқ (*масофани*).  
**Талъат** — жусса, гавда, юз, сиймо, кўрниш. **Париталъат** — пари юзди.  
**Таманно** — 1. Орзу, истак, тилак. 2. Қарашма, ноз.  
**Таржих** — бир нарсани иккинчи нарсадан ортиқ ҳисоблаш.  
**Таронғу** — тоғ тераксимон ёввойи дарахт.  
**Тарс** — ваҳм, қўрқув, ваҳима.  
**Тарфи кулоҳ** — қалпоқнинг учи.  
**Тасалсул** — занжир ҳалқалари каби кетма-кет уланиб кетиш, тизилиш, сираланиш.  
**Ташнеъ** — маломат қилиш, айблаш, ёмонлаш.  
**Тақдир қалам** — худо қўли билан битилган тақдир.  
**Тақи** — 1. Яна, тагин. 2. Тақводор, парҳезгор.  
**Таҳқиқ** — ҳақиқатини билиш, ҳақиқат қилиш.  
**Тифл** — гудак, бола, ёш.  
**Тожир** — савдогар.  
**Торикистон** — зулмат макони, зулмат мамлакати.  
**Тоқирўйи олам** — ер юзининг гумбази, осмон.  
**Тоқи фарозон** — юксак гумбаз.  
**Тоғна** — 1. Эртага. 2. Қиёмат куни.  
**Тоҳир** — пок, тоза.  
**Тузламоқ** — тўғриламақ.  
**Тузчуъ** — чиқиш (*қуёш, ой*), балқиш...  
**Туман** — ўй минг.  
**Туман миллиг** — ўн миллион.  
**Тунқатор** — подшоҳ қароргоҳининг тунги қоровули.

Туъма — овқат, емак.  
 Уд — 1. Оловга солинганда хуш ҳид бериб тутайдиган ёғоч. 2. Му-  
 зика асбобининг бир хили.  
 Улум — илмлар.  
 Умам — умматлар, ҳамма уммат.  
 Уммат — 1. Одамлар, жамоат, қавм. 2. Бирор миллат ёки дин из-  
 доши.  
 Урён — яланғоч.  
 Уқба — довон.  
 Уқбо — охират, у дунё.  
 Фалотун — Платон, Шарқда Афлотун номи билан машҳур бўл-  
 ган қадимги юнон файласуфи, идеалист.  
 Фалохун — 1. Тош отар асбоб. 2. Шу асбобда отилган тош.  
 Фардо — эртага, тонгла.  
 Фарзона — доно, зийрак.  
 Фароз (фарозон) — юксак.  
 Фароғатхотир — хотиржам.  
 Фирдавс — боғ. Мажозан: жаннат боғи.  
 Фирефта — алданган.  
 Хаданг — ўқ, камон ўқи.  
 Хайл — тўда, гуруҳ.  
 Хайлиҳашам — хонадон аҳли.  
 Хайман афлок — фалак чодирин, осмон гумбази, кўк.  
 Хайрунос — яхши одамлар.  
 Хамёза — 1. Эснак. 2. Исташ, тилаш, қўмсаш.  
 Хамр — май.  
 Хат — қизнинг устки лабларидаги нозик туклар.  
 Хилъат — устки кийим.  
 Химча — хипча, хипчин, новда. Химчанларзон — титроқ  
 новда.  
 Хисол — сифат, хусусият, одат, характер.  
 Хокистар — кул.  
 Хоро — метин тош, қоятош.  
 Хотам — узук, муҳр.  
 Худнамо ҳоди — ўзига бино қўйган йўлбошчи, мутакаббар  
 раҳбар.  
 Худрой — қайсар, қатъиятли, ўзбур.  
 Хукбон — чўчқабоқар, тўнғизбоқар.  
 Хунишон — қонсочар.  
 Хунчакон — қон тома-тома.  
 Хушбадном — қуруқ ёмонотлиқ.  
 Хушклуб — айнан: лаби қуруқ, яъни чанқоқ, ташна.  
 Хушкутар — ҳўлу қуруқ.  
 Хушлаҳжа — ширин сўз.  
 Хўқилган — ўрганган, одатланган, кўниккан.

Хўрдадон — нозик фикр билимдони, доно.  
Хўшачин — бошоқчи.  
Чароки — негаки.  
Чашмитар — кўзи нам, кўзи ёшли.  
Чашмитар — кўзи нам, кўзи ёшли.  
Чин — 1. Ажин. 2. Қош чимирши. 3. Хитой. 4. Чин, ҳақиқат, тўғри.  
5. Соч ҳалқаси, бурамини.  
Чинқофиласи — Хитой савдогарлари карвони.  
Чоғир — май.  
Чоҳи Замазм — Макка шаҳрида Қабба зиёратгоҳи ёнидаги қудуқнинг номи.  
Чоҳи занахдон — айнан: ияк чоҳи; иякдаги чуқурча — кулгич.  
Чуст — 1. Тез, чаққон. 2. Тайёр, шайланган. 3. Маҳкам, қаттиқ.  
Чуғз — бойқуш.  
Шабистон — ётоқ, уй.  
Шамширзан — қиличбоз.  
Шарар — учқун, аланга, ёлқини.  
Шаръ — 1. Ёмонлик. 2. Шарият.  
Шафоат — ўртада туриб восита бўлиш; бировнинг гуноҳини оқлаш учун ўртага тушиш, орага тушмоқ.  
Шаҳбоз — лочин.  
Шаҳсувор — чавандоз, сувори.  
Шеринар — эркак шер.  
Шиканжитурраи кокул — соч ҳалқаси бурамлари.  
Шодоб — сероб, қонишлик.  
Шонста — арзанда, арзирли.  
Шокир — шукр этувчи.  
Шона — тароқ.  
Шоҳимардон — айнан: эрлар шоҳи — Муҳаммад пайгамбарнинг куёви — араб лашкарбошиси Али ибн Абу Толибнинг лақаби.  
Шоиншамъ — шамъ шуъласи.  
Шуъбада — 1. Найрангбозлик, ҳайратли ўйин. 2. Фирибгарлик, макр.  
Шуълазан — шуълаланувчи, шуълаланадиган.  
Шўришнтўфон — довул қўзғолони.  
Эмганмоқ — қийналмоқ, заҳмат чекмоқ, қийналиб меҳнат қилиш.  
Эран — мард.  
Эшони Канъон — «Юсуф ва Зулайхо» қиссасидаги Юсуфнинг отаси — шоҳ Яъқуб пайгамбар назарда тутилади.  
Яксон — бирдай, бир хил.  
Ялдокечаси — қишнинг энг узун зулмат тунни.  
Яғмо — 1. Поймол қилмоқ, топтамоқ. 2. Таламоқ.  
Қабо — устки кийим.  
Қавси қузаҳ — ўқ ёй, ёй камалак, найкамалак.

Қазо — қисмат.

Қарн — 1. Ҳайвон шохи. 2. Асп (турли даврларда турли йиллар миқдори бир қарн ҳисобланган. Чунончи: Навоий бир қарн деб бунтиз йилни назарда тутган бўлса, Завақий бир авлод умрини 40—50 йил) бир қарн деб тушуинган. 3. Узоқ муддат.

Қарқара — бош кийимига санчилган чиройли қуш пати.

Қатъ — кечмоқ, кесмоқ.

Қатъи тааллуқ — 1. Муносабатларни узиш, алоқани бс қилиш. 2. Уйланмаслик.

Қақнус — Афсонавий қуш. Гўё унинг тумшуқ тешиклари ғоят кўп бўлиб, бу тешикларнинг ҳар биридан хилма-хил оҳанг таралар эмиш. Гўё мусиқа шундан ўйлаб чиқарилган эмиш. Қақнус умр бўйи хас-хашак йиғармиш ва умри ниҳоясида шу хас-хашаклар хирмонда ўзи ёниб кетармиш. Қул орасидан эса янги қақнус жўжаси чиқармиш... Машраб қуйидаги мисрада ана шу афсонавий тасаввурга ишора қилмоқда:

Қақнусга ўхшаб ёндим тириклай.

Қизилбош — эронлик.

Қобақавсайн — икки ёй оралиги.

Қофила — карвон, сафарга чиққан йўловчилар гуруҳи.

Қудум — қадамлар.

Қурбат — яқинлик, етишиниш.

Қурсисабоқ — қуёш.

Қут — овқат, таом.

Қўб (қўп) — тур, ўрнингдан тур.

Ғайрат — 1. Рашк, қизганиш, ғаш кўриш. 2. Саъй ҳаракат, берилиш.

Ғамин — ғамгин, қайғули.

Ғариб — қизиқ, ғалати.

Ғизол — кийик.

Ғул — дев.

Ғуломи машрабингдурман — маслакинг қулидирман.

Ҳаводис — ҳодисалар, кўргилликлар.

Ҳаводорлиқ — кибрлик.

Ҳамал — қуёш йили ҳисобида биринчи ойнинг номи (*март-апрелга тўғри келади*).

Ҳамдунаът — (*худога*) шарафлар ва (*пайғамбарга*) мақтовлар.

Ҳамнишин — бирга ўтириб турадиган суҳбатдош.

Ҳарза — беҳуда; ҳарза юрмоқ — бекорга дайдимоқ. Ҳарза демоқ — беҳуда сўзларни айтмоқ вайсамоқ.

Ҳашам — 1. Дабдаба, шукӯҳ. 2. Манзил, даргоҳ, хонадоч. 3. Яқин киши. 4. Қабила, эл. 5. Мартаба, даража.

Ҳечганже кўрмадим оламда бўлғай морсиз — оламда ҳеч илонсиз хазинани кўрмадим. Қадимги одамлар тасаввурда, гўё қадимий шоҳларнинг кўмиб кетган хазиналарини маҳсус илонлар

қуриқлаб бошқа кишиларни яқин келгани қўймас эмиш...  
Ҳидоят — тўғри йўл кўрсатиш.  
Ҳилм — ювошлик, юмшоқ табиатлилиқ, сабрлилиқ.  
Ҳозиқ — моҳир, тажрибали.  
Ҳоил — осилган (*парда*), тўсиқ, ғов.  
Ҳола — ойнанинг қўтонлаши.  
Ҳомун — чўл, биёбон.  
Ҳорис — очкўз.  
Ҳу — 1. У. 2. Худо.  
Ҳувайдо — белгили, ошқора, кўриниб турган.  
Ҳуққаиёқут — 1. Ёқут қутича. 2. Мажозан: ёр оғзи.

## МУНДАРИЖА

Буюк исёнкор . . . . .	5
Ғазаллар . . . . .	27
Муламчаълар . . . . .	231
Мустазодлар . . . . .	237
Мураббаълар . . . . .	263
Мухаммаслар . . . . .	269
Мусаддас . . . . .	323
Мусаббаъ . . . . .	328
Қисқача лугат ва изоҳлар . . . . .	331

*На узбекском языке*

МАШРАБ

ДИВАН (Стихи)

Редактор *Т. Алимов*  
Рассом *С. Хунтеева*  
Расмлар редактори *В. Немировский*  
Техн. редактор *Э. Саидов*  
Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 1030

Босмахонага берилди 02. 3. 79. Босишга рухсат этилди 31. 10. 79. Р. 13731.  
Формати 70×108<sup>1/2</sup>. Босма қоғози № 1. Адабий гарнитураси. Юқори босма.  
Шартли босма л. 15,40. Нашр. л. 9,24. Тиражи 25000. Заказ № 182. Баҳоси 90 т.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30. Шартнома № 30—79.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси.  
Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.



**Машраб.**

Девон / Нашрга тайёрловчилар: В. Раҳмонов, Қ. Исроилов.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.—352 б.

**Машраб. Девон (Избранное).**

Машраб лирикаси, унинг дилбар ва латиф, мафтункор газаллари ўзбек классик поэзиясининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Машраб ижодида халқчиллик, ҳақиқатга интилиш, зулм ва жаҳолатга қарши кураш, чин инсоний, гўзал идеалларни қуйлаш асосий ўрин эгаллайди. Машраб лирикасининг ушбу наشري аввалги нашрлардан нисбатан тўлаллиги ва мукамаллиги билан фарқ қилади.

ББК 84У